

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

САНЪАТШУНОСЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

САНЪАТШУНОСЛИК

МАСАЛАЛАРИ

II

2005

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ

САНЪАТШУНОСЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

САНЪАТШУНОСЛИК

МАСАЛАЛАРИ

II

**ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР
ТЎПЛАМИ**

**Тошкент
2005**

Масъул муҳаррирлар:

м. ф. д. М. А. Юсупова,

с. ф. д. О. А. Иброҳимов

Таҳрир ҳайъати:

т. ф. д. Э. В. Ртвеладзе,

с. ф. д. М. Х. Қодиров,

с. ф. н. Д. М. Муллажонов

Тақризчилар:

с. ф. д. Т. Б. Ғофурбеков

ф. ф. д. У. Х. Қорабоев

Санъатшунослик масалалари II

Илмий мақолалар тўплами

Тошкент, 2005 йил – 212 б.

«Санъатшунослик масалалари II» илмий мақолалар тўплами 1998-йили шу номда нашр этилган мақолалар туркумининг иккинчи китоби бўлиб, унга мутахассис олимларнинг санъатшуносликнинг турли йўналишларига оид муҳим мавзуларда ёзган илмий мақолалари киритилди. Тўплам соҳа мутахассислари – назарий олим ва амалиётчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, ундан ихтисослашган таълим тизимларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, санъатшунослик фанлари
доктори, профессор
Файзулла Музаффар уғли Кароматли
таваллудининг 80-йиллигига
бағишланади**



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Файзулла Музаффар ўғли Кароматли (Кароматов) бу йил 80-ёшга тўлди. Ўтган йиллар мобайнида унинг муסיқа маданияти ва муסיқашунослик фани ривожига қўшган ҳиссаси сезиларли бўлди. Жумладан, атоқли олим қаламига мансуб «Ўзбек чолғу муסיқаси», «Ўзбек дўмбира муסיқаси», «Ўзбек халқи муסיқа мероси XX асрда» илмий асарлари, шунингдек қарийб ярим аср мобайнида Ўзбекистоннинг барча вилоятларига ҳамда қўшни республикаларнинг ўзбеклар яшовчи туманларига уюштирган муסיқий-фольклор экспедициялари¹ халқимизнинг бебаҳо миллий муסיқа дурдоналарини ўрганиш, уларни теран идрок этиш ва кадр-қийматини англаш борасида катта аҳамият касб этади.

Файзулла Кароматли илмий раҳбарлигида муסיқашунослик фанининг муҳим мавзуларида ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари тайёрланиб, ҳимоя синовидан муваффақиятли ўтган. Унинг илмий даражали шогирдлари орасида Ўзбекистонлик олимлар билан бирга қардош Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Озарбайжон, ҳамда Германия, Польша, Чехословакия, Судан, Иордания, АҚШ каби хорижий давлатларнинг фуқаролари ҳам бор. Улар ҳозирги кунда ўз давлатларининг етакчи олимлари мақомида фаолият олиб бормоқдалар.

Файзулла Кароматли миллий муסיқий мерос намуналарини илмий-назарий ўрганиш билангина чекланмай, балки уларни ёш авлодга амалий ўргатиш борасида ҳам таҳсинга сазовор ишларни амалга оширган. Хусусан, жонкуяр олимнинг ташаббуси билан 1972-йили Тошкент давлат консерваториясида «Шарқ муסיқаси» кафедраси ташкил этилди ва унда ўрта аср муסיқа рисолаларини бевосита ўқиб, тадқиқот олиб бора оладиган муסיқашунош-шарқшуносларни тайёрлаш билан бирга устозона муסיқага доир мақом ва бошқа мураккаб жанрларни муқаммал ижро эта оладиган хонанда ва созанда талабаларни вояга етказиш ишлари жадал бошлаб юборилган эди. Келгусида бу кафедрадан таниқли санъаткорлар, халқ артистлари ва ҳофизлари унвонларига сазовор бўлган ижрочилар етишиб чиқди.²

Айни пайтда Файзулла Кароматли Ўзбекистонда санъатшунослик соҳасининг бошқа йўналишлари ҳам шаклланиб, ривож топишида

¹ Ф. М. Кароматли раҳбарлигида амалга оширилган муסיқий-фольклор экспедицияларининг тўлиқ мундарижаси «Санъатшунослик масалалари» илмий мақолалар тўпламининг I китоби иловасида келтирилган. Қаранг: Санъатшунослик масалалари (илмий мақолалар тўплами). Т., 1998, 232-234 бб.

² Бу ҳақда ушбу тўпلامдан ўрин олган Р. Қосимовнинг «Анъанавий ижрочилик кафедраси фаолиятидан» номли мақоласига қаранг.


Ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У 1957-64-йиллар давомида Санъатшунослик институтининг директори лавозимида фаолият кўрсатиши даврида Ўзбекистон Фанлар Академияси тасарруфига ўтказилган институтда мавжуд бор-йўғи тўрт «кабинет»ни кенгайтириб, уларни мустақил илмий соҳа бўлимларига айлантиришга ва икки йил ичида институт ходимлари сонини академия раҳбарияти кўмагида 12 тадан 80 га етказишга муваффақ бўлган. Шу тариқа, масалан, «Муסיқа бўлими» негизида кейинчалик «Фольклор ва замонавий муסיқа» ва «Муסיқа тарихи» шўъбалари, «Театр ва кино бўлими» «Кино ва ТВ» ҳамда «Театр ва хореография», «Тасвирий – амалий санъат ва меъморлик» бўлими асосида «Тасвирий санъат тарихи», «Замонавий тасвирий санъат», «Амалий санъат» ва «Меъморлик» бўлимлари ҳамда «Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси» гуруҳи ташкил этилганди.³ Шу билан бирга, институт ҳузурида аспирантура ва талабгорларнинг ҳам гуруҳлари очилган бўлиб, шу аснода санъатшунос олимларни тайёрлаш учун муҳим замин ҳозирланган эди. Жумладан, эндиликда таниқли олим, архитектура фанлари доктори Пўлат Зоҳидов, атоқли театршунос олимлар, санъатшунослик фанлари докторлари Муҳсин Қодиров, Тошпўлат Турсунов, тасвирий санъат бўйича олим, санъатшунослик фанлари номзоди Абдулхай Умаровлар янги очилган аспирантуранинг илк битирувчиларидан бўлган эдилар.

Бугунги кунга келиб, республикамызда санъатшунослик фанларининг равнақ топаётганлиги ва бу илм соҳасининг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки унданда кенгроқ миқёсда ҳам ўз нуфузига эга бўлиб бораётганлигида Файзулла Кароматлининг ўз вақтида кўрсатган сайъи-ҳаракатларининг маълум самарасини кўришимиз мумкин.

Этиборингизга ҳавола этилаётган «Санъатшунослик масалалари» илмий мақолалар туркумининг ушбу иккинчи китоби санъатшунос олимларнинг Файзулла Кароматлига миннатдорчилик туйғулари ила юзага келган бўлиб, бу ҳол унинг таркибий тузилмаларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, тўпلامнинг дебочасида «Файзулла Кароматли ҳақида сўз» юритилса, «Муסיқа», «Санъат тарихи ва меъморлик», «Тасвирий ва амалий безак санъати», «Театр», «Кино ва Телевидение» каби кейинги бўлимларида муҳтарам олимнинг ҳамкасблари, соҳадош дўстлари ва шогирдлари томонидан санъатшуносликнинг турли соҳаларига оид муҳим мавзуларда ёзилган мақолалари ўрин олди.

Тахрир ҳайъати

³ Муфассал маълумот манбаи: Ф.Кароматли. Институт – Фанлар Академияси таркибида. Тўплам: Санъатшунослик масалалари. Т., 1998, 31-37 бб.



ФАЙЗУЛЛА КАРОМАТЛИ ҲАҚИДА СЎЗ

Т. Мирзаев

Таниқли фольклоршунос олим

J. Elsner

Faszination «MAQEM»

Б. Ерзакович

Несколько слов о Ф. М. Кароматове

Р. Қосимов

Анъанавий ижрочилик кафедраси фаолиятидан

Н. Янов-Яновская

В поисках научной истины

Б. Турғунов

Кароматов «сенсей» ҳақида икки оғиз сўз

ТАНИҚЛИ ФОЛЬКЛОРШУНОС ОЛИМ

Фольклор, жумладан, мусиқавий фольклор ҳаёти доимо анъаналарнинг пайдо бўлиши, бойиб бориши ва янгиланиши, ривожланиши ёки инқирози, ёзув билан муҳрланмаган мунтазам айтувчилик ва ижрочилик шароитларида қачонлардир устивор бўлган локал услубларнинг умумийлашиб бориши, жамиятнинг ижтимоий-эстетик эҳтиёжи зарурияти билан индивидуаллик ва профессионалликнинг орта ёки камая бориши, айрим асарлар ва улар вариантларининг юзага келиши ёки йўқолиши, янги намуналарнинг яратилишидан иборат муттасил ижод ва қайта ижод давом этган ҳамда этаётган жонли оғзаки адабий-тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам фольклор анъаналарининг муайян ҳолатини, унда содир бўлаётган мураккаб жараёнларни доимий кузатиш, кенг маънодаги тўпловчилик ишларини олиб бориш фольклоршунослик фани учун биринчи даражали аҳамиятта эга. Бу жиҳатдан мусиқавий фольклорнинг улкан тадқиқотчиси, етук санъатшунос-фольклорист, мусиқашунос Файзулла Кароматов (Кароматли) нинг тўпловчилик ва тадқиқотчилик фаолияти ғоятда ибратлидир.

Файзулла Кароматов кўп қиррали ижодкор, улкан олим, моҳир созанда. Унинг фаолияти ўзбек мусиқа маданиятининг деярли барча томонлари билан боғлиқдир. Аммо унинг серқирра фаолиятида ўзбек халқи мусиқа меросини тўплаш ва ўрганиш асосий ўрин тутди. Тўғри, Файзулла Кароматовгача ҳам халқ мусиқасини тўплашга ва ўрганишга ҳаракат қилинган. Бироқ, бундай ишлар эпизодик, кўп ҳолларда тасодифий бўлиб, айрим чегараланган ҳудудларда, масалан, Фарғона водийси ва Хоразм воҳасининг баъзи ерларида, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидагина олиб борилган эди. Шунда ҳам асосий диққат оғзаки анъанадаги профессионал мусиқани тўплашга қаратилган эди. Файзулла Кароматов эса, 1955 йилдан бери Санъатшунослик институти мунтазам равишда уюштириб келаётган фольклор экспедицияларига раҳбарлик қилар экан, халқ мусиқавий ҳаётини бутун Ўзбекистон бўйлаб кузатди. Бугина эмас. У Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Қорақалпоғистон ҳудудларида яшовчи ўзбеклар орасига ҳам экспедициялар уюштирди. Натижада жуда катта ҳажмдаги фольклористик ва этнографик материаллар тўпланди. Бу материаллар халқимизнинг

бой ва хилма-хил жанрлардаги мусиқа фольклори меросига эга эканлигини батамом тасдиқлаш билан бирга уни ҳар томонлама ўрганиш учун ҳам кенг имкониятлар очди.

Файзулла Кароматов ёзиб олган ёки унинг раҳбарлигида тўпланган фольклор намуналарининг улкан аҳамияти шундаки, улар ўзбек халқи мусиқа меросини барча жанрий хилма-хилликлари ва локал хусусиятлари билан биргаликда яхлит тасаввур қилиш имконини берди. Бу жиҳати билан у ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф, халқ ижодининг улкан тўпловчилари ва тадқиқотчилари Музайяна Алавия ва Мансур Афзаллар қаторида турган ва улар бошлаган ишни собит қадамлилиқ билан давом эттираётган олимдир.

Тўпланган материалларни тизимлаштириш, уларга муайян бир тартиб бериш ва нашрга тайёрлаш ҳам катта меҳнат, қунт ва билимни талаб қилади. Файзулла Кароматов ўз илмий фаолияти давомида бунга алоҳида эътибор бериб келмоқда. У мусиқа фольклорини ёзиб олиш, сақлаш, ноталаштириш ва нашр этишнинг бутун бир илмий системасини яратди. Унинг бу йўлдаги дастлабки уринишлари 1962 йилда нашр этилган «Ўзбек дўмбира куйлари» китобида намоён бўлган эди.

Файзулла Кароматов фольклористик фаолиятининг катта самараси, айтиш мумкинки, унинг илмий ижодининг юксак чўққиси етти жилд, ўн икки китобга мўлжалланган «Ўзбек халқи мусиқа мероси» куллиётининг нашрга тайёрланиши ва дастлабки уч жилдининг нашр этилиши бўлди. Биринчи жилд «Кўшиқ» 1978 йилда нашр этилган эди. Унга юзга кўшиқ киритилди. 1985 йилда нашр этилган иккинчи жилд терма, ялла, қарсақдан иборат. Унга Бухороча «Мавриги» илова қилинган. 2004 йилда нашр этилган учинчи жилд ўзбек чолғу куйларига бағишланган. Кейинги жилдлар лапарлар, ашулалар, дostonлар, театрлаштирилган анъанавий томошолардаги куйлар, айтимлар ва бошқалардан ташкил топган. Характерли томони шундаки, нашрда ҳар бир асарнинг бадиий матни, унинг русча таржимаси, нота ёзуви берилиши билан бирга уларга асосли илмий шарҳлар илова қилинган. Ҳар бир жилд кириш тадқиқотлари, фотосуратлар, карталар, схемалар билан таъминланган. Ана шундай изчил тадқиқотлар натижасида Файзулла Кароматов ўзбек халқи мусиқа мероси кўп қиррали мавзу доираси билан характерланувчи, ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга тақалувчи, соддароқ тузилишдаги фольклор жанрлардан ташкил

топган оммавий халқ ижоди ҳамда худди шу негизда шаклланган мураккаброқ тузумли, ривожланган ашула, мақом ва чолғу асарларни қамраб олган оғзаки анъанадаги профессионал (касбий) санъат, шунингдек, кенг кўламли эпик дostonлардан иборат эканлигини ҳар томонлама асослаб берди. Бундай асослов фольклор асарларини анъаналарда қотиб қолган ибтидоий ҳодисалар тарзида баҳолашларга қақшатқич зарба берди, ҳамда фольклор намуналари ўзига хос юксақ санъат асарлари эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолдирмади. «Ўзбек халқи мусиқа мероси» куллиёти толмас тўпловчи, улкан тадқиқотчи Файзулла Кароматовнинг ўта меҳнатсеварлиги, синчковлиги, катта билими, қалб кўри, доимий излаш ва изланишининг катта самарасидир.

Тиниб-тинчимас олим қардош халқлар, жумладан, тожик халқи мусиқа меросини ўрганишда ҳам улкан ҳисса қўшди. Бу жиҳатдан унинг театршунос Н. Нуржонов билан ҳамкорликда Тоғли-Бадахшонга уюштирган экспедициялари характерлидир. Натижада вилоятнинг мусиқий ҳаёти, фольклори, халқ театри, рақс санъати ва чолғулари ҳақида бой фольклористик ва этнографик материаллар тўпланди. Бу материаллар «Помирнинг мусиқа санъати» номли беш жилдлик тўпламнинг нашрга тайёрланишига асос бўлди. Унинг дастлабки икки жилди Москвада нашр этилди. Бу ўринда «Алпомиш» дostonининг мусиқа таркиби ҳақидаги тадқиқоти ҳамда қорақалпоқча «Алпамыс» дostonининг нота ёзувдаги нашрини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Санъатшунослик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ўнлаб мусиқашунос ва фольклоршунос олимларнинг устози Файзулла Кароматов илмий фаолиятининг бир қиррасига умумий тарзда назар ташладик. Ана шу бир қирра ва умумий назарнинг ўзиёқ унинг нечоғли фундаментал тадқиқотларга қўл урганлигини ва бошлаган ишини жонбозлик билан якунлашга уринган фидойи олим эканлигини кўрсатиб турибди. Фанда фидойилик ниҳоятда зарур бўлган бугунги кунда 80 ёшини қаршилаётган улкан олимга сиҳат-саломатлик, янги-янги илмий топилдиқлар тилаб қоламиз.

zwei Jahre zuvor erschienenen ersten Band der Ausgabe des Šašmaqôm, die seine Notation enthielt und eine von Faizulla Karomatov gemeinsam mit Ishaq Radshabov verfaßte gewichtige Einleitung besaß. Sie kennen das alle. Für mich aber war das eine Offenbarung. Die Entdeckung leitete Wasser auf meine Mühlen. Ich hatte neue wichtige Belege für meine Auffassung von der disparaten Vielfalt des maq'ém-Phänomens. Das uralte maq'ém-Prinzip als allgemeine musikalische Produktionsmethode manifestierte sich in einer Vielzahl unterschiedlicher historischer Entwicklungszüge und regionaler Traditionen von Zentralasien bis Nordwestafrika. Meine neu erworbenen Kenntnisse brachte ich noch in meine Habilitationsschrift ein, und fünf Jahre später, bereichert im Wissen um den maq'ém durch ausgiebiges Studium der verschiedenen Ausgaben des Šašmaqôm und der zahlreichen Tonaufnahmen sowie durch einen anderthalbjährigen Forschungsaufenthalt in Algerien, schrieb ich für Acta Musicologica einen Artikel «Zum Problem des maq'ém», der durch die darin vertretene Sichtweise international Beachtung fand und die Diskussion belebte. Aber ich bin schon wieder vorausgeeilt und abgeschweift. Mindestens scheinbar. Denn daß ich nun bald 40 Jahre, d. h. fast sein halbes Leben mit Faizulla Karomatli in freundschaftlicher und fruchtbarer wissenschaftlicher Verbindung stehe, rührt aus jenem Jahr 1968 her. Faizulla war es, der mich damals in die wissenschaftlichen und bildnerischen Institutionen Usbekistans einführte, der mich Einblick in Quellen nehmen ließ und mit wichtigem Studienmaterial versorgte, der Verbindungen zu Kollegen und Musikern herstellte und mit dem es anregende Diskussionen gab. Der Austausch entwickelte sich so, daß wir 1984 in Vinogradovs Sammelbänden «Muzyka narodov Azii u Afriki» gemeinsam einen Artikel mit dem bezeichnenden Titel «Maq'ém und maqôm» veröffentlichten, der sowohl die überkommene eurozentrische Forschungssituation kritisch betrachtet als auch die historisch-regionale Diversität des maq'ém-Phänomens darstellt. Die internationale Diskussion um das maq'ém-Problem führte im Zusammenhang mit den seit Ende der 70er Jahre in Samarkand organisierten Internationalen Musik-Symposien schließlich auf dem III Symposium 1987 zu der Idee, eine spezielle Studiengruppe «maq'ém» zu gründen. Faizulla Karomatli gehörte zu den Initiatoren, und er ist als Ko-Ordinator und Organisator dageblieben. Schon im folgenden Jahr 1988 konnte ich in Berlin mithilfe des Musikrates der DDR die erste Tagung zur maq'ém-Problematik organisieren, die zugleich auch die Gründungsversammlung der kurze Zeit

darauf vom Board anerkannten Studiengruppe «maqĒm» des International Council for Traditional Music war. Bisher haben fünf Tagungen stattgefunden, die letzte 2001 in Samarkand, also in dem Ort, wo die Idee zur internationalen Zusammenarbeit in der maqĒm-Forschung geboren wurde.

An der Arbeit der Studiengruppe nahmen bekannte Spezialisten auf dem Gebiet der Musikkultur der Länder des Vorderen und Mittleren Orients und insbesondere ihrer klassischen Musiktraditionen teil. Es konnte viel neues Wissen über einzelne maqĒm-gebundene Musiktraditionen erschlossen werden, das sowohl auf eigener praktischer Erfahrung oder auf Feldforschungen beruhte, als auch aus vorhandenem aufbereitetem Material, aus Traktaten zur Musik usw. geschöpft war. Neben der Beschreibung einzelner regionaler maqĒm-Traditionen und Versuchen der Aufklärung ihrer historischen Einbettung sowie der Beschäftigung mit theoretischen Grundfragen spielten analytische und vergleichende Untersuchungen einzelner regionaler Überlieferungen eine Rolle. Aber obwohl die in «maqĒm, rĒga und Zeilenmelodik» steckenden «Konzeptionen und Prinzipien der Musikproduktion», «Regionale maqĒm-Traditionen in Geschichte und Gegenwart», «Struktur und Idee des maqĒm aus historischer Sicht», «Die maqĒm-Traditionen der Turkvölker» und «Der maqĒm und entsprechende Phänomene im interkulturellen Vergleich» thematisiert und in vielen Aspekten behandelt worden sind, ist das Thema maqĒm weder inhaltlich noch methodisch auch nur annähernd erschöpft. Wir wissen schon viel, aber wir verstehen noch wenig. Es bleibt noch sehr viel zu tun. Vielleicht ist es sinnvoll, einige offene Probleme des Verständnisses des maqĒm-Phänomens zu benennen und schließlich an einer konkreten Frage zu erläutern. Die Probleme sind im Grunde methodischer Natur. Sie ergeben sich aus einer gewissen Abstraktheit und Pauschalisierung der Untersuchungen und Darstellungen. Sicher ist die Aufzeigung allgemeiner Verbindlichkeiten und Prinzipien, der traditionsübergreifende Vergleich nützlich. Daraus können Hinweise auf Zusammenhänge und wechselseitige Beziehungen zwischen Kulturen, Einflüsse und Übernahmen sowie auf kreative Aktivitäten und Eigenentwicklungen entnommen werden. Es lassen sich übereinstimmende Merkmale, Ähnlichkeiten und Unterschiede feststellen und Maß und Distanz kalkulieren. Aber dennoch stellen solche allgemeinen Bestimmungen lediglich Abstraktionen dar. Sie sind geeignet, Gesamtheiten

zu erfassen und über eingeeengte Horizonte hinauszugehen. Hingegen können sie das interne Verständnis einer Tradition und ihrer Produkte sowohl nach struktureller Gestaltung als auch ideellem Gehalt nicht ersetzen. Erst wenn die konkreten Gegenstände spezifiziert werden, erschließt sich das ihnen angemessene Verständnis, weil der geschichtlich ausgewiesene Sachverhalt von der allgemeinen Bestimmung wesentlich verschieden ist. Die jeweilige Eigenheit, das Besondere ist gerade das, was über dieses Allgemeine hinausweist und den Kern von Entwicklung und Geschichte ausmacht. Es ist gewissermaßen der Haken, an dem die Verallgemeinerung hängenbleibt.

Um das an einem Beispiel zu erläutern/verifizieren: Auf Grund bestimmter einzelner Merkmale und mehr oder weniger sinnfällig wirkender Ähnlichkeiten ergibt sich/entstand natürlich die Verlockung, einzelne mit dem maq'ém-Prinzip verbundene Traditionen miteinander zu vergleichen und daraus Schlüsse für Verwandtschaftsgrade und Entwicklungszusammenhänge zu ziehen oder aber Disparitäten zu konstatieren. Wenn man von nominalistisch gefaßten Vergleichen absieht, die unter gleichen oder ähnlichen Bezeichnungen gefaßte disparate Sachverhalte zusammenbringen (etwa historisch unterschiedlich angelegte Versionen des SehğÉh oder des maq'ém-Prinzips wie maq'ém, maqôm oder muğ'ém usw.) und für sich allein schon fragwürdig sind, so verbleiben auch die thematisch begründeten Vergleiche in der Regel auf einem sehr allgemeinen Niveau. Sie finden ihre Grenze an den jeweiligen Besonderheiten, ob sie nun regional naheliegende Traditionen wie die Kashmirs und Bucharas betrachten oder entfernte Regionen über die Frage zyklischer Anlage der jeweiligen Musikausübung klassischer Tradition, etwa im Vergleich zwischen Kashmir und Marokko oder zwischen Šašmaqôm und nâba, zusammenführen.

Was etwa den Šašmaq'ém und die algerische nâba angeht, so mögen sie infolge der Verkettung über bestimmte historische Linien einander näherstehen als neueren, aus anderen Quellen gespeisten Traditionen. Geht man aber von der allgemeinen Systemkonstellation, die sich durch Abstraktion aus der Vielzahl der überlieferten Stücke herstellt, zur Betrachtung der realen Repertoires über, wird die historische Distanz sehr deutlich. Die algerische klassische Musik zeigt Prinzipien der Melodie- und Formbildung, die sie klar von denen des Šašmaqôm abheben. Über die

dahinterstehenden historischen Wechselfälle, Eigenentwicklungen und Fremdeinflüsse ist hier nicht zu reden, was doch für jedes Verständnis nötig wäre. Auch kann es hier nur um ein Beispiel zur Veranschaulichung der Fragestellung gehen. Aus einer Aufnahme der nāba Ūribt èsín aus dem Tlemcener Repertoire möchte ich zunächst einen Ausschnitt vorstellen, und zwar aus dem BÓÉ´íéi, dem zweiten Vokalteil der Nāba (Tonbeispiel 1).

Tonbeispiel 1: BÓÉ´íéi aus der nāba Ūribt èsín (Ausschnitt)

Notation 1: BÓÉ´íéi aus der nāba Ūribt èsín

Btäihi Gribt Hsin «Wa-llāh lau lāka ya habibi» (model notation)

sections I, II, (instr.), III, IV (instr.), V

a

b

a

sections VI, VII (instr.), VIII

a

section IX

a

b

a

Ohne ins Detail gehen zu können, läßt sich nach dem Gehörten und Gesehenen – natürlich argumentiere ich auf der Basis eines umfangreicheren Materials – einiges zur Melodiebildung sagen. Das Beispiel kann als exemplarisch für die algerische Nāba gelten. Wichtig daran ist, daß der genutzte Tonraum relativ eng gezogen ist und die Melodien in ihrer strukturellen Grundlage sich gewöhnlich auf wenige Tongruppen, meist ein bis zwei, beschränken. In der Regel verbleiben sie innerhalb des Oktavraums.

In jedem Óab` herrscht eine Tongruppe, gewöhnlich die im unteren Register. Auf unser Beispiel trifft das zu.

Die Melodien bestehen aus wenigen Zeilen, die mit Bezug auf die zu Strophen zusammengefaßten Verse oder Halbverse der benutzten Dichtungen entsprechend gliedert sind (s. Tabelle 1).

Tabelle 1: Die formale Anlage des «*Wa-lláh lau láka yâ habîbî*»

Abschnitt	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX
Melodiezeilen vokal	aba		aba		aba	a		a	aba
Instrumentale Zwischenspiele		aba		aba			a		
Text (nach Halbversen und Reimstruktur)	1a* 2b		3a* 4b		5a* 6b	7c		8d	9c* 10d

* steht für das auf die Melodiezeile gesungene melismatische «ÿh»

Die Differenz zum ŠašmaqĒm ist unübersehbar. Ohne mich auf eine selbst kursorische Charakterisierung der maqôm-Zyklen einzulassen, möchte ich jedoch zumindest andeuten, daß diese nach Wurzeln, Ansatzpunkten, Einflüssen und Entwicklungen große Unterschiede zur nāba aufweisen. Das erscheint deutlich in ihrer tonräumlich-formal klar ausgearbeiteten und durch die namuden bereicherten, weitausgreifenden Tongruppenstruktur und vor allem auch in der besonderen Kultivierung der seit QuÓb ad-Dín Maémád aš-ŠírĒzí (1236-1311) als šu“bĒt (Pl. zu šu“ba – Zweig) bekannten Abzweigungen aus den HauptmaqĒmĒt. Die šu“bĒt, einst als reichere Ausstattung und Ausgestaltung der in den berühmten maqĒmĒt vorgegebenen Tongruppenstruktur entwickelt und genutzt, haben im

Šašmaqôm formalen Eigenwert gewonnen, auch wenn sie weiterhin klaren tonalmelodischen Zuordnungen unterworfen blieben. Ihre formale Potenz wurde in solchem Maße entwickelt, daß sie sogar bestimmend für die Zyklusbildung der maqômôt überhaupt wurden.

Entsprechend der Komplexität des maqôm-Aufbaus wie seiner šu“bÉt ist auch die Melodik der einzelnen Stücke tonalmelodisch beziehungsreich aufgebaut. Sie spannt weite Bögen und bildet sich zu unterschiedlichen und zum Teil sehr komplexen Formen aus. Die nāba wird ebenso wie die einzelnen maqômôt des Šašmaqôm als Zyklus begriffen. Das Problem aber liegt ähnlich wie mit der Melodik der beiden Traditionen. Der musikalischen Konzeption nach sind die Zyklen sehr verschieden und zum Teil sogar entgegengesetzt. Natürlich ist der Bezug auf die alte nauba und ihre Vorformen unpräzis und weder nach den Quellen belegt noch auf Grund gegebener Sachverhalte und historischer Vorgänge hinreichend zu verifizieren. Zudem ist das Prinzip der Stückereihung uralte und weitverbreitet. Nicht nur bei al-FÉrÉbí und al-IsfÉhÉní gibt es Hinweise darauf. Reihung oder Zusammenfügung von unterschiedlichen Musikstücken finden sich in vielen altherwürdigen Traditionen. So gibt es Stückekopplungen in der Musik der syrischen Beduinen, und im Jemen erscheint das zyklische Prinzip in verschiedener Form in altüberlieferten Tänzen oder in Bindung an bestimmte Funktionen usw. Das Charakteristische an der nāba nun ist, daß die Stücke in ihr einfach aneinandergereiht werden, ohne daß die Struktur des Óab` auf die Bildung der Großform einwirkt. Die Reihung wahrt also einen gleichbleibenden tonalen Bezug. Die innere Entwicklung der nāba als Großform stützt sich allein auf die sich wandelnden, die verschiedenen Stücktypen kennzeichnenden rhythmischen Perioden. Ganz im Gegensatz zum gewissermaßen formneutralen Óab`, der auf die Aneinanderfügung der einzelnen Bestandteile der nāba keinerlei Einfluß nimmt, gewinnt der mittelasiatische maqôm-Zyklus die Impulse für seinen imposanten Formaufbau geradezu aus den strukturellen Potenzen des dem Zyklus zugrundeliegenden maqôm und seiner Verzweigungen. Die zahlreichen Stücke und internen Zyklen sind mit Bezug auf die den maqôm und seine Zweige tonräumlich gliedernden Stütztöne zu großer, den erweiterten Aktionsraum sinnfällig und harmonisch ausfüllenden Form angeordnet. Auf Grund der vorgeführten Differenz der beiden Traditionen macht es also keinen rechten Sinn, nāba und mittelasiatischen maqôm-Zyklus über den Begriff des Zyklischen zusammenzuspannen, es sei denn, man reduziert seinen Inhalt auf

die bloße Reihung von Stücken. Auch ist es angesichts der unterschiedlichen Dimensionen und Orientierungen wenig zweckmäßig, Óab` und usbekisch-tadjikischen maqôm in einem Atem zu nennen, wenngleich ihnen der Ansatz im Tongruppenprinzip gemeinsam ist. Nach Potenz und Dimension sind sie wesentlich verschieden.

Wie vielleicht deutlich gemacht werden konnte, ist es methodisch wichtig für den Vergleich, ihn auf faktologischer, nicht nominalistischer Basis durchzuführen. Allein schon der Gebrauch des Terminus maqôm zeigt, daß eine Bezeichnung verschiedene Inhalte abdecken kann. Dabei bedeutet die Feststellung und Beschreibung konkreter Vielfalt nicht nur, die aus ethnischer, lokaler oder regionaler Orientierung, aus sozialer Dynamik und Entwicklung entstandene Mannigfaltigkeit zu registrieren, sondern insbesondere die Gesamtheit des Repertoires innerhalb einer Tradition in ihrer ganzen inneren Differenziertheit zu erfassen, die wesentlich über die allgemein gefaßten Charakterzüge hinausgeht.

Im Stillen hoffe ich aber auch, daß aus meiner Darstellung hervorscheinen mochte, wie wichtig internationale Kooperation ist, um Kenntnis und Verständnis des mannigfaltigen, über Regionen und Kontinente ausgetretenen musikalischen Reichtums dieser Welt zu erlangen. Eine solcherart fördernde Zusammenarbeit aber kann nur entstehen, wenn für die Sache und das Ziel begeisterte, an Erkenntnisgewinn interessierte Kollegen sich in freundschaftlicher Partnerschaft zusammenfinden. Mir ist diese Gunst – ich darf das bei diesem Anlaß öffentlich gestehen, ohne meine vielen anderen befreundeten Kollegen hier in Usbekistan zu beschämen – in Faizulla Karomatli zuteil geworden. Ich hoffe, daß wir noch lange einen guten Faden zusammen spinnen können.

НЕСКОЛЬКО СЛОВ О Ф. М. КАРОМАТОВЕ

Среди многочисленных музыковедов республик Средней Азии и Казахстана выделяется своими исследованиями в области музыкального фольклора, своей музыкально-общественной и организаторской деятельностью узбекский музыковед Файзулла Музафарович Кароматов (Кароматли).

Содержание его научных трудов в области узбекского и таджикского фольклора, руководство аспирантами не только Узбекистана, но и других республик, а также помощь научными консультациями и создание благоприятной моральной обстановки соискателям, приезжающим в Ташкент для апробации и защиты кандидатских диссертаций в Институте искусствознания, давно составили ему известность среди музыкальной общественности как крупного ученого, организатора науки, активно содействующего формированию молодых национальных кадров музыковедов.

Впервые я был наслышан о Кароматове как о способном аспиранте от его научного руководителя кандидатской диссертации доктора искусствоведения, профессора Виктора Михайловича Беляева. В 50-е гг., часто наезжая в Москву для выявления и изучения нужных мне материалов по истории казахской музыки, хранящихся в фондах разных архивов, библиотеках, музеях, я обязательно посещал Беляева в его квартире в точно назначенное время (обычно в 7-8 часов вечера), получал от него много полезных советов по направлению своих поисков, по методологии научных исследований фольклора. Виктор Михайлович пользовался моими записями казахских народных песен, которыми снабжал его для работы над казахским разделом в «Очерках по истории музыки народов СССР». Беляев был одним из ярких последователей русских дореволюционных ученых, принимавших активное участие в изучении быта, культуры и искусства многих народов. Им было написано немало трудов по истории и теории разнонационального фольклора, у него постоянно учились

аспиранты из многих республик, а в их числе — первые казахские музыковеды Гаухар Чумбалова и Мариям Ахметова. Естественно, я интересовался их успехами, которыми он был весьма доволен. Среди своих аспирантов, в разговорах со мной, Беляев особенно высоко отзывался о Файзулле Музафаровиче Кароматове, предсказывая ему большое будущее как ученого.

С Кароматовым в годы его аспирантуры я не встречался. Лишь потом, на каком-то музыковедческом совещании в Москве, в Союзе композиторов СССР, мы познакомились. У нас оказалось много общих интересов по проблемам изучения народного музыкального творчества, по выявлению роли фольклора в жанрах профессионального искусства и многим другим. Мы стали обмениваться книгами по музыке, изданными в Алма-Ате и Ташкенте, и я стал в курсе исследований не только Кароматова, но и других музыковедов Узбекистана. К сожалению, только такой вид личных обменов музыкальной литературой и до настоящего времени является почти единственным способом приобретения музыковедческой литературы других республик. Книжные и даже специальные магазины искусствоведческой литературой торговали только местными и Всесоюзными изданиями.

Но особенно вплотную познакомился я с научным потенциалом Ф. М. Кароматова, когда работал над оппонентским отзывом его докторской диссертации «Узбекская инструментальная музыка (наследие)», которую он защитил в 1971 г. во Всесоюзном научно-исследовательском институте искусствознания Министерства культуры РСФСР. Диссертация представляла собой фундаментальное исследование большой научной проблемы, охватывающей тысячелетнюю историю инструментального искусства народов Востока. Попутно надо сказать, что оппонирование диссертаций много дает оппонентам в отношении новых научных сведений, фактов, обобщений. Так, например, от этого исследования Кароматова я стал более полно представлять себе содержание разделов о музыке и музыкальных инструментах в трактатах средневековых ученых аль Фараби, Абу Али ибн Сины, Абу Абдуллаха Хорезми и многих других.

В этой диссертации с большим знанием источников проанализировал Кароматов значительное число основных публикаций об инструментальной музыке дореволюционных, отечественных и зарубежных ученых. Особенно импонировало мне как фольклористу, что весь значительный нотный материал диссертации Кароматова был записан им в экспедициях и лично расшифрован, за исключением нескольких расшифровок С. М. Габриэляна.

В этом исследовании, опубликованном отдельной монографией, Ф. М. Кароматов впервые наиболее последовательно проследил, систематизировал и обобщил путь развития узбекской инструментальной музыки и народного инструментария за многие века бытования в народе и показал их значение в музыкальной культуре современного Узбекистана.

Здесь я не касаюсь оценки ряда других крупных работ Кароматова, таких, как «Хамза Хакимзаде Ниязи и узбекская музыка», множество его записей народных песенных и инструментальных произведений, опубликованных в нескольких нотных сборниках «Музыкальное наследие узбекского народа», другие издания с обстоятельными научными комментариями, или «Музыкальное искусство Памира» (в соавторстве с Н. Нурджановым). Особо следует отметить специальное редактирование Ф. М. Кароматовым нотных записей Шашмакома Ю. Раджаби, изданных в шести томах, а также редактирование и рецензирование исследований и сборников других музыковедов.

Файзулла Музафарович Кароматов является одним из признанных лидеров международного музыкального сообщества. Широко известна его неутомимая деятельность и инициатива в организации и проведении разных по локальным и глобальным темам музыковедческих конференций, симпозиумов, конгрессов и других научно-культурных мероприятий, на которых он председательствовал по очереди с другими деятелями, а также выступал с докладами по актуальным музыкальным темам современности. Значительно украшает такие форумы участие в них многих выдающихся народно-профессиональных певцов, инструменталистов, фольклорных вокально-инструментальных и танцевальных ансамблей и других национальных художественных коллективов. Благодаря им все участники обогащаются знаниями о творчестве разных народов, во

многим схожим по содержанию, но поразительно неисчислимо богатого по оригинальности выразительных средств музыкального языка, самобытным видам исполнительства, разнообразию форм, тембровых средств звучания народных национальных инструментов.

Выдающаяся деятельность Ф. М. Кароматова, как и других искусствоведов и музыковедов, создали ташкентскому Институту искусствознания заслуженный авторитет ведущего научного центра по изучению и пропаганде музыкального искусства народов Востока.

АНЪАНАВИЙ ИЖРОЧИЛИК КАФЕДРАСИ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбек миллий мусиқа санъати ўзининг кўп асрлик бой маданий меросига эга. Ана шундай табаррук меросни асраб-авайлаб, унга ҳамиша хушёрлик кўзи билан қараш — халқимизнинг муқаддас бурчидир.

Миллий қадриятлар қаторида халқимизнинг бой мусиқий меросига бўлган қизиқиш борган сари ривож топмоқда. Чунки бизнинг давримизгача етиб келган миллий мусиқа меросимиз авлодлар эътиқоди занжирининг мустаҳкамлиги, узилмаслигидан далолатдир.

Ўзбек миллий мусиқа меросининг турли жанрлари мавжуд. Уларда халқ ижодига хос анъаналар, оҳанглар ва услублар ўз аксини топган.

Мусиқий мерос турлари орасида мураккаб ҳисобланмиш, оғзаки анъанадаги устозона ижрочилик санъати ўзининг беқиёс тавсифли томони билан алоҳида ўрин тутати. Бу албатта мақом ижрочилигидир. Халқимизнинг руҳий ва маънавий бойлиги бўлган мақомлар бир неча асрлардан бери бизгача заргарона сайқал топиб келиши, унинг мазмунан бойиши, ривожланиши, ўтмишдаги моҳир созанда, ҳофиз ва бастакор аҳли ижодларининг маҳсули десак муболаға бўлмайди.

Биргина мақом ижрочилигига назар ташласак республикамиздаги бир қатор воҳаларнинг йирик ўзига хос мактаблари борлигига ва улар узоқ йиллар давомида ривож топиб келаётганлигига амин бўламиз. Булар Бухоро (Шашмақом), Тошкент-Фарғона ва Хоразм мақом ижрочилиги мактабларидир.

Тарихий манбалардан маълумки, мусиқа санъати, кенг кўламда, доимий ривожланишда яшаган ва яшамоқда. Ана шундай ривожланишда албатта марказий шаҳарлар муҳим аҳамият касб этади. Ўз-ўзидан маълумки фан, адабиёт, санъат ва маданият тараққиётига ҳар томонлама эътибор ҳам марказда бўлган. Бухоро, Тошкент-Фарғона, Хоразм мақом ижрочилигининг мактаблари вужудга келишининг боиси ҳам шунда бўлса керак.

Ўзбек миллий мусиқа меросининг ўтмиши ва ҳозирги давргача қай йўсинда давом этиб келаётганлиги, бу ҳақдаги ижобий ва салбий муносабатлар хусусида мусиқашунос олимлар, йирик санъат арбоблари, устоз мақомхонлар ўзларининг кўпгина мақолаларида, рисоаларида атрофлича фикр-мулоҳазаларини баён этганлар.

Биз эса эътиборингизни ҳозирги давримизда миллий мусиқа меросимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган Ўзбекистон давлат консерваторияси «Анъанавий ижрочилик» кафедраси босиб ўтган даврига ва унинг фаолиятига қаратмоқчимиз.

1972 йили М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида собиқ иттифоқда илк бор Шарқ мусиқаси кафедраси ташкил этилди. Мазкур кафедранинг ташкилотчиси ва ташаббускори Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Файзулла Музаффар ўғли Кароматлидир. Ушбу кафедранинг олдига қўйилган асосий вазифалардан бири – ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келган миллий мусиқамиз, жумладан мақомларни устозона ижро қиладиган, амалий-назарий томонлама пухта билимга эга бўлган ва дурдона мусиқа меросимизни тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўша оладиган ёш авлодни тарбиялашдан иборат эди.

Устозона ўзбек миллий мусиқа меросини ёш авлодга амалий ўргатишда ва сингдиришда бир қатор атоқли санъат намояндалари жалб этилдилар. Улар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Фахриддин Содиқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ризқи Ражабий, Маҳмуджон Муҳаммедов, Тўйчи Иноғомов, санъатшунослик фанлари доктори Исҳоқ Ражабийлардир.

Ўтган чорак асрдан кўпроқ давр мобайнида кўзда тутилган мақсадларга сезиларли даражада эришилди. Эндиликда кафедрада таҳсил олган мутахассислар Республакамиздагина эмас, балки бир қатор хорижий мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Олмония, Англия, Франция, Испания, Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Япония, Гонг-конг, Малайзия, Жанубий Корея ва Араб давлатларида ўтказилган ва ўтказилаётган турли тадбир ва анжуманларда ўз ижрочилик

санъатларини намоиш этиш билан бирга, мусиқа меросимизни кенг миқёсда тарғиб қилишда фаол хизмат қилмоқдалар.

Улар сафида Ўзбекистон халқ артистлари Абдуҳошим Исмоилов, Ўлмас Расулов, Муножат Йўлчиева, Марям Сатторова, Тожикистон халқ артисти Абдували Абдурашидов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Шавкат Мирзаев, Раҳматжон Қурбонов, Насиба Сатторова, Комила Аминова, Малика Зиёева, Хуррият Исроилова, Абдурахмон Ҳолтожиев, Машрабжон Эрматов, Эркин Рўзиматов, бастакорлар Туйғун Отабоев, Аҳмаджон Дадаев, Комилжон Мирзаев, Мақом ижрочилари Республика ва Халқаро танловларининг совриндорлари Абдурахим Ҳамидов, Раҳматилла Самадов, Матрасул Матёқубов, Аҳмаджон Абдурахимов, Иқбол Тошпўлатова, Муҳаммаджон Мараҳимов, Шомаҳмуд Шораҳмедов, Салоҳиддин Азизбоев, Ўткир Қодиров, Шухрат Раззоқов ва бошқа кўплаб мутахассис ижрочиларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги туфайли миллий қадриятларимизга талаб, эътибор тобора ривож топмоқда. Барча соҳалар каби санъатнинг миллий мусиқа соҳасига ҳам кенг йўл очилди.

1992 йил Тошкент давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси кафедрасининг мавқеъи ошиб, факультет даражасига етди. Мазкур факультетнинг бир бўлаги «Анъанавий ижрочилик» кафедраси деб номланди.

Ҳозирги кунда кафедрада ёш созанда ва хонандаларга амалий сабоқ бераётган устозлар — Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Алиматов, Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев, доцентлар Раҳматилла Самадов, Малика Зиёева, Иқбол Тошпўлатова, Аҳмаджон Собиров, Абдурахмон Ҳолтожиев, Машраб Эрматов, Шомаҳмуд Шораҳмедов, Салоҳиддин Азизбоев ва бошқалар фаолият кўрсатмоқдалар.

Юқорида номлари тилга олинган мутахассислар ижрочилик, муаллимлик, тарғиботчилик, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилотчилик соҳаларида ҳам ўз мавқеъларига эга эканликлари қувонарли ҳолдир. Улар консерваторияда таҳсил олган кезлари

устозларидан мутахассис билиши ва қодир бўлиши шарт бўлган фарзиятларни чуқур ўрганганлар.

Консерваториянинг анъанавий ижрочилик кафедраси биргина олий ўқув юрти эмас, балки, республикадаги ўрта махсус ўқув юртлари анъанавий ижрочилик бўлимлари учун ҳам яқиндан амалий-услубий ёрдам бериши эътиборга сазовор бўлмоқда. Бу қуйидагилардан иборат:

- а) ҳар бир соз мутахассислиги бўйича дастурлар тузиш;
- б) ўқув қўлланмалар яратиш;
- в) ҳар бир соз (танбур, дутор, рубоб, ғижжак, чанг, қонун, уд, най, қўшнай, сурнай, доира) учун алоҳида махсус дарсликлар тузиш;
- г) устозона ўзбек мусиқа меросининг машҳур ижрочилари, яъни созанда ва ҳофизлар ижролари дарж эттирилган грампластинкалар, магнит тасма ёзувлари аудио ва видео ёзувларини тўплаш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон давлат консерваторияси «Анъанавий ижрочилик» кафедрасининг фаолияти ёш авлодни миллий мусиқа асосида таълим-тарбия этиш, келгусида уларни миллий мусиқамизнинг ҳақиқий жонкуярлари ва етук мутахассислари бўлиб етишишларига қаратилгандир.

В ПОИСКАХ НАУЧНОЙ ИСТИНЫ

Название моего скромного opus'a вызвано тем, что именно этой формулой характеризуется, я убеждена, обычное состояние любого ученого, проживающего в науке большую жизнь. Но «В поисках научной истины» может явиться программой и целого коллектива, ориентируемого соответствующим образом. Я имею в виду, конечно же, отдел музыки Института искусствознания, где я работаю не один десяток лет. И хотя хронологические рамки не совпадают, но, по существу, юбилей Ф. М. Кароматова (Кароматли) есть и юбилей отдела, который он в течение долгого времени возглавлял. Именно в этом ключе и в этой связи мне и хотелось бы напомнить некоторые факты, подтверждающие сказанное.

С позиций нынешнего дня представляется особенно важным подчеркнуть, прежде всего, что отдел (а позже — сектор) назывался отделом современной музыки и фольклора. Уже это само по себе указывает на изначально равное внимание руководства к обеим сферам культуры. Отсюда — постоянное и органичное переплетение научных интересов, связанных, с одной стороны, с изучением народного творчества, национальных традиций, с другой — с музыкой, рожденной XX веком, что и обеспечивало, как мне кажется, результативность научных разработок. Историческое время предстало как нечто принципиально неделимое: вот традиционное искусство, которое по праву называют автопортретом народа, вот новые формы, вырастающие на этом фундаменте и несущие отпечаток новой эпохи — разные проявления единой сущности. У Льва Толстого есть замечательная мысль. В ответ на вопрос, какое время самое лучшее для человека, он уверенно сказал: «Настоящее. Только над ним человек властен» (Да, действительно, ни на вчерашний, ни на завтрашний день мы не можем воздействовать). Так и в науке: только в каждый данный, текущий момент человеку дано перепроверить, углубить, исправить, избежать ошибок. В этом и особая ответственность перед историей, которую, думается, мы все полностью осознавали и проникнуться которой заставляла именно эта зыбкая грань между прошлым и будущим. Ведь современность буквально на наших глазах становилась историей...

Вот я и подошла к нашему трехтомнику – «Истории узбекской советской музыки», о котором не могу не сказать. Считаю необходимым напомнить, что когда пришло время пересмотреть это издание с позиций новых реалий¹, выяснилось: насколько это было возможным тогда, его авторы стремились к объективному рассмотрению процессов, не говоря уже о том, что они избежали таких распространенных в повсеместной практике грехов, как сознательное игнорирование чьих-либо имен, искажение оценок и т. д. – в силу чего «История...» и поныне, я убеждена, сохраняет научную актуальность многих своих подходов. Неутраченная актуальность во многом объясняется именно тем, что в Отделе всегда глубоко осознавалась важность национальных истоков, значимость исконно национального фактора как начала начал всего последующего.

Здесь, в Отделе, рождались идеи, за которые приходилось бороться, но которые, тем не менее, утверждали себя и справедливость которых стократ подкреплена самой жизнью. Верно говорят, что оригинальная мысль возникает как ересь, а умирает как банальность. Да, теперь совершенно очевидно, что восточная традиционная музыка не сводима к фольклору, что в ней существует целый пласт высокоразвитого профессионального искусства устной традиции – изустно-профессиональное творчество. А когда-то этот тезис и соответствующая терминология были впервые предложены Файзуллою Музафаровичем. Другой факт. Разве не показательно и не символично, что инициатива организации кафедры восточной музыки в Ташкентской консерватории также принадлежит этому ученому? По сей день помнятся вся острота и драматичность ситуации, в которой рождалась кафедра, – ныне являющаяся одной из самых продуктивных и действенных в вузе.

Именно здесь, в Отделе, мы, молодые музыковеды, учились главному – умению самостоятельно интерпретировать явления художественной практики. И именно от руководителя, от старших коллег (здесь не могу не назвать имя Тамары Семеновны Вызго, столетие которой грянет в апреле 2006 г.) зависит создание (или несоздание) научной атмосферы, столь необходимой каждому. Воспитанный в такой атмосфере человек уже не может

¹См. Янов-Яновская Н. «История узбекской советской музыки» и история // СМ, 1991, №11.

воспринимать мир не аналитически. Здесь, в Отделе нас учили спорить с аксиомами.

Итак, в поисках научной истины... Но достижима ли она? Мудрец говорит, что последнего слова не существует. Ни в чем. В науке, наверное, тем более. Каждое новое знание не только уточняет, но порой и опровергает найденное. Так не бессмыслен ли поиск? И в чем же радость научного творчества? «Ведь не в результате, — размышляет об этом Галина Анатольевна Пугаченкова, — он всегда несколько разочаровывает; закончишь — и кажется, что можно и нужно было бы сделать полнее и лучше»². Наверное, поэтому и говорится здесь, прежде всего, о «прелести поиска».

Да, истина недостижима, и единственное, что нам дано, это движение к истине, стремление к истине, пусть маленькими шагами, но именно в одном направлении...

И снова вопрос: какова же связь всего сказанного с Файзуллой Музафаровичем, нашим юбиляром? И снова ответ: самая прямая, поскольку вне научной творческой атмосферы ничего не рождается, а ее, атмосферу, надо терпеливо выращивать, культивировать. И если я сумела сделать что-то полезное для нашей науки, то только благодаря Отделу, что позволяет мне считать себя ученицей Файзуллы Музафаровича.

А бывших учеников не бывает...

² Цит. по кн. Ремпель Л. И. Мои современники (20-е-80-е годы). Ташкент, 1992, с. 130.

КАРОМАТОВ «СЕНСЕЙ» ҲАҚИДА ИККИ ОФИЗ СЎЗ

Японлар барчанинг исмига, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, «сан» кўшимчасини (бизнингча «жон»ни) кўшиб мурожаат қиладилар ва ёзадилар ҳам. Одатда, аввало исми тўлиқ ёзилгач ёки айтилгач, сўнг унинг фамилиясига «сан» кўшилади (масалан, Сато сан, Норики сан каби), бизнингча Абдуллаев сан, ёки Зокирова сан деб. Аммо ўқимишли, зиёли, мўтабар зот бўлса, у ҳолда «сенсей» (лекин зинҳор амалдорга эмас) деб мурожаат қилинади ёки ёзилишда «сенсей» ни кўшиб ифода этишади.

Бу ҳолатни мен бир неча маротаба Японияга борганимда кузатганман. Японлик олимлар билан 16 йилдан бери илмий ҳамкорлик доирасида Далварзинтепада олиб борилаётган археологик қазишмаларида ёнма-ён туриб ишлаш жараёнида ҳам шу сўзларни кўллаб келаётирмиз. Бизнинг энг яқин дўстимиз профессор Кюдзо Като домлага ҳатто исми-шарифини айтмасдан, «сенсей» десак-да кифоя қилади ва у «лаббай» деб жавоб беради. Шу боисдан ҳам мен Файзулла Музафаровични, бу мўтабар зотни, домлани «Кароматов Сенсей», деб мурожаат қилгим келади.

Мана 41 йилдир-ки мен шу «Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти» деган даргоҳга илк бор қадам босган бўлсам, биринчи бўлиб Файзулла Музаффарович Кароматов билан учрашганман. Ўшанда, ҳали-бери диплом ишини ёзиб тугатганим йўқ, уни ёқлашим ҳам керак, университетни тамомламаган бўлсам-да, мени домлам Галина Анатольевна Пугаченкова шу институтта етаклаб келиб, институт директори Ф. М. Кароматов ҳузурига чорлади.

Ўша пайтда Гагарин парки ён атрофида, ҳозирда Республика Сенати йўналишида, улкан фаввора ишлаб турган жойида (илк бор Фанлар Академиясининг Ботаника боғи ва унинг маъмурий бинолари ўрни бўлган) кўримсизгина икки қаватли бино бўлиб, унинг тор йўлакларидан ва асосий кутубхонадан ўтгандан кейин, атиги 4-5 та хонани эгаллаб турган Санъатшунослик институтига дуч келар эдингиз.

— «Шу йигитни Андижонига юбормасдан, ўзимизда олиб қолсак, икки-уч кундан кейин Холчаёнга қазишма ишларини давом эттириш учун жўнашимиз керак, бизга ишлайдиган ёш кадрлар жуда зарур,

нима дейсиз?»деб домлам Галина Анатольевна директорга мурожаат қилди. Мен эса, — шундай ёш йигит ҳам директор бўлар экан-да, ахир бу креслода ўтирган бошлиқ 40 ёшга ҳам кирмаганга ўхшайди-ку, деб ҳангу-манг бўлиб қолдим. Менинг тасаввуримда шундай нуфузли, ҳозирча Ўрта Осиёда ягона ҳисобланмиш «Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти» бўлса-я. Мен эса, директор бўлиш учун сочларига оқ кирган, унинг савлатидан одам хуркийдиган киши бўлиши керак, деб уйлаган эканман.

Менга узоқ тикилиб тургач Файзулла Музафарович: — «Муҳтарама Галина Анатольевна, бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман, ахир атиги икки йил бурун ҳурматли домла Л. Ремпель бошчилигида «Санъат ва архитектура тарихи» секторини, шу сектор ичида эса ўтган йили Сиз бошлиқ «Санъатшунослик экспедициясини» очган бўлсак, бизни вазифамиз тажрибали санъатшуносларни йиғиб, ҳали бу соҳада қанчадан-қанча ёритилмаган муаммолар, мавзуларни ёритишимиз долзарб бўлиб турганда, Археология фанини бошқарувчи Академиямизда (шу пайтлари Санъатшунослик институти Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида фаолият кўрсатар эди) алоҳида шу ишлар билан шуғулланадиган махсус институт бўлатуриб, ўтган йили битта археолог Тошхужаевни ишга олган бўлсангиз, унинг ёнига эса санъатшунос эмас, яна археологни етаклаб келибсиз. Ҳа, айтмоқчи, яна битта археолог касбида рус қизи бор, уни ҳам ишга олмоқчиман, фамилияси Сидорова-ми, деб эдингиз. Бунга юқоридагилар қандай қарашар экан», деб домлага мурожаат қилдилар.

Домлам ҳам бўш келмасдан: — «Файзулла Музафарович, эсингиздами, мен ўтган йили институтимизда «санъатшунослик экспедицияси»ни тузамиз деганимда «бизга бундай экспедицияни тузишни қандай зарурати бор, институтимизга санъатшунослардан ташқари археологлар, ҳайкалтарошларни ва химикларнинг нима кераги бор деб, қанча тортишувлар, шов-шувлар бўлган эди. Мен ўшанда, ахир институтимиз Ўрта Осиёда санъатшунослик ихтисоси буйича яккаю-ягона бўлганидан кейин, комплекс Санъатшунослик экспедициясини ташкил қилиш пайти келди, деганим. Бу экспедиция ҳали олимларимиз оёғи етмаган ерларга отрядларни юбориб, Республикамиз қадимий санъати, маданиятини янги материаллар билан бойитиши лозим. Бу экспедиция диёримиз жанубига юборилса, архитекторларимиз халқ меъморчилигини, амалий санъат буйича кулоллар ва ҳунармандлар ижоди билан,



• Файзулла Музаффар
ўгли Кароматли, 1970.



• Файзулла М. Кароматли экспеди-
цияда, 1973 (қишлоқдагилар билан
маслаҳат).



• «Шарқ мусиқаси» кафедрасининг анъанавий ижрочилик бўйича дастлабки
битирувчилар ўз устозлари билан:

Биринчи қаторда чапдан 3 - Ф. Кароматли, 5 - Ф. Содиқов, 6 - Р. Ражабийлар
Битувчилар орасида: Ў. Расулов (биринчи қатор чапдан 2), Ш. Мирзаев (иккинчи
қатор ўнгдан 1), А. Ҳамидов (иккинчи қатор ўнгдан 2) ва б.



• Экспедицияда – 1970. Ижрочилар орасида: ўртада (чапдан) 3 – Файзулла М. Кароматли. Чапдан 6 – Дилором Кароматова.



• Файзулла М. Кароматли. Муסיқашунослар Халқаро 1-симпозиуми кўргазмалар залида. Самарқанд, 1978.



• Институт ходимлари: Раҳимов Муҳит Каримович (чапдан 1), М. Қодиров ва рафиқаси (чапдан 2-3), М. Раҳмонов (ўртада), Ф. Кароматовнинг отаси (ўнган 2). П. Зоҳидов ва рафиқаси (ўнган 3-4).

Саройнинг атрофида эса узун қоронғу дахлиз ва квадрат шаклидаги хўжалик аҳамиятига эга бўлган хоналар бор. Сарой деворлари хўллигида оғирлиги 15-20 килограмм келадиган хом гиштлардан тикланган. Гиштларнинг бир юзида аллақандай тамгалар бор, улар ҳатто юнон алифбосининг ҳарфларига ўхшаб кетади.

Хоналарнинг саҳни одатда қуруқ ер бўлиб, лой билан сувалган. Сарой томига вассалар терилиб, устидан қамиш тўшалган, ёғоч қириндилари ва сомон аралаштирилган лой билан сувалган. Том четларини гишт парчалари (черепица) босиб турган. Шартли дарахт барглари тасвири бўлган тарновлардан ёмғир, қор сувлари оқиб тушган.

Тасаввур қилинг: асосий зал – қабулхонадасиз. Девор шипига худди девор орасидан чиқиб келаётгандек кўринган ҳайкал шаклида ишланган бир гуруҳ болалар гулчамбар кўтаришиб, чопиб боришяпти. Баъзилари йул-йулакай рақсга тушиб кетган. Кўлларидаги қадимги чолғу асбобларидан лютна (уд), арфа чертаётган чолғучи қиз тасвирига қарар экансиз, ўзингизни худди тантанали маросим қатнашчисидек ҳис қиласиз. Деворнинг бошқа томонидаги ҳайкаллар ҳукмдорни, унинг хотинини ва бошқа шахсларни ифодалайди.

Агарда шу маросим иштирокчиларини бирма-бир таърифлаб чиқсак, этнография ва антропологияга бағишланган алоҳида асар бўлади, чунки улар жуда кўп ва хилма-хил. Жами бўлиб таъмирчиларимиз шу бўлақлардан таъмирлаш асосида 35 та одам, 7 та от ва унга ўтказилган чавандозлар борлигини аниқладилар (ҳайкалларнинг кўпчилигини Ўзбекистон Давлат Санъат музейида намоиш қилишмоқда).

Холчаёндаги топилмалар бу ҳали Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси кашифиётларининг дебочаси эди. Олдинда Миршодидаги 4 минг йиллик ноёб тош буюмлар, одам калласи, антик даврга оид Бандихон, Қизилтепа, Кампиртепа, Хотинработда қазиб топилган мустаҳкам деворлар билан ўралган шаҳарлар, Далварзинтепа ўрнидан Кўшон империясининг пойтахтига тегишли ҳашаматли бинолар, кулоллар маҳалласи, яшаган уйлари, уларнинг 11 та хумдонлари, шаҳарнинг ташқарисида ва нақд ўртасида қазиб топилган 2 та ва Айритомдан топилган 1 та буддавий ибодатхоналар ва уларни безаб турган 30 дан ортиқ катта ва кичик ҳажмдаги (30 см. дан 3 метргача бўлган) Будда, Бодхисатва ва бошқа буддавий персонажлар ҳайкаллари, 6 қатор қадимий Бақтрия ёзуви битилган пиромон, фил суюгидан ясалган дунёдаги энг қадимги шахмот

доналари ва ниҳоят салкам 36 килограм келадиган олтин хазина топганимизни эшитмаган ва билмаган олимлар кам топилади.

Бу кашфиётларимизнинг заминидан бир инсон, у ҳам бўлса Т. М. Кароматов «сенсей» туради, десам ҳеч муболаға бўлмайди. Агарда ўша пайтдаги баъзи-бир бюрократ раҳбарларга ўхшаб «экспедиция тузишини ўйлаб кўрамиз», деб пайсалга солганида ёки бўлмасам «Академиямиз тизимида ёдгорликларни ўрганадиган махсус Археология институти бўлатуриб бизни «санъатшунослик» йўналишидаги институтимизга туғри келмайди деб оёғини тираб олганида, мен юқорида санаб ўтган оламшумул аҳамиятга молик кашфиётлар бўлармиди? Япон олимлари 1989 йилда, хорижий мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга келиб, келганида ҳам бизни экспедициямизни танлаб, унинг кашфиётларига ҳолисаниллоҳ баҳо бериб, ўзаро илмий ҳамкорлик ишларини олиб борармидилар? Жавоб тариқасида биздан ҳам 20 дан ортиқ олимларимиз дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун Японияга борган бўлармидилар? Ўзбекистон жанубидаги қадимий маданият изларини Японияда уч марта, Германияда икки марта, Швейцарияда, Францияда, АКШда, Малайзияда кўрсата олармидик? Эҳ-ҳе, санаб ўтсам кўп нарсалар пучга айланган бўлар эди. (Институтда иш бошлаганимда, мусофирчиликдан уй-жой бўлмаганидан, икки йилдан кейин Андижонга кетаман деб аризани ёзиб, юртимга жўнаганимда, 1 хоналик квартирани Академиядан бир илож қилиб олиб, — «Турғунов, тез қайтиб келинг, 1 хонали квартиранинг ордери тайёр», деган инсон ҳам Файзулла Музафарович эдилар).

Юқоридаги баланд-парвоз эҳтиросларга маъзур тутасизлар. Киши ёши ўтиб, сочига оқ тушиб, анча умр кўриб қўйганини ҳам билмай қолар экан. Бас, шундай экан, ортга қараб, ўтган кунларни эслаб қўйиш, сени шу кунларга етишингда ёрдам берган, сенга ишонган, тушунган, қўллаган яхши инсонга таъзим бериш бу фарз ва қарз, деб ҳисоблайман.

Яна кўп шогирдлар чиқариб, «Сенсей» лигингизча қолаберинг, Файзулла Музафарович!



МУСИҚА

З. Орипов

Форобий ва Шарқ мусиқашунослиги

Р. Юнусов

Мақом ва муқом жанрлари қиёсига доир

О. Иброҳимов

Шаимақом ҳикматларига бир назар

Ж. Расултоев

Ўзбек чолғушунослигида тизимли-этнофоник услуб

Р. Абдуллаев

Обрядовая практика и фольклор шаманизма

Д. Муллажонов

Мусиқий эстрада шоу-бизнес тизимида

ФОРОБИЙ ВА ШАРҚ МУСИҚАШУНОСЛИГИ

Ўрта асрлар буюк мутафаккири Абу Наср Форобий (873-950) — Шарқ муסיқа илмининг асосчиларидан. Шарқда Форобий ёки Абу Наср ал-Форобий (Фарбда-Alpha rabius) номи билан машхур алломанинг тўлиқ исми шарифи — [محمد بن محمد بن ازلوغ ابن طرخان الفارابي] Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуқ ибн Тархон ал-Форобий ат-Туркий ал-Муаллим ас-Соний. Бу тўлиқ исми шарифда Абу Наср куниядир, Муҳаммад унинг ўз исми, Муҳаммад отасининг исми, Ўзлуқ бобосининг исми, Тархон катта бобосининг исми, Форобий, унинг туғилган ери Форобга нисбат, Туркий унинг келиб чиқиши туркий эканига ишора ва ал-Муаллим ас-Соний (Иккинчи Муаллим) замондошлар ва халафлар томонидан берилган юксак илмий унвондир.

«Фороб Сирдарёнинг орқасида, турк мамлакати чегараларидаги бир вилоят. У Шош (Тошкент) дан узоқроқ, Боласуғунга яқин. Унинг эни ва бўйи бир кунликдан камроқ йўл. Фороб ерлари шўроб ва тўқайлардан ҳам ҳоли эмас. Водийнинг фарбий томонида экинзорлари бўлиб, унга сув Шош анҳоридан олинади. Форобдан кўп олимлар етишиб чиққан. Масалан «Ас-Саҳиҳ» номли луғат муаллифи Исмоил ибн Ҳаммад ал-Жавҳарий ал-Форобий (вафоти 1002 йил), «Дивон ал-адаб» номли луғат эгаси Исҳоқ ибн Иброҳим ва фалсафий асарлар автори Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Форобий (вафоти 959 йил) шулар жумласидандир»¹. Сирдарёнинг чап қирғоғида жойлашган Фороб шаҳарларидан Судкандта исломни қабул қилган Ўғуз ва Қорлуқ қабилалари яшар эди. Унча катта бўлмаган, мустаҳкам қалъага айлантирилган, жоме масжиди ҳам бўлган Васиж эса қудратли амир истехкоми бўлган. Бу ер Қадардан икки фарсах пастроқда. Васиж машхур файласуф Абу Наср Форобийнинг ватани эди². Шундай қилиб, Форобий Сирдарёдаги Фороб минтақасининг Васиж деган ерида ўтроқ туркий қабилаларидан бўлган, мусулмон ҳарбий бошлиқ оиласида 873 (260 ҳижрий) йил декабрининг иккинчи ярмида дунёга келган.

¹ Ҳ. Ҳикматуллаев, Ш. Шоисломов. Ёқут Ҳаммавий. Т.: «Фан». 1965. Б. 31.

² Бартольд В. В. Сочинения. Т. 2, ч. 1. М., 1963.

У бошланғич маълумотни ўз юртида олди. Шош, Самарқанд, Бухорода ўқиди ва ишлади. Сўнгра халифатнинг энг йирик маданий маркази бўлган Бағдодга юз тутди. Йўл-йўлакай Исфаҳон, Ҳамдон, Рай ва бошқа шаҳарларда бўлди.

Бағдодда ҳар-хил мамлакатлардан келган одамлар фаннинг турли соҳаларида ижод қилар эдилар. Уларнинг аксарияти илмий ютуқлари билан шуҳрат қозонди. Моварауннаҳрдан чиққан Хоразмий, Фарғоний, Туркий ва бошқалар шулар жумласидандир. Бағдод ва Харронда Форобий ўрта аср фанининг турли соҳаларида билимини чуқурлаштирди, араб тилини ўргана бошлади³. Форобий юнон, сурёний ва бошқа тилларни билган. Айрим манбаларда Форобий етмишдан ортиқ тилни билгани айтилади⁴. 908 йилдан 941 йилгача Форобий ҳаёти ва илмий изланишлари Харрон дорулфунуни билан боғлиқ бўлган⁵. Бағдод ва Харронда у буюк олим ва файласуф сифатида шаклланди⁶.

Баъзи маълумотларга қараганда, Форобий Дамашққа кўчиб ўтгунига қадар ватанида бўлган (925-928) ва Мансур ибн Нуҳ илтимосига кўра «Ат-Та'лим ас-с'аий — التعليم الثاني» (Иккинчи таълим) аталмиш жуда катта ҳажмда буюк бир қомусий асар ёзди. Бу асардан бизгача унинг мантиқий бир парчаси ва шу асар таркибига кирган икки китоби етиб келган. Бу китоблардан бири «Птолемейнинг ал-Магестосига шарҳ», иккинчиси мусиқа бўйича «Катта мусиқа китоби» дир⁷. Бу гаплардан хулоса қилиш мумкинки, «Катта мусиқа китоби» 925—928 йиллар орасида ёзилган. «Катта мусиқа китоби»ни ёзмасдан олдин, Форобий мусиқа илмига оид кичикроқ асарларини ёзди. Форобий ёшлигидан бошлаб мусиқага берилган, ўша пайтларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган мусиқа асбобларини яхши чала билган. Шу билан бирга у мусиқа назариясини ҳам мукамал эгаллаган, яъни мусиқа амалиёти, сўнг назарияси билан ёшлигидан ошно эди. Бу ҳақда жуда кўп ривоятлар бор.

³ Хайруллаев М. М. Мирозрение Фараби и его значение в истории философии. Т.: «Фан», 1967, с. 150.

⁴ Хайруллаев М. М. 1971. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т.: «Ўзбекистон». 1971, с. 129.

⁵ Мирбабаев А. К. Учебные и научные центры Ближнего и Среднего Востока в древности. Хорезм и Мухаммад ал-Хоразми в мировой истории и культуре.: Сборник. Душанбе: «Дониш», 1983, с. 75.

⁶ Хайруллаев М. М. Абу Наср ал-Фараби. М.: «Наука», 1982, с. 46.

⁷ Розенфельд В. А. О работах Ибн Сины по математике и астрономии. В кн. Абу Али Ибн Сина. К 1000 летию со дня рождения. Т.: «Фан». 1980, с. 158.

941 йил Форобий аввол Бағдодни, сўнг Харронни тарк этиб Дамашққа кўчиб келади. «Унинг мусиқадаги шухрати Ҳалаб ҳокимигача етади ва Сайф ад-Давла 943 йил Форобийни Ҳалабга таклиф этади. Бу ерда улуғ файласуф ва мусиқа назариётчиси турли мамлакат олимлари эътиборини ўзига тортти. Унинг маърузаларида одам тирбанд бўлар эди. У мумтоз ва фаол мусиқачи.., уд созининг беназир ижрочиси ҳам бўлган»⁸.

Абу Наср Форобий жуда бой илмий – ижодий мерос қолдириб, 950 йилнинг ноябр-декабрларида оламдан ўтди. Форобий Дамашқдаги «Ал-Бобу-с-сағир» қабристонига дафн этилган.

Унинг илмий меросида мусиқий рисолалар муҳим ўрин тутди. Форобий Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари мусиқашунослиги ва мусиқа атамалар тизимининг асосчиларидан бири эди. У қадим юнон мутафаккирлари каби мусиққа илмини риёзиёт (математик фанлар) нинг таркибий қисми, риёзиётни эса фалсафанинг ажралмас бўлаги деб қараган.

Форобийнинг илмий-мусиқий рисолаларини аниқламоқчи бўлдик, аммо ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам муаллифлар Форобийнинг мусиқа илмига оид асарлари сони ва уларнинг номланиши борасида турли фикрлар мавжудлиги аён бўлди. Масалан, Байҳақий Форобийнинг тўрт жилдли «Мусиқага оид» асари бор деган гап билан чекланса⁹, Ибн аби Усайба санаб ўтган Форобийнинг 112 асарининг номланишига қараб ўндан ортиғи мусиқага оид деб гумон қилиш мумкин¹⁰. Таниқли тадқиқотчи, инглиз шарқшунос мусиқашуноси Ҳ. Фармер эса 11 асарни Форобийнинг соф мусиқий рисолалари ёки мусиқага оид қисмлари бор рисолалар ёки билвосита мусиқага алоқадор асарлар деб билди¹¹.

Бу мавзуни ўрганиш жараёнида Абу Наср Форобий мусиқа илмига оид қуйидаги асарларни ёзган деган хулосага келдик:

⁸ Farmer H.G. A History of Arabian music to the XIII th century. London.: Lusac Co.LTD.2 ed 1973. P 175.

⁹ Багирова С.Г. Сочинение «Татимма сиван ал-хикма», ал-Байҳақий как образец средневекового энциклопедического справочника. Т.: «Фан», 1987, с. 9.

¹⁰ Ирисов А. Абу Наср Форобийга тегишли асарлар рўйхати. // Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: А.Қодирий нашриёти, 1993, 213-219 бб.

¹¹ هنرى جورج فارمر، مصادر الموسيقى العربية، ترجمة الدكتور حسين نصر مكتبة مصر
بمصر، بدون سنة. 60-64 ص

Бизгача етиб келган асарлари:

1. كتاب الموسيقى الكبير (Катта мусиқа китоби) нинг биринчи китоби. Бу китобнинг тўлиқ танқидий матни нашр этилган¹². У тўлалигича фақат француз тилига эркин таржима қилинган. Айрим бўлаклари кўп тилларга, жумладан ўзбек, рус тилларига ўгирилган ва ўрганилган. Унинг қўлёзма матнлари дунёнинг турли кутубхоналарида мавжуд, хусусан энг қадимийси 1138 йил Ибн Божжа учун кўчирилган матни Мадрид кутубхонасида 602 рақам остида сақланмоқда. Ундан ташқари 1257 йил кўчирилган Константинополь (Стамбул) кутубхонасида 22 рақам остида сақланаётган матн, 1347 йил кўчирилган (49. 176.) Милан кутубхонасида 289 рақам остида сақланаётган матн ва 1089 йил кўчирилган матндан 1537 йил кўчирилган Лейден кутубхонасида 1427 рақам остида сақланаётган матнларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

2. كتاب في إحصاء الإيقاع (Ийқо саноғи китоби) ёки إحصاء الإيقاع (Ийқо саноғи ҳақидаги китоб). Бу китобнинг қўлёзма матни Истанбулдаги Маниса кутубхонасида 1705 рақам остида (59а-81в, давоми 88а-89в варақлар) сақланмоқда. Немис тилига таржима қилинган.

3. كتاب الإيقاعات (Ийқолар китоби). Бу китобнинг қўлёзма матни Туркиянинг Тўпкапи саройи Аҳмад III кутубхонасида 1878 рақам остида (160в-167а бет) сақланмоқда. Немис тилига таржима қилинган. Ўзбек тилида Форобийнинг ийқо назариясига оид тадқиқот бор.

4. إحصاء العلوم (Илмлар саноғи) китобининг мусиқага бағишланган бўлими. У икки варақни ташкил этади. Ўрта аср Фарб олимлари «De scientiis» деб атаганлар. Араб матни бир неча бор нашр этилган. Бир неча тилларга, жумладан рус ва қозоқ тилларига таржима қилинган.

5. «Илмларнинг пайдо бўлиши» асарининг мусиқага бағишланган қисмининг лотин таржимаси «De ortu scientiarum» номида сақланган. Рус тилидаги таржимаси ҳам бор аммо асли-арабча матни сақланмаган.

Б. Абу Наср Форобийнинг бизгача етиб келмаган ёки шу пайтгача топилмаган, аммо қадим манбаларда зикр этиб ўтилган мусиқа илмига оид асарлари:

1. كتاب الموسيقى الكبير (Катта мусиқа китоби) нинг иккинчи китоби. Форобий уни الكتاب الثاني «Иккинчи китоб» деб атайди.

2. كلام في النقرة مضافا الى الإيقاع (Ийқога қўшимча нақра ҳақида сўз). Бу асарни Ибн аби Усайба эслаб ўтади. Маҳмуд Аҳмад ал-Ҳафний

¹² أبو نصر الفارابي، كتاب الموسيقى الكبير، تحقيق و شرح غسان عبد الملك خشبة، مراجعة و تصدير الدكتور محمود أحمد الحفني، دار الكتاب العربي للطباعة و النشر بقطافرة، بدون سنة، 1212 م

уни ийқога қўшимча кўчиш ҳақида сўз) деб атайди. Умуман бу асарнинг номи турлича аталиниб келинган.

Абу Наср Форобийнинг мусиқа илмига оид китоблари ичида энг аҳамиятлиги, ўз даврининг буюк мусиқий асари - كتاب الموسيقى الكبير (Катта мусиқа китоби). Унинг таркиби ҳақида Форобий шундай ёзади:

رأينا نجعل ما نؤلفه في كتابين

أولهما، افتتحناه بالأمر النافعة في الوقوف على مبادئ هذا العلم،
أردفناه بالأشياء التابعة لأوائل هذه الصناعة و استوفينا فيه أجزاءها على
التمام و سلكنا فيه المسلك الذي يخصصنا نحن من غير أن نخلط به مذهبا آخر
سواه.

الكتاب الثاني، أثبتنا فيه ما تآدى إلينا من آراء المشهورين من
الناظرين في هذه الصناعة، شرحنها ما عمض من أقاويلهم و فحصنا فيه عن
رأي واحد و اخذ ممن عرفنا له رأيا أثبتته في كتاب، و بينا مقدار ما بلغه كل
واحد من أولئك في تحصيل ما في هذا العلم، و أصلحنا الخلل على من وقع في
رأيه منهم.

و الكتاب الأول يشتمل على جزئين، جزء في المدخل إلى الصناعة، و
جزء في الصناعة نفسها.

و القسم الذي في المدخل إلى الصناعة جعلناه في مقالتين.

و القسم الذي يشتمل على الصناعة نفسها جعلناه ثلاثة فنون

الفن الأول، في أصول الصناعة و الأمور العامة منها، و هذا الفن هو
الذي نجد جلّ القدماء الذين وقعت إلينا كتبهم و الحدت الذين اختلفوا آثارهم
نحوًا نحوه فقط.

و الفن الثاني، جعلناه في الآلات المشهورة عندنا و في مطابقة ما قد
حصل بالاقاويل في كتاب الأصول على ما هي في الآلات و إيجابها فيها، تبين
ما اعتيد أن يبتخرج من آلة آلة، و الإرشاد إلى أن يستخرج في كل واحدة من
تلك الآلات ما لم تجر به العادة فيها.

الفن الثالث في تأليف أصناف الألحان الجزئية.

و كل واحد من هذه الفنون الثلاثة في مقالتين، فجميع ما في الكتاب
الأول ثماني مقالات، و الكتاب الثاني في أربع مقالات، فجميع ما أثبتناه في هذا
العلم هو في اثنتي عشرة مقالة.

«Биз (мусиқа илмига оид) ёзган нарсаларимизни икки китоб қилмоққа қарор қилдик.

Биринчи китобни бу илмнинг қонун-қоидаларини шаклланишида фойдали бўлган масалалар билан бошладик ва сўнг шу қонун-қоидаларга тегишли бошқа нарсаларни ҳам қўшдик.

Унда биз музиқа илми бўлимларини тамом ўргандик. Биз бу борада фақат бизгагина хос бўлган йўлдан бордикки, уни ўзгаларнинг услубига ўхшатмадик.

Иккинчи китобда бу фан соҳасидаги машҳур олимларнинг бизгача етиб келган фикрларини бердик, ноаниқ, чалкаш бўлган гапларини шарҳладик, фикрларини биронта китобда қолдирган кишиларнинг фикрини бирма-бир тадқиқ этдик, улардан ҳар бири илмда нималарга эришганларини кўрсатиб ўтдик ва илмий қарашларида хатога йўл қўйганларнинг хатосини тузатдик.

Биринчи китоб икки қисмдан иборат: Биринчи қисм музиқа санъатига кириш ҳақида ва иккинчи қисм музиқа санъатининг ўзи ҳақида. Музиқа санъатига кириш ҳақидаги қисмни икки мақоладан ташкил қилдик. Музиқа санъатини ўзи ҳақидаги қисм эса уч бобдан иборат:

Биринчи боб музиқа санъатининг асослари ва унга оид умумий масалалар ҳақида. Бу бобда ўз китобларини бизга қолдирган қадим олимлар ва уларга эргашиб, фақат тақлид қилганларнинг кўпчилигини топамиз.

Иккинчи бобни биздаги машҳур музиқа асбобларига бағишладик. «Асослар китоби»да келтирилган гапларни музиқа асбобларида (амалда) ижод қилиниши, у ёки бу асбобдан одатта чиқориладиган (нағма)ни тушинтириш ва бу асбобларнинг ҳар биридан (нағма) чиқоришга ўргатувчи кўрсатма ҳақида бўлди у.

Учинчи боб музиқа яратиш ҳақида.

Мазкур уч бобнинг ҳар бири икки мақоладан иборат. Шундай қилиб, Биринчи китобда ҳаммаси бўлиб саккизта мақола, Иккинчи китобда эса тўртта мақола ва бу илм бўйича аниқлаган нарсаларимизнинг жами ўн икки мақоладан иборат бўлди»¹³.

¹³ ابو نصر الفارابي، كتاب الموسيقى الكبير، تحقيق و شرح لطيف عبد الله ششبة، مراجعة و تصحيح الدكتور محمود احمد الحناي، دار الكتاب العربي للطباعة و النشر بالقاهرة، بدون سنة، 39-38 ص.

Форобийнинг мусиқа илмига оид асарларида, хусусан, «Катта мусиқа китоби»да ўрта асрлар Шарқ мусиқа атамалари тизими шаклланишига асос қўйилди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, Форобий мусиқага оид атамалар таркибига асли форсий ёки туркий бўлганларини олиб кирди. Масалан, الخراسانية — Осиёнинг қадимий минтақаларидан бўлган خراسان га нисбат. Мусиқашуносликка оид атама сифатида الخراسانية — чолғу мусиқаси бир шаклининг умумий номи; [دساتين] — форсча сўз, «куй», «оҳанг» маъносини англатади. Мусиқа атамаси сифатида [دستين] — «парда»; [دستات] — форсча сўз, «эртақ», «ҳикоя» маъноларини англатади. Мусиқа атамаси сифатида [دستين] — айтим мусиқаси бир шаклининг умумий номи; دستيند — форсча сўз, «билагузук», «қўлкишан» маъноларини англатади. Мусиқа атамаси сифатида دستيند — «дастбанд» — кўпчилик бир-бирларининг қўлларини ушлаб тушадиган маросимий рақс турининг номи; روشين — форсча روشن (ёруғ, равшан) сўзини араб тилидаги синиқ кўплик сон вазнидаги кўриниши. Мусиқа атамаси сифатида روشين — чолғу мусиқаси бир шаклининг умумий номи; زير — форсча сўз, «ости», «пастки қисми» маъноларини англатади. Мусиқа атамаси сифатида زير — уднинг энг пастки, баланд товуш берувчи тори — тўртинчи торнинг номи; شاهرود — икки форсий сўздан ташкил топган торли мусиқа асбобининг номи. شاهرود (Шохруд) — «рудларнинг шоҳи»; طنبور، طنبور [طنابير] — туркий «дўнбра» сўзининг кўринишларидан¹⁴ ва у торли тирнама мусиқа асбобининг номи — «танбур» ёки «танбура». كُرْجَة — форсий كُرْج (курк товук)дан ясалган атама ва у ҳайвон ва паррандаларга тақлид қилиб ўйналадиган рақснинг номи — «куррожа»; ناي [نايات] — форсча «қамиш», «қамишпоя» ва мусиқа атамаси сифатида пуфлама мусиқа асбобининг номи — «най».

Форобийнинг كتاب الموسيقى الكبير «Катта мусиқа китоби» Яқин ва Ўрта Шарқда мустақил мусиқашунослик фани вужудга келишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга ҳамда шу минтақа халқлари мусиқаларига оид атамалар тизимининг шаклланиши ва ривожига асос солган асарлардан бўлди. Уни жиддий ўрганиш ҳозирги замон миллий ўзбек мусиқасининг устувор асоси — мақомлар ва мақомлар масаласига

¹⁴ Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т.: «Фан», 1993, 56 б.

доир атамалар муаммоларини тўғри ҳал қилиш учун ҳам қимматли манбадир. Аммо X–XI асрларга оид Шарқ мусиқа илми бўйича ёзма ёдгорликлар, хусусан, аллома Абу Наср Форобийнинг мусиқашуносликка оид асарлари, жумладан «Катта мусиқа китоби», унда қўлланилган мусиқа атамалар етарли, кенг қамровда ўрганилмаган, асар тўлалигича таржима қилинмаган ва у долзарб вазифага айланди. Бу ишни бажаришда тилшунослик, манбашунослик, мусиқашунослик, тарих ва фалсафа фанларининг ютуқлари асос бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

МАҶОМ ВА МУҶОМ ЖАНРЛАРИ ҚИЁСИГА ДОИР

Шарқ халқларининг улугвор мақомот санъатида миллий ҳамда маҳаллий мусиқий анъаналар ўзининг энг салоҳиятли ва теран ифодасини топган. Уни ташкил этувчи қомусий жанрлар тизими асрлар давомида бир қанча ривожланиш босқичларидан ўтиб, шаклан ва мазмунан баркамол намуналар тимсолида бизгача етиб келди. Асосан оғзаки тарзда ажодлардан авлодларга ўтиб борган ушбу ҳашаматли мумтоз мерос халқчил, айти пайтда устозона ижодкорлик ва ижрочилик амалиёти маҳсулидир. Шу боисдан бўлса керак, унинг назарий қонун-қоидалари ҳамда идрок этиш масалалари Ўрта аср Шарқ мусиқа илм-фанида бош ўрин эгаллаган.

Айтиш жоизки, Фарбий ва Шарқий Туркистон минтақаларида узок ўтмишда яшаб ижод этган қомусий алломалар ҳам, хусусан, мусиқага оид мазмундор рисоалар муаллифлари ҳам ушбу санъатнинг аввалам бор **туб қонуниятларини** ва мақомотнинг **муштарак** жиҳатларини ёритиш мақсадида иш тутишган. Эндиликда бу қўлёзмалар муҳим мусиқий-тарихий ҳужжатларга айланиб қолди. Уларда Шарқ халқлари мақомотида рўй берган ва мудом давом этиб янги оқим ва йўналишлар билан бойиб борган янгилиниш жараёнлари ўзининг илмий-назарий аксини топди.

Мақомлар масаласига доир ҳозирги замон тадқиқотларида бир ва бир неча халқларда мавжуд бўлган турдош жанрларни қиёсий ўрганишга уринишлар бот-бот учраб туриши табиий ҳолдир. Зеро, бир томондан, кўҳна мақомнинг юзага келиши ва тарихий ривожланиш босқичлари, шаклларининг назарий ва амалий асослари ҳамда услубий хусусиятлари маълум маънода яққол муштаракликни намоиш этади. Шунингдек, унинг кўп жиҳатлари ила ноёб, беназир ўзига хосликни ҳам кўрсатади.

Умумшарқ миқёсида шу кунгача мақомотга тегишли кўпгина жиддий, салмоқли илмий-назарий, тарихий, эстетик, ўқув-услубий ва бошқа тоифадаги йўналишларда қимматли, эътиборга лойиқ ишлар бажарилган. Бироқ, булар орасида қиёсий текширувларга бағишланган махсус изланишлар санокли, десак

янглишмаймиз. Ваҳоланки, бу йўсиндаги илмий тадқиқотларни кенг йўлга қўйиш эндиликда ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан Марказий Осиё халқлари мақом ижодиётининг мукамал тарихи ва назарияси яратилиши учун шу кўламдаги барча жабҳа ва жараёнилар янада тўлиқроқ ёритилиши даркор. Ҳозирга қадар тўпланган маълумот ва далилларни қиёсий нуқтаи назардан таҳлил этмасдан мазкур мақсадга эришиш мушкул.

Аёнки, Шарқ мақомоти сарчашмаларининг бир ирмоғи бевосита халқлар мусиқий фольклоридан келиб чиққан бўлса, иккинчиси — касбийлик, санъаткорлик билан, бу борадаги ижодий алоқалар билан чамбарчас боғлиқ. Назаримизда, тарихий ришталар муҳим мезон сифатида тан олинishi бежиз эмас. Айнан **х а л қ а р о** қиёсий кесимда масалаларнинг таҳлилий кузатилиши мақомотнинг асл моҳиятини ойдинлашувига кўмак беришига ҳеч шубҳа йўқ.

Жамланган бойликда беқиёс, серқатлам ва серуслуг, халқчил, шунингдек табиатан байналмилал мақом-муқом соҳаси қиёсий ёндошувни тақозо этади. Яъни, халқлар мусиқа меросидан ўрин олган намуналарни тўплаш, нотага олиш, уларни айрича ҳолда ўрганиш, қонун-қоидаларини нисбатан яхши ёритиш натижасидагина шакллар муносабати муаммосининг ўртага сурилиши мумкин бўлади. Акс ҳолда ХХ асрнинг 20 — 30 йилларида қайта-қайта эътироф этилган шунчаки ташқи кўрсаткич, юзаки маълумот ҳамда ҳар хил илмий фараз ва мулоҳазалардан ўтиб, янги тушунча поғонасига кўтарилиш амри маҳол.

Мамнуният билан қайд этиш лозимки, Ўзбекистон мусиқа фани, айнан мақомшунослигида тўпланган бой тадқиқий тажриба галдаги илмий изланиш уфқларни янада кенгайтиришга пухта пойдевор бўлиб хизмат қила олади, демак — янги қиёсий мавзуларни кўтаришга қўл келади.

Ушбу мақолада ўзбек мақоми ва уйғур муқоми муносабатлари масаласи алоҳида мавзу сифатида илк бор кўтарилиб, унинг айрим қирраларини баҳоли қудрат ёритишга қаратилган. Ушбу мавзуга мурожаат қилишимиз сабабларини уқтиришга хожат бўлмаса керак. Зеро Турон-Туркистон заминиде азалдан қўни-қўшничиликда истиқомат қилувчи — уруғ-аймоқлари туташ, тили ва дини бир, тарихи ва маданияти узвий боғлиқ — бу икки қардош туркий

халқларнинг мумтоз мусиқа санъати бобида барпо этган муҳташам обидаларининг ўзаро муқојасаси кўпчилиқ диққатини ўзига тортади.

Сўнги 25–30 йил мобайнида Ўзбекистон ва Қозоғистон мусиқашунослигида уйғур муқомларини тўплаб нотага олиш, илмий ўрганиш, ижрочилиқни маҳаллий кучлар ёрдамида тиклаш юзасидан сезиларли ишлар амалга оширилди. Натижада кўпдан буён мавҳумлигича қолаётган масалалар бирмунча ойдинлашди, шунингдек, ўзбек мақоми – уйғур муқоми алоқаларини кузатишга айна муддао бўлиб қўшилди. Бизнингча, ушбу муаммонинг тўғри ечими бошқа ҳануз жумбоқлигича турган Шарқ мақомотиға оид масалаларни ҳал этишга ижобий таъсир этиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳар қалай мақом ва муқом муносабатларини атрофлича ҳамда батафсил ёритиб беришга ҳеч даъво қилмай, фақат айрим чизги ва нуқталарни шарҳлаш билангина чегараланишни афзал кўрдик.

Мавжуд илмий адабиётлардан маълумки, ўзбекча ва тожикча «мақом», уйғурча «муқом», туркманча «мукам», озарбайжонча «муғом», туркча «макам» атамалари арабча бўлмиш «мақам» сўзининг ушбу халқлар тил ва талаффузига мосланган кўринишларидир. Бундан келиб чиққан махсус мусиқий тушунчалардан – «парда», «тузук», «лад», «жанр» – мантиқан ўзаро боғлиқлигини билдиради. Мақомнамо атамаларга баъзан боғланувчи «от» ёки «ат» якуний қўшимчаси (масалан, «мақомот») луғавий жиҳатдан кўплик шаклини билдирса ҳам, мақомшуносликда асосан кўчма маънода тизим кўламини, жанрлар мужассамлигини белгилайди.

Ҳақиқатан, ўзбек мақомчилиги ҳамда уйғур муқомчилиги халқлар кўҳна ва мумтоз мусиқий меросларининг етакчи, салоҳияти бўйича ўзаро тенг ижодиёт қатламларини ташкил этади. Муқом ва мақом, Исҳоқ Ражабов таъбири билан айтганда, ўз қомусий хусусиятлари ила бир-бирига жуда мос келади. Шунингдек, уларнинг юзага келиши, узоқ ўтмиш даврларда ўтаган ривож йўллари бир хилда бўлгани тўғрисида мусиқий-назарий адабиётлардан хулоса қилиб олиш қийин эмас. Шундай бўлсада, Ўрта аср машҳур «Ўн икки мақом» тизими инқирозга учраганидан кейин жойларда муайян маҳаллий мусиқий туркумларни узил-кесил шаклланиши натижасида анчайин жиддий тафовутлар вужудга келади. Бу жараён Шарқ мақомотиға дахлдор барча халқлар санъатида, шу жумладан ўзбек, тожик ва уйғурларда нисбатан

янгича ва ўзига хос мусиқий намуналарни юзага келтирди. Умумшарқ тимсолида эса буларни илдизи чуқур, шохлари мўл, турфа иқлиму шароитларга мосланиб олган баҳайбатли бир дарахтнинг серҳосил шоҳобчаларига ўхшатиш мумкин. Бунда ўзбек мақоми ва уйғур муқоми бир-бирига яқин туриб, туташиб, ҳатто пайванд бўлиб кетган жойлари ҳам йўқ эмас.

Иккала шоҳобча тарихан Ўрта аср мусиқий рисоаларда кўп таъриф ва таҳлил этилган «Ўн икки мақом» тизимига бориб тақалади. Аниқроғи, умумшарқ миқёсида ишлаб чиқилган мураккаб назарий қурилмалар асосида амалий-ижодий тараққиёт йўналишлари тобора бир-биридан озми-кўпми фарқланувчи, яъни том маънода халқчил турларни шаклланишига олиб келди. Шуниси ғоятда қизиқарлики, ўзбек ва тожик мусиқий муҳитида гавдаланган мақом туркумлари-нинг кўриниши бутунлай ўзгариб, тарқоқ ёки олти мақом устунлигида намоён бўлса, уйғур муқом туркумлари-нинг барчаси ички таркиби бўйича деярли бир хилда, «Ўн икки» сонлигича сақланиб қолган. Тўғри, айтиш мумкинки, эътироф этилаётган нарса – ташқи кўрсаткич, холос. Бироқ, бу кўрсаткичнинг ҳам камида чуқур рамзий маъноси борлигини ҳисобга олиб қўйган яхши.

Демак, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон минтақаларида кенг қулоч ёзган устозона мусиқий анъаналар мураккаб жараёнларда ривожланиб, XVIII–XIX асрларда миллий-маҳаллий йўналишларни узил-кесил ва тўла гавдалантиришга, янгидан-янги бадиий «иншоот»ларни қад кўтаришига олиб келди. Бу жараёнларни турдош ва номдош қатламларнинг қиёсий таҳлилисиз ойдинлаштириш амри маҳол.

Қиёсий нуқталарни аниқлаб олиш мақсадида мақом ва муқом мероси бўйича дастлабки йиғма тушунчаларни қисқача беришни лозим топдик. Ўзбек мақоми дейилганда мақоламизда жами учта асосий маҳаллий мақом тури тушунилади. Яъни, Бухоро мақомлари ёки Шашмақом, Хоразм мақомлари ҳамда Тошкент-Фарғона мақом йўллари. Мазкур мақом кўринишлари бир-биридан озми-кўпми фарқлансада, уларнинг туб қонуниятлари, мусиқий қиёфалари муайян бир мақомот бутунлигини кашф этади.

Уйғур муқомлари ҳам худди шундай терма маънони англатади. Бунда, хусусан, олти асосий: Қашқар, Или, Хўтон, Дўлон, Қумул ва Турфон маҳаллий турлари тушунилади. Мақомлардан фарқли ўлароқ, муқом турларининг ҳар бири муттасил «Ўн икки» номдан

иборат салобатли мажмуадан иборат. Или муқом турининг билимдони ва тадқиқотчиси Абдулазиз Ҳошимовнинг таъкидлашига кўра «Ҳозирги пайтда уйғурларда бир-биридан асосан фарқланувчи иккита «Ўн икки уйғур муқомлари» туркуми мавжуд: Қашқар ва Дўлон». ¹ Қашқар, Или ва Хўтон муқомларининг ўзаро яқинлигини инобатга олган ҳолда уларни Бухоро, Хоразм ва Фарғона – Тошкент мақомлари билан қиёслаш мантиқан ўринли деб қабул қилиш керак. Қуйидаги бир жуфт жадвал умумий манзарани тасаввур этишга имкон беради.

Бухоро мақомлари	Хоразм мақомлари	Фарғона-Тошкент мақом йўллари
1. Бузрук	1. Рост	Гулёр-Шаҳноз
2. Рост	2. Бузрук	Ушшоқ, Насруллои
3. Наво	3. Наво	Баёт
4. Дугоҳ	4. Дугоҳ	Дугоҳ-Хусайний, Чоргоҳ
5. Сегоҳ	5. Сегоҳ	Сегоҳ, Ажам
6. Ироқ	6. Ироқ	Ироқ
	7. <i>Панжгоҳ</i>	
Қашқар муқомлари	Или муқомлари	Хўтон муқомлари
1. Рак	1. Рак	1. Рак
2. Чаббият	2. Чаббият	2. Чаббият
3. Мушавирак	3. Сегоҳ	3. Мушавирак
4. Чаригаҳ	4. Чаригаҳ	4. Чаригаҳ
5. Панжгаҳ	5. Панжгаҳ	5. Панжгаҳ
6. Узҳол	6. Узҳол	6. Узҳол
7. Ажам	7. Ажам	7. Ажам
8. Ошак	8. Ошак	8. Ошак
9. Баят	9. Баят	9. Баят
10. Нава	10. Нава	10. Нава
11. Сегоҳ	11. Мушавирак	11. Сегоҳ
12. Ийрақ	12. Хусайний	12. Ийрақ

Мақом ва муқомларнинг умумтуркумий жадвали шуни яққол кўрсатмоқдаки, уларнинг сони, жойлашиш таркиби ва тартиби ўзгача бўлишидан қатъи назар, аксарият номланишларда, ўрин тақсимооти мантиқида муайян муштараклик мавжуд. Фақат Мушавирак ҳамда Чаббият атамалари мақомчиликда учрамаслиги қайд этилади. Ўз навбатида Бузрук, Рост, Гулёр-Шаҳноз каби номланишлар муқомот тизимида сақланиб қолмаган.

¹ А.Ҳашимов. Локальные разновидности «Двенадцати уйгурских муқомов». // Музыка народов Азии и Африки, IV выпуск. Москва, 1984 г., с. 151.

Қардош ўзбек ва уйғур халқлари санъатчи вакилларининг азалий, фаол касбий алоқалари, ҳамкорлиги устозона муштарак анъаналарни кашф этишга олиб келган. Буни аввало ўтмиш даврларда мумтоз адабиёт ва шеърят соҳаларида туркий халқлари томонидан яратилган, бир-биридан мутлақо ажрата бўлмайдиган маънавий бойлик чўққилари мисолида англаб олиш осон. Худди шу аснода ўзбек-уйғур мусиқий муштараклигини тушунмоқ даркор. Бинобарин, мақом-муқом муносабатларига доир ташқи тузилиш кўринишлардагина эмас, балки бунинг далилларини қатор ички тузилиш қоидалари, деярли барча шакллантирувчи ва таъсирий воситаларда, ижрочилик меъёрларида кузатиш мумкин. Дарвоқе, бу жабҳадаги ёндошликни, номдошликни, кенг маънода тушуниладиган оҳангдошликни мақом ва муқом билан шуғулланувчи олиму санъаткорлар эътиборидан мутлақ четда қолдирмаганлар.

Масалан, ҳаммага маълумки, Шашмақом ҳамда Тошкент-Фарғона мақом йўллари таркибида «қашқарча» деб юритилувчи ашула қисми учрайди. Шарқий Туркистондаги қадимий шаҳардан бирининг номига нисбат берилган бу ўхшатма ўзбек мусиқасида бир нечта асли уйғурча куйларни, шунингдек, табиатан ўйноқи, рақсбop доира усулини англатади.



У уйғур халқ куй-қўшиқлари, жозибали рақслари орқали қўшни элларга жуда машҳур бўлиб кетган, муқом ва мақомларда ҳам ўзига муносиб ўрин топган. Уйғур мақомларида (бу ерда Қашқар ва Или туркумлари назарда тутилади) қашқарча доира усулида «Машрап нағма» лар яратилган бўлса, Бухоро мақом туркумида у асосан Савт ёки Мўғулча номли шўьбаларнинг муайян шоҳобчаси пайдо бўлишига сабабчи бўлган. Бундай ашула асарларининг умумий сони ўн иккитага етади:

1. Қашқарчаи Мўғулчаи Бузрук
2. Қашқарчаи Савти Сарвиноз
3. Қашқарчаи Рок
4. Қашқарчаи Савти Ушшоқ
5. Қашқарчаи Савти Сабо
6. Қашқарчаи Савти Калон

Сарахбори Наво



Худди шу куй мавзулари асосида яратилган Савт-Мўғулча, айниқса уларнинг учинчи шоҳобча – Қашқарчаси янграганда бу таассурот бениҳоя кучаяди:

Қашқарчаи Мўғулчаи Бузрук



Бундай ашула йўлларида доирачи ҳам бироз эркинликни қўлга киритиб, андозани бузмаган ҳолда айрим зарбларнинг жозибадорлигини оширишга ҳаракат қилади:

Қашқарчаи Мўғулчаи Наво



Шу каби мисолларни яна кўпайтириш унча қийин иш эмас. Ҳар ҳолда таҳминлар қилиш мумкинки, бу ва бу сифат ўхшашликлар тасодифийлар сирасидан эмас, чунки танланган мақом куйларининг оҳанглари асосан ярим тонсиз таянч пардалар ёрдамида ҳосил бўлади. Бундай парда тузилмалар эса қашқарча услубида жонлантирилса уйғур мусиқаси «ранг-тасвирини» бера олади.

Ҳозирча баҳсли туюлган фаразларга ишончли, янги далил-исботларни излаб топиш айтиш муддао бўлур эди. Бу мақсадда қиёсий таҳлил қўламини янада кенгайтириш тақозо этилади. Натижада қардош халқлар турдош санъатининг ўқ илдизи бирлиги, номдош туркумларнинг негизи муштараклиги, қонун-қоидаларнинг ўзаро мос келишидан далолат берувчи муҳим омиллар тўлароқ ёритилиб илмий шарҳини топса ажаб эмас.

Аслида, Шашмақом туркуми белги ва хусусиятларини Қашқар муқом туркуми билан солиштириш аввало тарихан, шунингдек илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатлардан маъқул келарди. Афсуски, бундай имкониятта ҳамон эга эмасмиз. Қашқар муқомларини на мукамал нота ёзуви, на ижродан туширилган овоз ёзувлари қўл остида бор. Мутахассисларнинг ахбороти бўйича бу мақомлар ватанида ҳам қониқарли даражада ҳужжатлаштирилмаган ва яхши ўрганилмаган. Тақдир тақозоси билан Шарқий Туркистондан кўчиб ўтган уйғурлар орасида асосан Или муқомларини озми-кўпми ўзлаштирилганлар бўлгани сабабли бу туркум нисбатан тўла ноталаштирилган, ижрочилиги тикланган, тадқиқотлар олиб борилган ва давом этмоқда. Бу катта ишда Ўзбекистон ва Қозоғистонда истиқомат қилувчи муқомшунослар жонбозлик қилишмоқда. Шу боисдан мақолада Или туркумидан айрим қисмларга тўхталиб ўтишни афзал кўрдик. Мақом-муқом муштараклиги, яқинлиги юзасидан далиллар ахтарилар экан, ижро жараёнида етакчилик қиладиган созларни ҳам пировардида эслаб ўтиш қизиқарли бўлса керак. Маълумки, ўзбек-тожик мақомчилигида, у ёки бу маҳаллий туридан қатъий назар, (бундан, албатта, ёввойи мақом, сурнай йўллари сингари айрим нодир хиллари мустасно) танбур ягона етакчи соз вазифасини ўтайди, унга жўрнавоз бўлғучи урма чолғу – дойрадир.

Муқом ижрочилигида эса бошқачароқ вазият кузатилади. Жумладан, Или муқомчилигида уйғур танбури етакчилик қилган тақдирда Қашқар туркумида бу ўрин сатога ажратилган, Хўтан туркуми ижрочилигида бу вазифани қолун (қонун) бажаради. Усулли жўрнавозликда айтарлик фарқ йўқ. Фақат Қашқар муқомлари бошқаларга нисбатан дап жўрлигида баён этилувчи қисмларнинг умумий сони ва мавқеи бўйича юқорироқ туриши, ўзбек-тожик мақоми ижро аъёналарига монандлиги сезилади.

ШАШМАҚОМ ҲИКМАТЛАРИГА БИР НАЗАР

Улуғ аждодларимиздан бизга маънавий мерос қолган Шашмақом бутунги кунда жаҳон ҳамжамияти эътиборини ҳам ўзига тортмоқда¹. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Зотан пурмаъно ҳикматлар уммони бўлган бу мумтоз санъат нафақат ўзбек ва тожик маданияти эришган улкан чўққи, нафақат Осий китъаси халқлари санъатидаги фавқуллодда муҳим ҳодиса, балки башарият аҳлининг мусиқа моҳиятини англаш борасида қўлга киритган улкан ютуғидир.

Бу бемисл дурдона таркибида жилланган барча таркибий борлиқ — бирламчи оҳанг тузилмаларидан тортиб, то турли ҳажмдаги қисм ва уларнинг узвий туркум кўринишларининг барчаси сермазмунлиги ва ўзаро мантиқийлиги билан кишини ҳайратга солади. Шу билан бирга одамзод руҳининг исталган озикаси сифатида уни (руҳни) коинот чўққисига қадар юксалмоғи учун зарур қувват бўлиб ҳам хизмат қилади.

Шашмақомнинг бу каби сирли ва сурурли сифатлари унда гўзал омиллар қаторида тасаввуф таълимоти ғоялари ҳам тажассум этилганлиги билан изоҳланади. Бунга Шашмақом таркибида келган кўплаб махсус истилоҳлар (масалан, мақом, само, тасниф, гардун, хона, бозғўй, талқин, қаландар, самандар, соқийнома ва б.) ҳамда асосий айтим (шўъба)ларида қўлланиб келинаётган ботиний ғалалиёт (ҳазрат Табризий, Румий, Ҳофиз, Жомий, Лутфий, Навоий ва б. азиз мутафаккирларнинг ижоди) намуналари ишора этади.

Ушбу мақола доирасида биз Шашмақом таркибидаги куй ва айтимларнинг ички тузилиш шакллари ва уларнинг маъно ифодаларида ҳам ўзига хос уфуриб турган гўзал таълимот ҳикматларига бир назар ташлашни мақсад қилдик.

Бу борада энг аввало ҳар бир мақом бош маъносини ихчам шакл ва нисбий тугал ҳолдаги баёни бўлган бошланғич куй тузилмалари эътиборни ўзига тартади. Ушбу тузилмалар нола, қочирим каби ижровий усулларнинг самарали қўлланиши натижасида «мусиқий мавзу» тушунчасининг беқиёс намуналари

¹ Бу ўринда Шашмақомнинг ЮНЕСКО томонидан «Жаҳон маданиятининг бебаҳо дурдонаси» деб эътироф этилганлиги алоҳида эътиборга сазовордир.

сифатида жонланадики, бунда буюк ишқ дарди ила ёнган қалбларнинг тафтини, завқли изтиробларини дастлабки даражада ҳис этамиз. Бу ҳолат уларнинг (мавзуларнинг) тарихий келиб чиқиш манбаларидан қатъий назар юзага келади.

Ваҳоланки, бу мавзулар орасида илдизлари турли даврларга мансуб (масалан, қадимий «бирламчи тузилма», «даракчи оҳанг», кам сонли таянч оҳанг қурилмалари ва б.) намуналар бор.

Маълумки тасаввуф таълимоти одам ва табиат, одам ва олам каби барча яралган борлиқларни ўзаро алоқадорлик ва бирлик гоёси ўлароқ уйғун идрок этади. Бу кенг қамровли дунёқараш санъатда, хусусан, мусиқада ўзига хос бадиий тафаккурнинг қарор топишига сабаб бўлган эди. Шунга кўра услубан турлича мусиқий тузилмалар мақом «матнида» тубдан қайта ифода этилиб, ўзининг янги сифатларини кашф эта бошлайди. Эндиликда уларнинг ҳар бири янги маънолар билан суғорилгани ҳолда инсон руҳини юксак мақсадга, важд ҳолатига «етакловчи» қувватларга ҳам эга бўлади. Бу борада умумий таъриф шундай: мақом мавзуи дастлаб қуйи пардаларда баён этилгач, ўрта пардалар асосида тарққий этади ва ўзининг юқори, авж даражаларига интилади ва унга эришгач дастлабки таянч нуқтага қайтиб якун топади. Демак, мақомларнинг мавзу баёни билан ҳар-бир мақомнинг маънолар тизими дастлабки даражада ҳис этилади, ривож ва якуни билан асар гоёси узил-кесил идрокланади. Бу умумий ҳолат Мушқилот ва Наср бўлимларида ўзгача кўринишларда амалга ошади.

Мушқилот бўлимида Таснифларнинг² куй мавзуи мақом босқичларига таянган ҳолда ўзининг ўрта ва юқори авж пардаларига интилади, ривож топгани сари унинг ички, ботиний жиҳатлари юзага чиқа бошлайди. Мавзунинг дастлабки ҳолатидан то авжи томон ривож йўлини «кичик доирадан катта доирага» (кичик оламдан катта оламга) тарзида белгилаш мумкин. Чунки бу йўл давомида мавзу тўлқинсимон айланма ҳаракатлар ила ўниб-ўсади, хона тузилмаси асосида ҳажми тобора кенгайиб, салобатли ортади. Айни вақтда, унинг ботин мазмунидаги теран вазминлик, улуғворлик ва мушоҳадавийлик ҳолати тобора кучланиб боради.

² Тасниф — тасаввуфда шайх томонидан ишлаб чиқилган тариқатта оид йўл-йўриқлар тизими.

Мушкилотнинг Таснифларидан сўнг намоён бўладиган ўрта-якуний бўғинлари бошланғичлар билан узвий боғлиқликда юзага келади. Бунда Таснифларнинг куй-мавзуи туркум миқёсида янги «синов» мушкилотларидан ўтади, тараққиёт ифодаси бўлган оҳанг ва ўлчов-ритм ўзгаришларига учрайди.

Таржеъ номли куйларда бошланғич дойра усули такрорлангани ҳолда мавзу модификацияси асосан ички имкониятлари доирасида, оҳанг-ритм қурилмаларининг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда юзага келади ҳамда хона-бозгўй нисбатлари воситасида ривож топади.

Мавзунинг чолғу туркуми даражасидаги катта ўзгаришлари Гардун номли дойра усули силсиласидан ўтказилишида кузатилади. Нисбатан мураккаб шаклга эга бу усул мавзуга сезиларли таъсир ўтказиши. Натижада унда янги сифатлар кашф этилади. Лекин бунга асосланиб мутлоқ янги мавзу баёни хусусида ҳукм чиқармаслик керак. Чунки Гардунда қўлланган куй тузилмаси аслида Таснифда илк баён этилган мавзунинг туркум миқёсида эришаётган янги сифат босқичидир.

Гардунларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда аввалги қисмларда (Тасниф, Таржеъ) эришилган товуш-босқичлари нисбатан эркин қўлланилади. Натижада куйнинг равон ва поғонамапоғона ҳаракат жараёнига кўплаб оҳанг сақрамалари қўшилади.

Муҳаммас (бешлик, бешланган) ва Сақил (оғир, вазмин) номли куйларда мавзунинг салобати, давомийлиги ортиб боради. Уларнинг зарб-усуллари мураккаблашиб, катта доира шаклини «забт» этади. Айни вақтда, уларда аввалги қисмларда намоён бўлган муҳим жиҳатлар умумлашади, босиб ўтилган мушкилот йўлига яқун ясалади.

Мушкилотларнинг ботин мазмуни бўлган мушоҳадавийлик ҳолати Сақилларда ўзининг авжига қадар юксалади. Бунда гўё вақт чегаралари тарк этилиб, ташқи олам билан боғлиқ ҳаракатлар ўз кучини йўқотгандек ҳис этилади. Ҳар ҳолда якуний қисмларнинг ижро суръатлари туркум миқёсида сезиларли даражада вазмин тус олади.


Масалан, Бузрук мақомининг Мушкилотида бу тамойилнинг рақамлардаги ифодаси қуйидагича³:

³ Маълумот олинган манба: Шашмақом. I-жилд. Бузрук. Ёзиб олувчи Ю. Ражабий. Т., Ф. Фулом номидаги Бадиий Адабиёт нашриёти, 27-43 бб.

- | | | |
|----------------------------------------|------------------------------------------|-----------------------------------|
| 1. Таснифи Бузрук
М.М. ♩ = 84-88; | 2. Таржеъи Бузрук
М.М. ♩ = 116; | 3. Гардуни Бузрук
М.М. ♩ = 88; |
| 4. Мухаммаси Бузрук
М.М. ♩ = 60-63; | 5. Мухаммаси Насрулло
М.М. ♩ = 60-63; | |
| 6. Сақили Ислим
М.М. ♩ = 63-66; | 7. Сақили Султон
М.М. ♩ = 63-66; | |

Мушкilotларда намоён бўлаётган «оддийдан-мураккабга», «кичикдан-каттага» тамойилини Бузрук мақоми таркибидаги дойра усуллари мисолида шундай тасаввур этиш мумкин.


1. Тасниф:




2. Таржъе:




3. Гардун:




4. Мухаммаси
Бузрук:




5. Мухаммаси
Насрулло:



6. Сақили
Ислим:



7. Сақили
Султон:



Мақомот тизимининг айтим йўлларида ифода этилган маънолар тизими чолғу куйларида илгари сурилган маънавий камолот гоёси билан узвий боғлиқдир. Шу билан бирга, айтим йўллари мазмунида гоёни янада теран идрок этишга асос бўлган янги маънолар қўлами кашф этилиб, бу ҳолат дастлабки мавзу тимсолида ўз ифодасини топади. Зотан куй мавзуи айтим йўлларида келиши асносида бир қатор муҳим сифатларга ҳам эга бўлади: эндиликда мавзу баёнида, чолғу йўлларидан фарқли ўлароқ, машқ этиш ҳолатларига деярли ўрин қолмайди ва, айтим чоғда, ҳофизнинг дардчил овоз таровати ила янги ранглар билан бойиб, янада теранлик касб эта бошлайди. Бунда мавзунинг бошланғич (Сарахбор)ларнинг босқичма-босқич (муқаддима – даромад – миёнхат – дунаسر) шаклий тузилмаларида ривож топиш тамойили бутун туркум учун намунавий асос бўлиб хизмат қилади. Шакл тузилмаларининг ҳикматларини англаш борасида уларнинг луғавий маънолари ҳам аҳамиятлидир.

Чунончи, «муқаддима» сўзи «нутқда асосий мақсадга кўчишдан олдин айтиладиган сўзлар», «бирор сўзнинг боши» сингари маъноларни англатади⁴. Одатда, муқаддималар мақом айтим йўлларининг бошида келадиган чолғу кириш қисмларидан иборат бўлиб, улар асосий мавзу ҳолатини билдиради.

«Даромад» атамасининг луғавий негизда ҳаракат жараёнига оид сержиҳат мазмунлар англашилади⁵. Улар асосида тариқат йўлига кириш, унинг «эшигини» очиш, «йўлнинг бошланиши» каби маъноларни келтириб чиқариш мумкин. Унда асосий мавзу баёни куйи ва ўрта табақа (регистр) пардаларига поғонама-поғона таяниб, мақом-тамойили асосида ривожланади.

Миёнпарда (форс-тож.-ўрта парда) шаклий бўлинмасида эса мавзу ўрта пардаларни таянч сифатида ўзлаштириб, юқори табақага қадар тараққий этади.

Дунаسر – мавзунинг юқори табақа пардаларини «забт» этиш жараёнини англадиб, бунда, одатда, дастлабки бош пардага нисбатан октава юқорилигида жойлашган товуш таянч пардаси сифатида эгалланади. Шу билан бирга, «дунаسر» атамасининг ботиний маъносида тариқат йўли яқунланиб, Ҳақиқат даражаси

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981. 487 б.

⁵ Уша адабиёт. 212 б.

бошланганлигини фаҳмлаш мумкин. Бунда «дунаsr» даги «ду» – икки, «наsr» – галаба, яъни, мавзунинг биринчи зафар йўли мақом босқичлари (таянч пардалари) эгалланиши билан ҳосил бўлганлиги ва, айтилиши вақтда, асосан 2 – ва 3-октавалар оралигидаги товушларни қамраган иккинчи зафар (авж) йўли (комили жамъ) бошланганлиги англашилади.

Бу даврга келиб мавзу ривож топган ҳолда такомиллашиб, ўзининг чўққиси бўлган авж⁶ даражаларини намоеън эта бошлайди. Иккинчи галаба йўли намудлар келиши билан ҳам изоҳланади. Намуд – «айрим шўьбаларнинг бошланиш қисмидаги куй жумлаларини бошқа шўьбаларнинг юқори регистрларида авж сифатида» намоеън бўлишидир (И. Ражабов).

Мақомлардаги авжларни сўфийларнинг важд кечинмаси бўлган ҳол жараёнига қиёслаш мумкин. Ҳол – «сўфийларнинг тариқат йўлини муваффақиятли ўтганлари эвазига Ҳақ Таоло томонидан инъом этилган завқу-шавқ лаҳзасидир».

Намудларни ҳол янглиғ аҳамият касб этишини қувватловчи билвосита далиллар сифатида бир қатор қиёсий кузатувларни келтириш мумкин. Хусусан, тасаввуф илмида 10та асосий ҳол тасниф этилган бўлиб⁷, уларнинг ҳар бири ўзининг махсус атама-номларига эга:

- | | |
|--------------|--------------|
| 1. Мурақаба. | 6. Шавқ |
| 2. Курб. | 7. Унс. |
| 3. Хавф. | 8. Итмонина. |
| 4. Ражо. | 9. Мушоҳада. |
| 5. Муҳабба. | 10. Яқин |

Бунга қиёсан айтиш мумкинки, мақом санъатида ҳам (И. Р. Ражабов таснифига кўра) ўз номларига эга 10 та асосий

⁶ Авж – сўзи «осмон, кўк, фалак», «юксалиш, кўтарилиш ва унинг энг юқори нуқтаси» каби маъноларда келиб, унинг ботинида кичик ва катта оламларнинг узвий боғланиши, инсон руҳининг катта олам узра юксалиши англашилади. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати., 23 б.; Раҳмонов В. Ўзбек классик адабиёт асарлари учун қисқача лугат. Т., Ўқитувчи, 1983, 9 б.

⁷ Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991, с. 266

намуд (8 та намуд ва намуд вазифасида келувчи 2 та авжлар билан бирга) қўлланиши маълум⁸. Улар қуйидагича номланади:

- | | |
|---------------------|----------------------|
| 1. Уззол намуди. | 6. Ораз намуди. |
| 2. Мухайяри Чоргоҳ. | 7. Сегоҳ намуди. |
| 3. Наво намуди. | 8. Насруллои намуди. |
| 4. Баёт намуди. | 9. Зебо Пари авжи. |
| 5. Ушшоқ намуди. | 10. Турк авжи. |

Яна бир ўринли муқояса. «Ҳол» ҳолатлари бирин-кетин келиши мумкин, айниқса икки ҳолни бир-бирига уланиб келиши кўпроқ қайд этилган⁹. Маълумки, намудларнинг қўлланишида ҳам шунга ўхшашлик бор. Масалан, Уззол намудидан сўнг кўпинча Мухайяри Чоргоҳ намуди келади, ёки Баёт намудига уланиб Наво намуди ҳозир бўлади ва ҳ. к.¹⁰ Шунингдек, намудларнинг сони бундан-да ортиб келиши мумкинки, бундай вазият ҳол жараёнида ҳам кузатилади. Аслида бу каби қиёслар бежиз эмас, чунки ҳар икки ҳолатда ҳам рўҳда илҳом содир бўлиши ҳодисаси ҳал этувчи ўрин тутади.

Авж пардаларида илҳом завқини сураётган ҳофиз учта ва, ҳатто тўрттагача намудлар гуруҳини намоён этиши мусиқа амалиётидан маълум. Бинобарин, мақом авжлари ҳам моҳиятан, ҳам шаклан айтим йўлининг марказий ва салмоқли қисмини ташкил этади. Уларда, жумладан, куй ривожининг мақомлар доирасидаги энг олий даражали усули қўлланилади. Намудлар билан бевосита боғлиқ бу ривож усулини «сифат усули» деб тавсифлаш мумкин¹¹. Шунга кўра, Сарахбор бош мавзуи илк бор қуйи табақа-пардаларида садоланар экан, у ўзининг кейинги ривожини ўрта ва юқори табақа пардаларида давом этдиради, унда тараққиёт ифодаси бўлган оҳанг-ритм ва шакл-ҳажм ўзгаришлари содир бўлади ва, ниҳоят, авжларида намудларнинг келиши унга (мавзуга) тубдан янги сифат бағишлайди. Бироқ бу ҳолатни мусиқанинг ривож омилларидан бўлган тазодли муқояса усулига тенглаштириб бўлмайди. Чунки намудларнинг келиши — асар

⁸Ражабов И. Мақом асослари (Р. Юнусов таҳрири). Т., 1992, 14-21 бб.

⁹Ислам. Энциклопедический словарь. М., Наука, 1991, с. 266

¹⁰Қаранг: Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. Т., 1963, 173-174 бб.

¹¹«Сифат усули» мақом туркумларининг қисмлари аро ҳам қўлланилади. Бунда, масалан, Таснифларнинг куй мавзуи кейинги қисмларда тубдан ўзгариб, янги сифатларга эга бўлиб боради.

жараёнида дастлабки куй мавзуининг мантиқан энг олий даражадаги ривож, эришган сифат чўққисидир¹². Эришилган ушбу сифат даражаси нафақат Сарахбор қисми учун, балки шўьбаларнинг узвий туркумланишида ҳам аҳамиятлидир.

Маълумки, Сарахборларда келган намудларни одатга кўра, Наср ва Талқин шўьбаларидан олинган бошланғич куй тузилмалари сифатида таърифлаймиз. Ушбу масалани шарҳ этишда ўзгача ёндошиш ҳам мумкин кўринади.

Сарахборлар бош хабар, бош мавзу сифатида Талқин ва Наср шўьбаларидан аввал ижро этилади, самоъ вазиятида эса ижод этилади. Шу асосдан келиб чиққан ҳолда намуд ва унга мос келувчи шўьба (Наср, Талқин) манбаларига кўйилган урғуларни ўзаро алмаштириш мумкин: Сарахборларда қўлланилган намуд ва унга отдош шўьбаларни (масалан, Уззол намуди – Талқини Уззол, Насри Уззол; Ушшоқ намуди – Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ ва ҳ. к.) худди ана шу намудларни илк бор бошланғич (Сарахбор)да юзага келишининг натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Агар шу тарзда ёндошилса, назаримизда, шўьбарларнинг туркумланиш қонуниятлари ва, айниқса, намудларга кўпроқ алоқадор бўлган Наср номли шўьбаларнинг туркумдаги нуфузи бир қадар ойдинлашган бўлади. Бунда «наср» атамасини Сарахборлардаги «ду-наср»дан келтириб чиқариш баробарида яна Насрларни Сарахборларда эришилган ғалабанинг (Ду-насрнинг) туркум даражасидаги инъикоси янглиғ тавсифлаш имкони вужудга келади¹³. Бу фикрнинг эътирофи эса, айтиш чоғда, мақом шўьбаларининг туркумланиш қонуниятлари ҳам ягона ғоя асосида юзага келганлигига далолат этади.

Тавсифланаётган ушбу олий тартиб туркумини равшан этиш истагида Бузрук мақомининг айтим йўли (Наср)га эътиборни қаратамиз.

¹² Шу боис намудларни композиторлик ижодиётига мансуб иқтибос (цитата) усулига бевосита қиёслаб бўлмайди.

¹³ Наср номли шўьбалар Сарахборларнинг энг чўққи ва салмоқли бўлинмаси – авжлари билан боғланар экан, ўз навбатида, Насрлар ҳам туркум миқёсида алоҳида салмоқни ташкил этаётганлигини таъкидламоқ керак. Эслатиб ўтишнинг мавридики, Наср номли шўьбаларнинг жами 14 та, яъни Шашмақомда энг кўп сонли айтим йўллари дидир.

Олий тартиб туркумлари муайян шўъбалар туркуми билан-да чекланмайди, балки бу даражадаги боғланмалар турли мақомлар аро ҳам юзага келади. Масалан, Сарахбори Бузрук шўъбаси авжларида Уззол ва Мухайяри Чоргоҳ намудлари келган бошқа айтим (Дугоҳ, Рост) йўллари билан ҳам олий тартиб даражасида боғланади. Шу сингари боғланмалар эса Шашмақомдаги қарийб барча айтим йўллари нисбатида намоён бўлиб, бунинг натижасида умумтизим миқёсида олий тартиб туркумларига эришилади.

Демак, Шашмақом айтим йўлларининг «Наср» (ғалаба, зафар) деб аталиши бежиз эмас экан. Чунки «зафар» ғояси уларнинг нафақат алоҳида олинган ҳар бир шўъбаси (дунаср бўлинмаси) мисолида, балки шўъбалар туркуми бўлган Наср айтим йўллари даражасида ҳам асосий, марказий ўрин тутмоқда экан.

Мақом йўлларининг туркумланиши даражасида эса бошланғичларда баён этилган куй мавзуи қисмдан-қисмга қараб тобора мураккаблашиб борувчи зарб-усуллари асосида янги сифат намуналарини ошкор этади, ҳамда шу аснода тик чизик (туркум) бўйлаб ривожланиш тамойилини юзага келтиради.

Шашмақом тизими узра кузатилаётган турли даражадаги сермаъно боғланишлар бутун бир дунёқарашни қамраган ҳикматли таълимот ифодаси ўлароқ вужудга келган эди. Провардида руҳий лаззатбахш мусиқа тизими бунёд этилди.

ЎЗБЕК ЧОЛҒУШУНОСЛИГИДА ТИЗИМЛИ-ЭТНОФОНИК УСЛУБ

Ўзбек халқи мусиқа маданиятида қўлланилиб келинаётган най, бўламон, гажирнай, сибизиқ, сурнай, кушнай, карнай, чанг, конун, танбур, дутор, дўмбира, рубоб, уд, гижжақ дойра, ноғора ва ҳоказо чолғуларнинг яратилиш даври қадимий, географияси кенг бўлганлиги боис, мусиқашунослик тадқиқотлари ҳам барча замонларда, турли географик нуқталарда хар-хил услубларда амалга оширилган.

Ўрта асрлардаги тадқиқотлар кўпроқ изланувчиларнинг шахсий дунёқараши асосидаги назария ва маълумот тарзидаги таҳлиллардан иборат булса, Чор Россияси даврида муомалада бўлган чолғулар ва созандалар буйича изланишлар оврупага илмий-тавсифий (А. Эйхгорн) (1.6) ва тафсилот кўринишига эга бўлган. Кўзатувчилар сафини турли миллат вакилларида иборат дипломатлар, сайёҳлар, созандалар ва этнографлар ташкил қилган.¹

Асосий эътибор мусиқа фольклори билан бир қаторда маиший жиҳатларга қаратилган. Мураккаб тўзилма ва ижрога эга мусиқа намуналари ўрганилмаган. Шўролар даври тадқиқотларида ҳам маълумот тарзидаги тавсиф Мулла Бекжон Раҳмонугли, Муҳаммад Юсуф Девозода. (1.8), Фитрат (1.9)) ҳамда оврупача кўзатув ва услубга асосланган. Р. Садоқовнинг (1.7) гипотетик-қайта тиклаш, Н. Миронов (1.5), В. Беляевларнинг (1.1) чолғулар морфологияси, Т. Визгонинг чолғулар тарихига оид тадқиқотлари (1.2) шулар жумласидандир.

Ф. Кароматли (1.3) томонидан олиб борилган изланишларда чолғу ва унинг табиати тадқиқи алоҳида таркибга унсурга бўлган мурожаат бўлиб, чолғу мусиқаси билан боғлиқ барча хусусиятлар чолғу иштирокидаги бадиий-таркибли ҳодиса сифатида бир-бирига боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади. Бу ўзбек чолғушунослиги йуналишида янгича қараш асосидаги чолғу ва мусиқа муаммоларига урғу берилган дастлабки тадқиқот бўлиб, анъанавий чолғушуносликда тизимли-комплекс услубнинг вужудга келишига

¹ В. Наливкин, М. Наливкина, В. Крестовский, Н. Ликошин, И. Рачинский, К. Росъет, А. Самойлович, И. Зарубин, В. Массальский, Д. Логофет ва венгер сайёҳи А. Вамбери шулар жумласидандир.

асос бўлди. Т. Визго ва Ф. Кароматли изланишлари натижасида ўзбек чолғушунослиги фанида тарихий-морфологик (Т. Визго) ва тизимли – комплекс (Ф. Кароматли) тадқиқот услублари вужудга келди.

Мазкур услублар чолғушунослик изланишларининг илмий тўқислигини таъминлаш билан биргаликда, ўзбек чолғушунослиги олдидаги умумназарий вазибалар ечимида ҳам муҳим восита бўлди. Бинобарин, чолғу ва чолғу куйларидан ташқари ижрочи ва ижрочилик феномени билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганиш ўзбек этночолғушунослиги олдидаги навбатдаги вазиба эди. Зеро, ушбу диалектик ўзвийлик қонуниятлари, улар орасидаги синкретик боғлиқликларни кўзатишда умумий қоида қандай белгиланади, унинг ечимида қўлланиладиган услубий ёндошув қандай кечади?.. Ўзбек чолғушунослигида янгича йуналиш, янгича қарашлар ўз исботини топишида қандай йўл тутилиши керак бўлади. «Чолғу-мусиқаижрочи» учлиги яхлит мадания-эстетик ҳодиса, оддий тарздаги бирдамлик эмас, балки мураккаб яхлитликда ривожланиб келган табиий ҳодиса сифатида ўз ечимини қандай топади? Бунда учлик таркибини ташкил этувчи омилларнинг хар бири турли тўзилмалар мажмуидан иборат феномен эканлиги, илмий исботланадими? Улар яқдиллигида тадқиқот мақсадини очиб берилиши мумкин бўладими?.. Хуллас куйиладиган вазибанинг мақсади шу муаммоларни ечишдан иборат бўлади.

Зероки, «чолғу-куй-чолғучи» орасидаги муштараклик қайд қилганимиздек яхлит бадиий ҳодиса, алоҳида кўринишга эга халқ бадиий санъати сифатида идрок этилгандагина бадиий тизимнинг ажралмас таркиби кўринишида ўзига хослик сақланади. Шундагина қурилма таркиби, садоланиш жиҳатлари, турлича бўлган мусиқий товуш воситалари – чолғулар ва товуш ҳосил қилдирувчи-созандаларни умумий мақсад атрофида бирлаштириш мумкин. Демак бу таркибга яхлит бадиий мазмун, яхлит мақсад – халқнинг ҳам моддий, ҳам маънавий маданияти тизимини таъминловчи, этник социал ва маданий омиллар мужассамлашган бадиий феномен сифатида қаралади. Мазкур феномен тадрижий хусусиятга эга ва кўп вазибалилиги билан ҳам ажралиб туради. Шунингдек куй мазмуни, шакли давр жамият тизимига монанд тарзда, муҳими, жамият олдидаги вазибалари халқ маданияти қобигида ўзгариб» туради ва бир хилда кечмасдан трансформацияга эга бўлади. Бунда асосий вазиба иккинчи даражага (карнай, ногора

ва ҳоказо...) ёхуд иккинчи даража биринчига ўтиб қолиши (қайроқ) мутлақ истеъмолдан чиқиши (говдум, чиндовул, дул ногора, тулумбош) (у ҳолатлари учраб туради. Хусусан, чолғу мусиқий товуш воситаси, фақат эстетик вазифа бажарувчи ашё бўлиб қолмасдан, унда кенг вазифалилик (маиший, социал, хабар, алоқа, маросим ва ҳоказо) таркиб топган. Бунда чолғуни шакли, қиёфаси, қурилмаси билан боғлиқ бўлган мавзуларнинг ўзи ҳам синкретик тадқиқни тақазо этади. Зеро чолғу қиёфасида халқ тафаккур маҳсули эстетик семантик маъно (мазмун) ўз вазифавий ифодасига эгаллиги бунг; сабаб бўлади. Қолаверса, ушбу тизим таркибини ташкил этувчи омилларнинг барчаси мураккаб тўзилмалар мажмуидан иборат бўлади. Шундай экан «ўзбек чолғулари» ёки «ўзбек халқ чолғулари» деб номланувчи мусиқий товуш воситаларининг қайси бирлари анъанавий миллий, қайсилари ноанъанавий номиллий янги яратилса-да, этник гуруҳ (халқ) юрасида «апробация»дан ўтмаса, халқ уларни қабул қилмаса, сунъий тарздаги номилли: фаолияти қабул қилиниб, кўзатилиб ўрганиладими? Чолғу ўрнида қўлланиладиган уй-рўзғор буюмлари чолғу сифатида таснифланиши мумкинми?

Бўлардан мусиқий товуш қуроли сифатида фойдаланилганда, улар чолғу ҳисобланадим ёки ночолғу, деб тавсифланадими?² Бу борада этночолғушунослар қарашларида ҳам тафовутлар мавжуд. Қолаверса, чолғу ёхуд чолғу ўрнида ишлатиладиган (кўп ҳолларда эпизодик тарзда) мусиқий товуш қуролини ўрганишда нафақат эстетик балки унинг социал табиати кўзатилиши зарурлиги ҳам изланувчилар олдига яна бир мунозарали муаммони қўяди. Чунончи, товуш баландликлари аниқ бўлган чолғулар мумтоз куйлар ижросида кўпроқ иштирок қилади, лекин фольклор ижрочилигида стилистик жиҳатдан алоҳида кўламга эга идиофонлар иштироки қандай ўрганилади? Псевдо (сунъий) чолғулар сафида белгиланганларининг географик жойлашуви, вазифаларидаги фарқданишлар эътиборга олиниши зарурми Қолаверса, псевдочолғулар ўз қурилмалари буйича бир хил улчовларга эга эмаслар (қайроқ, занг, сафоил ва ҳоказо.)

Айрим пуфлама чолғуларда бошлангич баландлик ва мутлоқ тонли соزلаниш кўзатилмайди (шувилдоқ, болалар хуштаклари). Хатто чупон най, чангқобиз, сибизик ва яна айрим чолғулар

² Бу ҳақда қаранг: И.Мациевский «Народный музыкальный инструмент и методология его исследования». 1.10. 6.143-170

муайян ҳажмларга амал қилинмаган тарзда чамалаш, сўнг эшитиш ёрдамида тайёрланади. Бундан ташқари чолғуларда тон ҳосил қилиш турли ривожланиш жараёнларида турлича кечган ва кечмокда. Ҳам миллий, ҳам номиллий ижрочилик маданиятида қўлланиб келинаётган қашқар рубоби, афғон рубоби, чанг, фақат фольклор ижрочиликда иштирок этувчи чангқобиз, думбира, сибизик, ғажирнай, шивиллоқ, рақс санъати билан боғлиқ қайроқ, занг, сафоил, чолғулар сифатида ишлатиладиган уй-рўзғор буюмлари ва янги лабаротория шароитида яратилган най пикколо, рубоб прима, дутор прима, дутор секунда, дутор альт, дутор бас, қўбиз бас, қўбиз контрабас ва ҳоказо чолғуларда ҳосил қилинадиган товуш тизимлари турли услубий мезонлар ёрдамида тадқиқ қилиниши зарурми ёхуд анъанавий чолғулар билан биргаликда ўрганилиши керакми?

Халқдан олиб халққа қайтариш имконияти бўлмаган, халқ, маданий ҳаётида иштироклари кўзатилмаган, этночолғу табиатида оид хусусиятлар мужассамлашмаган, қисқа қилиб айтганда, миллий чолғуларга хос бўлган этник социал, тарқалиш шакли, яратилиши, конструктив белгилари, муомала мезонлари ва вазифалар доираси кенг бўлмаган чолғуларга нисбатан «халқ чолғуси мезони қўлланилиши туғрими?»

Аслида, диотаник ва хроматин товушқаторларга эга чолғуларда температурали товуш тизиминга зид тарздаги ўзбек миллий лад тизими ва интонацион жараён мавжуд. Бинобарин, температурали чолғулар мазкур лад тизими криуниятлари, чолғу қиёфаси, созланиши, вазифалари буйича этночолғушунос тафаккури, тадқиқот мезонлари колипиға тушмайди. Демак уларда кенг куламли изланишларга хожат сезилмайди. Табиийки, бундай курунишда тадқиқот услуби шахсий карашларнинг турлилиги ёки ўзгарувчанлиги билан боғлиқ кечади. Пировардида, ўзбек чолғушунослигида кайта ишланган чолғулар буйича халқ бадий тафаккурининг яхлит тизим кесимида эмас, балки Овропада шакл топган академик мусиқий-эстетик тадқиқ услуби ва ундан келиб чиқдиган мезонлар кесимида ҳам изланишлар олиб борилмокда (О. Тошматова). Айрим тадқиқотлар Шўролар даври ижтимоий-сиёсий шароити қобиғида амалга оширилган. (Г. Кузнецова, Ф. Содиқов ва ҳоказо), Ушбу тадқиқотлар мақсадида ўзбек чолғулари тарихий-маданий бойлик сифатида таҳлил қилиниши, кейинги авлод вакиллари томонидан ўрганилиши кўзда тутилмаган.

Мазкур давр «қайта ишловчи» изланувчилари тадқиқига нисбатан ташвиқотни устун куйганликлари учун йуналишда илмий услуб шаклланди. Қолаверса, Шуруларнинг «халоскорлик» сиесати ёрдамида чолғу тайёрлашда «лаборатория» тизимини ташкил қилиниши, сиёсий-муסיқий ғоялар атрофида фикр юритиш имкониятларини енгиллаштирди ва тадқиқотларни «этночолғу», «этночолғушунослик» тушунчаларидан ўзоқлаштирди. Хуллас, ўзбек муסיқасининг муסיқий-эстетик вазифаси, сиёсий-муסיқий жараён билан алмаштирилган эди. Илмий фаолият асосини «қайта ишланган», «янги яратилган» чолғулар «афзаллиги»ни ёқловчи «ғоялар» эгаллади (А. Петросянц, Т. Вызго, Г. Кузнецова ва хоказо...) ва ушбу ташвиқот усули тадқиқотлар асоси қилиб белгиланди. Ҳали-ҳануз мазкур йўналишда ёзилган илмий ишлар муаллифлари эмперик ёндошувлар қобиғида, «байналмилал» сиёсатга ёндошган тарзда фаолият юритмоқдалар. Бир сўз билан айтганда Овропача академик муסיқани ўрганишга мулжалланган, муסיқий тахлил билан чекланувчи услубга «пайвандбаста», эклектик жараёнларга таянган, аниқ социал ҳолат акс этмаган, тадқиқот йуналиши давом килмоқда. Шундай экан, ўзбек чолғулари ва миллий чолғу куйларини ўрганишда қўлланиб келинган илмий-тадқиқот услублари бу оқим ёки йуналиш учун самара бермайди.

Айтиш жоизки, чолғулардан ташқари чолғунинг товуш маҳсули-чолғу куйлари ва уларнинг жанрлари, шакллари, лад тизимлари ва ҳакозалар этномуסיқашуносликда эътиборли ўрганилган. Мазкур тадқиқотлар асоси «оҳанг тизими» кесимида, товушлар жойлашуви, ҳаракатлари ва ритмик уюшмалар атрофида кўпроқ кечган. Бунда чолғу куйлари фарқланишларидаги маҳаллий специфик ўзига хослик ҳамда турли куйлар намуналари, типлари ва куй жанрининг турли шакллари чолғулар иштирокисиз ҳам юқори савияда таҳлил қилинган. Лекин, муסיқий товуш баландлиги, ритмик аспект, ва муסיқий образ чолғу куйлари тадқиқи доирасида етарли ҳисоблансада, чолғу ва куй якдиллиги ижрочисиз яъни чолғу ва куйнинг созанда иштирокисиз умумтасаввур қайд килганимиздек тукис кечмайди. Демак чолғу-куй чолғучи орасидаги диалектик боғлиқликларнинг илмий ечими ҳозирга қадар қўлланиб келинганлардан фарқли ўлароқ кенг қамровли услубни талаб қилади. Қўлланиладиган услуб анъанавий чолғушуносликда мавжуд ва синалган бўлиши ҳамда ўзбек этночолғушунослиги тадқиқотларида апробациядан ўтиши керак. Шу

боис, ўзбек чолғушунослиги комплекс тадқиқотлари учун йиллар давомида биз томонимиздан ўрганилган дастлаб Фарб (рус, белорус, украин) чолғушунослигида қўлланилган тизимли-этнофоник услуб (системно-этнофонический метод) мазкур тадқиқотлар учун танланди ва амалда синалди. Хусусан, каминанинг «Ўзбек анъанавий чолғу ижрочилиги маданияти» номланишдаги докторлик ва Сайд Саидий Болтазода томонидан тайёрланган «Марказий Осиё» маданиятида урма чолғулар» мавзуидаги номзодлик диссертацияларининг бажарилишида қўлланилди. Пировардида, тизимли-этнофоник услубнинг анъанавий чолғу ва чолғу мусиқаси тадқиқотларида қўлланилиши тадқиқотчи имкониятларини тўқис очилишидан ташқари, улар сафини созандалар ҳисобига кенгайишида ўз исботини топди. Ўзбекистонда миллий чолғу, ижрочи ва чолғу мусиқаси тадқиқотлари базасини таркиб топиши Овропамарказ гоёларнинг чекинишида ҳам қўл келди. Шунингдек ўзбек чолғушунослигида давр миллий мусиқий амалиёти ва замонавий илм вазифалари, мақсадлари акс этган тадқиқотлар географияси кенгайишига замин яратилди.

Изоҳлар

- 1.1. Беляев В. Музыкальные инструменты Узбекистана. М., 1933.
- 1.2. Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. М., 1980.
- 1.3. Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка. Ташкент, 1972.
- 1.4. Кузнецова Г. Садыков Ф. Государственный оркестр народных инструментов имени Т. Жалилова. Ташкент, 1990.
- 1.5. Миронов Н. Музыка узбеков. Ташкент, 1929.
- 1.6. Музыкальная фольклористика в Узбекистане (первые записи). Музыкально-этнографические материалы. Август Эйхгорн. Ташкент, 1963.
- 1.7. Садоков Р. Музыкальная культура древнего Хорезма. М., 1970.
- 1.8. Мулла Бекжон Рахмон ўгли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. Тошкент, 1998.
- 1.9. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент, 1993.
- 1.10. Актуальные проблемы оркестрового исполнительства на узбекских народных инструментах. Сборник научных трудов. ТашГУ. Ташкент, 1988 г.
- 1.11. Актуальные проблемы современной фольклористики. Ленинград, 1980 г.

ОБРЯДОВАЯ ПРАКТИКА И ФОЛЬКЛОР ШАМАНИЗМА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Шаманство — часть традиционной культуры народов Центральной Азии, явление сложное и противоречивое. Исследователи справедливо подчёркивают необходимость системного подхода к изучению этого феномена, в котором можно выделить такие важные аспекты, как мировоззрение, обрядовая практика, атрибутика, фольклорная традиция. Особого внимания заслуживает социальный статус шаманов. Многие аспекты традиционного воззрения и мифологии нашли своё воплощение в «реквизите» шамана: его одеянии, музыкальном инструментарии, помещении, в соответствующих предметах (тряпки, свечи, верёвка, нож, сабля, раскалённые угли и др.). Каждый шаман стремился к тому, чтобы у него был свой, узнаваемый «почерк», своя манера, свои тексты, свои атрибуты. Разумеется, своеобразие проявлялось в рамках существовавшей традиции. Но тем не менее, как подчёркивает В. Н. Басилов, в нём стереотипна структура обряда, ибо его сюжетная схема обусловлена традиционными верованиями. Стереотипны и ритуальные элементы. Исполняемые разными шаманами обряды не повторяют друг друга во всех деталях, вариации заметны и предусмотрены традицией¹.

Обрядовая сторона шаманства центрально-азиатского региона, начиная со становления будущего шамана и кончая деталями проведения религиозных обрядов, обнаруживает несколько основных вариантов реализации «шаманского дара». «Шаман», как объясняют информаторы, являлся посредником между миром людей и «миром духов», защищающим интересы людей. Основная форма культовой деятельности шамана получила в этнографической литературе название «камлание» (от тюркского «кам» — камон, шаман). У шаманов существовало несколько основных форм камлания, различавшихся, в частности, набором необходимых атрибутов, которые в свою очередь, обусловлены статусом шамана (на раннем этапе своей деятельности они начинали с «кинна» — сберечь от дурного сглаза и «бадик» — форма врачевания больных детей и животных). И здесь усматриваются локальные варианты,

¹ Басилов В.Н. Два варианта среднесизиатского шаманства // «Сов. Этнография», 1990, № 4, с. 64-76.

наличие которых было связано с этническим составом населения региона. Соответственно, каждое из них обозначается своей, местной терминологией — «Баксы сарын» (у казахов), «Бахши ыры» (у киргизов), «Кўч», «Кўчирик», «Кайтарма» (у узбеков и таджиков), «Зыкыр» или «Зикр» (у туркмен и кыргызов).

Деятельность шаманов Центральной Азии состояла из «лечения» больных изгнанием злых духов и гадания, которое отличалось от всех других видов гадания тем, что оно совершалось в трансе, во время которого духи-покровители шамана будто бы являлись и отвечали на вопросы, открывая будущее или причину происшедших событий: болезни, пропажи вещей, людей и т. п.²

Всё это обусловило, в свою очередь, появление двух типов обрядов: одни выполнялись в нормальном психическом состоянии, а другие требовали состояния транса, рассматриваемого как непосредственное общение с духами, как бы переход в их мир. Поэтому шаманами становились люди (мужчины и женщины), якобы избранные духами, принуждавшими своих избранников принять посвящение и постоянно заниматься совершением шаманских ритуалов. Для обозначения шамана в Центральной Азии употреблялись в основном три термина: бахши (баксы), парихон (порхан) и фолбин, значение которых обозначает шаман, сказитель, жрец, народный лекарь (знахарь). Наиболее распространённый и употребляемый в народе термин «шаман-бахши», относящийся как к мужчинам, так и к женщинам, функции которых связаны с пририцаниями, предсказаниями и назначением «лечения».

Элементы вербальной магии — слова-заговоры, слова-заклинания, а позднее чтение отдельных сур Корана, применение молитвенных приёмов-формул в соединении с ритмо-пульсирующим и интонационно-звуковысотным факторами с определёнными телодвижениями и пляской оказывали огромное воздействие на больного. Ещё в средние века Ибн Сина указывал на психотерапевтические методы лечения, где музыка занимала значительное место. При этом методы музыкального воздействия он рассматривал в различных формах — слушания музыки, пения, игры на определённых музыкальных инструментах, каждая из которых оказывает пассивное или активное воздействие на человека. Говоря о применении музыки в лечебных целях, Ибн Сина указывает на

² Сухарева О.А. Пережитки домопологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. М., 1975, с. 5-93.

наличие связи музыкальной ритмичности с процессами, происходящими в организме больного. Соответственно, методы лечения шаман-бахши рассматриваются в свете сохранившихся древних верований, т. е. вера в существование демонов, злых и добрых духов, предков и т. п. Бахши использовали в своих камланиях в виде основных атрибутов и музыкальные инструменты: доира (у узбеков и таджиков, причём доира различных размеров – в Кашкадарье и Сурхандарье меньшего размера, чем типовой, с колотушкой; в Намангане – внушительного размера), кобуз (узбеки, казахи, кыргызы, каракалпаки), дутар (туркмены, каракалпаки), домбра (казахи и узбеки), которыми сопровождалось не только действие ритуала, но и пение бахши и подпевание присутствующих. Как подчёркивает Н. Пантусов, во время лечения больных, бахши предаются иступленной пляске, которая доводит их до «некоторого экстаза»³.

Шаманское пение – наиболее древний вид религиозно-художественной культуры, при котором бахши действует традиционно-магическим искусством *гинноза*, и при помощи его вызывает у своего партнёра-больного необходимые функционально-психологические ощущения. Ч. Валиханов термином «бахши» называет одарённых волшебством общинно-народных певцов и музыкантов, имеющих свои, выработанные в ходе трудовой, специфической и синкретической деятельности художественно-бытовые каноны и стереотипы, традиции и импровизации⁴.

Функции «лечебного сеанса» шаманского камлания заключаются в следующем: с одной стороны, психологическое воздействие бахши на больного, сила его внушения; с другой – вера самого больного в полезность оказываемого действия со стороны бахши, вера в его сверхъестественные способности, сила самовнушения больного через визуальный и осязательный органы восприятия. При этом основными методами воздействия камлания выступают:

- вербальное воздействие (магическая сила слов – заговора, заклинаний, молитвенных формул-символов);
- визуально-зрительное воздействие (место действия, время, участники и др.);
- итнонационно-звукорисовочное воздействие (речитации, пение с музыкальным сопровождением и без него);

³ Пантусов Н. Таранчинский бахши. Пери-Уйнатмак. (Способы игры и лечения бахшей). Ташкент, 1907, с. 37-88.

⁴ Валиханов Ч. Собр.соч. в V томах. Том I. Алма-Ата, 1961.

- ритмо-пульсирующее и пластическое воздействие (усули дойры, ритмоформулы хора, характерные телодвижения, пляска);
- эмоциональное воздействие (достижение транса как самого бахши, так и больного).

В шаманизме переплетаются два идеологических воззрения – анимистические верования и элементы исламской религии. Будучи по происхождению доисламским культом (древние представления о злых, враждебных человеку духах – джиннах, аджиннах, алвасты, дев, пари), шаманство приобрело не только внешний мусульманский налёт, но и, по существу, достигло тесной связи с исламом (соблюдение религиозных обрядов и ритуалов, молитвы, исполнение сур Корана и духовных стихов).

Обычно шаман-бахши во время камлания выбирал манеру исполнения, аккомпанируя себе на музыкальном инструменте, в зависимости от характера болезни, от назначения культового действия, чтобы довести до слушателя то грозные, то заклинающие, то ласковые, то призывные, то благопожелательные мотивы, чаще всего импровизационного характера. Шаман сам сочинял мелодию, свои стихи, свои усули, с которыми он общался к злым духам, к человеку, в котором видел присутствие дурного. Шаман стремился к тому, чтобы мелодией и ритмикой своей музыки, силою художественных образов своих стихов (в которых призывал своих пари, ангелов, духов-покровителей) вселить в больного мысль о выздоровлении. Богатое образно-художественное содержание призывов вызывает в воображении больного (также у окружающих) определенные образы, связанные с перечисляющимися именами святых, духов; представления исторических судеб, легенд. Стихи и звуки дойры в исполнении бахши как бы сливались в одно целое, в этом шаману помогал проникновенный голос (самого бахши или приглашенного певца), который делался особенно волнующим, страстным, доходчивым, захватывающим в его «театрально-зрелищном» исполнении мелостроф самого разного содержания. Шаман должен был восстановить надлежащий порядок: вернуть человеку *душу*, оставив злым духам нечто взамен (в этом суть лечебных обрядов шаманского камлания).

Музыка как действенное лечебное средство широко применяется в практике бахши, и выражается посредством его пения и игры на музыкальном инструменте. Основополагающее значение при этом

занимает мелодико-ритмическое воздействие на больного, целью которого является подчинение биоритма человека равномерному, порой метрически неупорядоченному ритму процесса камлания. Ритмичность складывается из следующих элементов:

- чёткого и ясного усуля дойры;
- ровной последовательности длительности в мелосе шамана, ритмически упорядоченного;
- ритмичности речитации молитвенных формул или сур Корана;
- ритмичности телодвижений, поочерёдного удара прутиком, приплясывания в такт, мерного шага шамана;
- ритмичности прозаического или поэтического слова шамана;
- четко повторяющегося и равномерного исполнения ритмоформулы слов-сочетаний унисонного хора или группы участников камлания;
- сочетания ритмичности семантики вербального элемента и звуковой палитры мелоса с темброво-звуковым фоном (гортанное звукоизвлечение, пульсация дойры, звучание струнного инструмента, ритмодвижения бахши, ритмоудары атрибутов ритуала, эмоционально-подражательные возгласы ритмо-символов унисонного хора).

Причём ровная последовательность ритмических длительностей в искусстве бахши чередуется с метрическим неупорядоченным пением, т. е. нечётность ритмического рисунка тембро-звукового воздействия бахши и неровная пульсация дойры в определённой мере способствуют, как отмечают информаторы, созыву духов-помощников, необузданная сила которых первоначально оказывает влияние и на самого бахши. Ритмическая пульсация обретает некоторые черты магического назначения, выполняющие несколько иную функцию в процессе лечебного сеанса: во вступлении и в начале — функцию созывания, собирания; в середине — функцию призыва, просьбы, требования; в кульминации — имитативная, контактная, эмоциональная, воздействующая функции; в заключении — функции благопожелания, благодарения. Такая функциональная направленность вытекает из самой природы камлания, которое сопровождалось пением бахши и подпеванием присутствующих, где их личные, импровизационные мотивы получили определённые наименования: *сарын* (у казахов), *алас* (у кыргызов), *кўч — куй* (у узбеков и таджиков), *чекме* или *кушит* (у туркмен), истоки которых связаны с исполнительскими традициями эпических сказителей. Многократное повторение «кўч»

или «сарын» – выполняет роль сквозного мотива, пронизывающего сеанс от его начала до завершения, образуя своеобразную архитектонику обряда.

В свою очередь композиционное строение обусловлено особенностями поэтического содержания, где словесный текст как «кўч», так и «сарына», строится из блока взаимосвязанных сюжетных единиц (типов). Структура при этом распадается на 5 музыкально-поэтических тирад-частей, каждая из которых строится на определённой мелострофе. По информации бахши Абдуллаевой Икбол (кишлак Хоновод Китабского района Кашкадарьинской области Узбекистана), каждая часть (блок) «кўчирик» в народной терминологии именуется следующим образом, создавая структуру всего ритуала:

Первая часть: Кириш «кўч» – обращение бахши (баксы) к Создателю, Богу и святым с просьбой оказать помощь и поддержку своим покровительством во время камлания.

Вторая часть: Обло ху – обращение к Богу, к конкретным духам, святым, своим пирам-наставникам; само представление бахши духам через упоминание своих предков.

Третья часть: Лашкар егиш (вызывание своих помощников) – вызывание духов-покровителей, которые должны помочь в изгнании недруга, болезни. Обращение с определением недруга больного (определение злого духа).

Четвёртая часть: Халққа тушуриш. Биринчи халққа (Пайгамбар Сулаймон хотинларини чақириш) – обращение к жёнам пророка Сулеймана. Иккинчи халққа (Хизир бува авлиёларини чақириш) – обращение к святым Хызыр бува. Учинчи халққа (Она Хизир авлиёларини чақириш) – обращение к святым Мать-Хызыр. Тўртинчи халққа ва бешинчи халққа (Пари, авлиёларни чақириш) – обращение к духам-покровителям – Пари, святым.

Пятая часть: Кўч бар вақт (кульминация-ритуал «кўч») – изгнание болезни; обращение к духам и само представление бахши, отражающее непосредственно сам процесс лечебного сеанса; работа с больным, изгнание недруга (экспрессивное пение, ускоренный ритм-усуль, удары колотушкой). Бахши, ошупывая своего пациента, находит болевые точки, сосредоточенные в груди, почках, стопах и т. д., которые оказывают экстатическое и эмоциональное воздействие.

В процессе камлания не остаётся без внимания и генеалогия поющего бахши (баксы). Камлание носит сугубо *импровизационный* характер, при этом в памяти бахши сохранились стабильные повторяющиеся элементы – это обращение к духам за помощью при изгнании болезни, при котором происходит и само представление бахши. Естественно, дальнейшее течение камлания всегда индивидуализировано.

Определяющей особенностью пения шаманского камлания в целом, является отчётливое разграничение мелодических линий – мелостроф, и строгая спецификация голоса и сопровождения. Тематическая насыщенность, лаконизм, а вместе с тем и напряжённость звучания – своеобразная типичная, глубоко национальная особенность народного пения узбеков, казахов, таджиков. Для напевов камлания характерны сдержанность высказывания при большой эмоциональной насыщенности. Анализ пения показывает особую роль сжатых, тематически глубоких напевов, содержащих в себе активно импульсирующий ритморисунок, способствующий дальнейшему движению в развёртывании структуры. Как особенность следует отметить то, что эти напевы исторически более раннего происхождения, в них преобладает собственно мелоречевое начало, проявляется постоянная тенденция к мелодико-ритмическому сжатию. Это в определённой мере и предопределило в пении бахши несколько видов мелодических образований:

- мелодико-речевое скандирование с равномерной ритмопульсацией;
- мелодико-контрастно-регистровая речитация с разнохарактерным метроритмом;
- мелодико-звукорисовочно неопределённое, глиссандирующее распевание-говор с многократным повтором ритмопостроения;
- мелодико-распевное, звукорисовочно-стабилизированное интонирование с метрически контрастными, структурно обособленными ритмическими ячейками;
- мелодико-распевное, эмоционально-концентрированное, насыщенное интонирование с характерным темброво-темподинамическим развёртыванием при активном мелодико-интонационном взлёте запевных и рефренных фраз-мелостроф.

Каждое из этих мелодико-интонационных образований участвует, как отдельно, так и во взаимосвязи в структуре целого, что во многом связано с индивидуальным подходом каждого бахши. При этом основополагающее значение придаётся и ритмическому воздействию камлания. Ритмичность, заложенная самой природой, проявляется во всём, реализуется игрой бахши на музыкальном инструменте, в пении, в говоре, в воздействии определёнными движениями (шумовыми эффектами, ударами ладони или плетью, прутиком по больному, движениями по кругу бахши и его помощников и т. д.). При этом сопровождающийся ритм (ритм словесного текста и напева, метроритм сопровождающего инструмента, танцо-ритм) является *организующим* фактором лечебного сеанса и отличается постепенным нарастанием, динамикой: в начале ровная последовательность длительностей при чётком и ясном усиле дойры, метрически неупорядоченная в кульминационной части с ускорением темпа; равномерная метро-ритмическая пульсация в заключении. В ритмической схеме напевов всегда ощутима некая моторность ритма. Однако равномерность поступи здесь нарушена идущим с ней вразрез ритмом речевого начала, выполняющим функцию ритмической антитезы с его характерными затягиваниями, уравнивающими речитационность говорка и рубатность акцентирующей орнаментики.

Характерно для Байсунского региона, в частности кишлаков Авлод, Сариосиё, Мачаи, Курганча и самого районного центра Байсун, исполнение культово-ритуальных песнопений «Жахр», идущее от шаманизма и суфийских обрядов «зикр» (букв. «помянуть имени бога»). В данном случае «жахр» (букв. «крик» или «громкий») — обряд врачевания, где божественное слово, стихи (премудрости) Ахмада Яссави в форме речитаций перекликаются с пением слов-сочетаний и использованием различных атрибутов шамана-бахши (кнут, кинжал, раскалённый черпак, доира). Действие обряда направлено на лечение душевнобольных, чтобы словом, мелодией и ритмикой, силою художественных образов своих стихов «жахрчи» вселить в больного мысль о выздоровлении. Действие, ритуал, атрибутика, структура мелоса (сопровождаемые в Курганчи музыкальным инструментом — кобузом, в Мачаи — домброй, в Байсуне — дойрой) и своеобразная ритмическая пульсация говорят о древнейших связях с шаманизмом, а исполнение религиозных текстов и почитание регламента ислама — о связях с суфизмом. Пример тому — исполнение «жахр» Исмаат-суфием из кишлака

Сариосиё, Акмалом, Ферузой и Санобар Рамазановыми из Байсуна, Равшаном Абдуллаевым и Мухиддином Расуловым из кишлака Авлод. К обрядам врачевания следует также отнести «Алас» (лечение больных детей огнём или молнией), записанное в кишлаке Авлод, «Кушнос» (лечение больных детей магией слова), наблюдаемое в кишлаках Яккатол, Сариосиё, Авлод, Мачаи, Курганча и в самом Байсуне.

Шаманское пение – наиболее древний вид религиозно-художественной культуры, в основе которого лежат несколько постоянно чередующихся небольших попевок, последовательность которых, как правило, приводит к образованию звеньев вопросительно-ответной структуры, что в стремительно-быстром темпе способствует особой динамизации камлания.

В аспекте изучения музыкального искусства региона, его социокультурных особенностей функционирования важным представляются музыкальные традиции, тесно связанные с различными культурами и религиозными церемониями, со спецификой народного быта, уклада жизни, хозяйственной деятельностью. Музыкальные традиции, выработанные в структуре различных культовых течений и общин, в основном находились в русле вокально-поэтического творчества. Культовая обрядовая практика, тесно связанная также с календарем и семейными обычаями, с широкой музыкальной практикой народных масс региона, выработала различные типы исполнения речитации и песнопений, которые нашли отражение в исполнении канонизированных и импровизационных форм и в терминологии жанров. Именно в динамике социокультурного функционирования раскрываются характерные параметры не только культовой музыки, но и в целом традиционной музыкальной культуры.

МУСИҚИЙ ЭСТРАДА ШОУ-БИЗНЕС ТИЗИМИДА

Сўнги ўн йилликда рўй берган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар боис ўзбек мусиқий эстрадаси «шоу-бизнес» индустрияси даражасига етди. Хусусан, мусиқий бизнеснинг аудио ва CD лаппаклар, юзга яқин овоз ёзиш ҳамда клипларни тасвирга олувчи студиялари, гастролларни ташкил этиш каби даромад келтирувчи хусусий тармоқлари пайдо бўлди. Шунингдек, шоу-бизнеснинг «иккинчи» даражали даромад келтирувчи манбаи бўлган мусиқий чолғулар ва замонавий техник ускуналарнинг савдо-сотуви, турли шакллардаги сувенир ва реклама фаолиятлари бир қадар йўлга қўйилди. Айтиш пайтда шоу-бизнеснинг иш фаолияти марказлашган ҳолда матбуот, радиотелевидение, нашриёт каби бўлимларида ҳам олиб борилмоқда¹.

Ўзбек мусиқий эстрадаси жалб этилган шоу-бизнес фаолиятини тасаввур қилиш учун бир мисолга эътиборни қаратмоқчимиз. Масалан, кўшиқчи ёки гуруҳнинг янги CD лаппаги (аудио тасмаси) ёки янги концерт дастури чиқиши, ўз навбатида, кўп сонли гастролларни уюштириш, гастрол давомида сувенир (плакатлар, йилномаларда фотосуратларни чоп этиш ва б.) лар сотувини ташкил этиш, видеоклипни тасвирга олиш, ТВ ва радио ҳамда матбуотларда реклама қилиш сингари кенг қўламли ташкилий ишлар билан кечеди. Агар бу тизимнинг бирон бир босқичи амалдаги талаб доирасида бажарилмаса, унда янги дастур ёки лаппакнинг ютуғи мавҳум бўлиб қолади. Демак шоу-бизнеснинг қайд этилган барча тармоқлари бир вақтнинг ўзида бирваракайига ишга тушиши лозим. Энг аввало бу ишларни соҳа атамаларида **эйрплейлар**² деб ном олган махсус радио каналлари амалга оширади ва тарғибот ишларида уларнинг фаолияти катта аҳамият касб этади.

¹ Бунга «Тасвир», «7x7», «Даракчи», «Нумо», «Сирли олам», «Sug'diyona», «Аёл қалби», «Эрудит», «Меридиан», «Чархпалак», «Парвона» ва бошқа рўзномалардаги рукнлар мисолдир.

² «Эйрплей» – airplay – мусиқий эстрада маҳсулотларини тарғиб қилиш мақсадларини кўзлаган махсус радио каналлар. А. Троицкий. Поп-лексикон. // Музыкальная жизнь, №1-8

Айтиш керакки, Мустақиллик йилларида ўзбек ва хориж мусиқий эстрадасининг янги хит³ларини тинимсиз тарғиб этиш ишларини олиб борувчи бир қатор радио каналлар очилди. Хусусан, «Ўзбегим таронаси» — FM 101. 0, «Гранд» — FM 101. 5, «Хамроҳ» — FM 102. 0, «Водий садоси» — FM 102. 7, «Ёшлар» — FM 104. 0, «Сезам» — FM 105. 4, «Орият доно» — FM 106. 5 ва бошқалар шулар жумласидандир. Таъкид жоизки, янги дастур кўшиқ намуналарини эйрплей дастурини олиб борувчи диск-жокей лар⁴ пухта ишлаб чиқилган тартибда тингловчиларга етказди ва ижрочининг янги дастурини тинимсиз реклама қилиб боради. Тарғиб қилинаётган кўшиқлар асосан ижрочининг янги дастуридаги хитлардан (ёки дастурдан ўрин олган кўшиқ) иборат бўлади. Шунингдек, радио тўлқинлари орқали тингловчиларнинг хотирасига сингдириш мақсадларини кўзлаган турли хил радиовикториналар уюштирилади. Бунга, масалан, тингловчилар билан тўғридан-тўғри телефон орқали эфирда садоланаётган кўшиқнинг муаллифлари ёки унда кўп учрайдиган сўзлар сонини аниқлаш каби шеър матнини (шу билан бирга мусиқасини ҳам) ёд олишга хизмат қиладиган радио ўйинлар мисол бўлади. Ўз навбатида голиб чиққан тингловчига тарғибуташиқ этилган хонанда ёки гуруҳнинг аудио-кассета ёки CD лаппагига муҳрланган мусиқий альбоми мукофот тарзида тақдим этилади. Бу ҳам мусиқий эстрада «маҳсулот»ларини тарғиб этиш услублардан бири эканлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, 1990-йиллар Ўзбекистон маданиятида мусиқий эстрадани телевидение ва видео техника воситалари орқали кенг оммага ёйишда клип⁵ жанри амалий ўзлаштирилди. Санъатшунос олима Н. Каримованинг фикрича: «клип — телевидение, кино, мусиқа ва информацион соҳаларга хос ифода воситаларни ўзида мужассам қилган санъат асари»дир. Юртимизда мазкур жанрнинг ўзлаштирилиши жараёнида тасвирга олиш фаолиятига асосланган бир қатор («Замин — СТВ», «Байрам», «Аtex», «Бешёғоч» ва б.) хусусий студиялар ташкил топди, бу соҳанинг малакали режиссёрлари етишиб чиқди. Пировардида

³ Хит- hit — зарб, аниқ нишонга олинган маъноларини англатади. Мусиқий эстрадада янги дастурдан ўрин олган биринчи тартиб рақамидаги кўшиқ маъносини билдиради. А. Троицкий. Поп-лексикон. //Музыкальная жизнь, №1-8

⁴ Диск-жокей — DJ [ДиДжей]— дастурни олиб борувчи.

⁵ Клип — clip — соҳа атамасида «промо-видео» дейилади. Унинг маъносида хитни тарғиб этиш учун олинган қисқа (бир кўшиқ садоланиши доирасида) видеотасвир тушунилади.

мазкур йўналиш бўйича тасвирга олинган эътиборли клиплар сони ортди, шу аснода ўзбек клипмейкер лари⁶ авлоди ҳам сараланиб қолди. Бугунги кунда мазкур жанрда ўз услубига эга бўлган Баҳодир Йўлдошев, Саъдулла Абдуллаев, Фарид Давлетшин, Дмитрий Коробкин, Эхсон Осмонов, Адҳам Усмонов каби клипмейкерлар фаолият кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда ўзбек эстрада кўшиқчилари ижодини тарғиб этишда клиплар кучли воситалардан бирига айланиб улгурди, десак муболага бўлмайди. Бунда, кўшиқ ижросини ўзгариб турувчан тасвир (визуал статик) ҳаракати билан уйғунлаштириш орқали, тингловчи идрокига таъсир ўтказиш, унинг хотирасига муҳрлаб қўйиш ҳолати муҳим ўрин тутати. Зеро, шоу-бизнес тизимидаги клип ишлаб чиқарувчиларининг кўзлаган мақсадларидан бири ҳам тингловчи (мухлис)нинг кўшиқни визуал тасвирини кўчириб олишга бўлган иштиёқини кучайтириш, унинг магнит тасма ёки CD-R (рақамли) лаппакларидаги ёзуви орқали қайта-қайта кўриш имкониятини яратишдан иборат. Кўп ҳолларда тасвирга олинган клип воситаси мусиқий эстрада жабҳасида бадиий жиҳатдан саёз бўлган кўплаб кўшиқларни ҳам хит даражасига олиб чиқишга эришди. Ҳозирда ҳатто тингловчиларнинг талабларини қондиришда аудио ёзувидаги кўшиқлар клипсиз тасаввур қилинмай қолинди. Шунингдек, махсус шоҳобчаларда турли клиплар тўплами, магнит тасмаларга тасвири туширилган концертларнинг видеоёзуви ҳамда турли CD-R (рақамли) видео лаппакларининг сотувлари ташкил этилган.

Ўзбекистон мусиқий шоу-бизнеси занжиридаги бир бўғин бўлган клип бадиий воситаси шоу-бизнеснинг барча тармоқлари (хусусан, уларни тасвирга олиш жараёни ҳозирда юртимизда мавжуд овоз ёзиш студиялар индустрияси) билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланмоқда.

Шу билан бирга, клип воситаси ўз негизда кўшиқ ҳажмида театрлаштириш ва визуал техника имониятларидан усталик билан фойдаланиб, юқорида кўриб чиқилган эйрплейлар каби тарғибу — ташвиқ ишларини ҳам бажармоқда. Мусиқий шоу-бизнеснинг мазкур тармоғи маҳсулотлари Ўзбекистон давлат телевидениеси, тижорат телевидение каналлари ҳамда махсус видеопрокатлар орқали кенг оммага тақдим этилмоқда. Ҳозирда улар телевидение каналларидаги зерикарли мусиқий теленомерлар ўрнини фаол эгаллади, десак хато бўлмайди.

⁶ Клипмейкер — clip maker — клип олишга ихтисослашган режиссёрлар.

Муסיқий шоу-бизнеснинг турли тармоқлари, йўналишлари орасида **менежер**⁷нинг вазифалари муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон муסיқий шоу-бизнесида менежернинг вазифасига қўшиқчи ёки гуруҳнинг барча ташкилий ишларини амалга ошириш, шунингдек грамёзув студиялари, гастроллар хусусида шартнома ва келишувларни амалга ошириш, продюсерларни таклиф этиш билан бирга реклама компаниясини олиб борувчи агентлар фаолиятини ташкил этиш киради.

Юртимизда шаклланиб бораётган муסיқий шоу-бизнесда менежер зиммасида хонанда ёки гуруҳларнинг асосий даромад келтирувчи йўналиши ҳисобланган турли оилавий маросимларни ўтказиш бўйича буюртмаларни олиш асосий вазифага айланиб қолган.

Сўнги йилларда жаҳон шоу-бизнесида «шахсий» менежерлар хизматларидан фарқли ўлароқ, бир вақтда кўп сонли хонанда ва гуруҳларга хизмат кўрсатадиган **менежмент компаниялари** шаклланди. Ёш ўзбек муסיқий шоу-бизнесида «шахсий» менежерлар билан бир қаторда менежмент компанияси вазифаларини амалда ўтовчи «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси фаолиятида кузатиш мумкин.

Гарчанд «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва унинг вилоятлардаги бўлинмаларининг бош мақсади ўзбек муסיқий эстрадасини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, муסיқий эстрада санъатимиздаги ютуқ ва тажрибаларни умумлаштириш, унинг тараққиёти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиш, бадий юксак асарларни тарғиб этиш кабилардан иборат бўлса-да, амалга оширилаётган ташкилий ишлари бир қадар хорижий йирик менежмент компаниялари олиб бораётган фаолиятга ўхшашдир. Хусусан, мазкур бирлашма республикамизда ижод қилаётган ёш иқтидорли қўшиқчи ва гуруҳларни кашф этиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Айтиш керакки, ўтган икки йил ичида бирлашма муסיқий эстрадамизнинг катта саҳнасига бир қатор ёш қўшиқчи ва гуруҳларни олиб чиқди. Шу билан бирга, бирлашма муסיқий шоу-бизнеснинг кучли тармоқларидан бўлган турли шаклу-шамойиллардаги тақдимотларни ташкиллашда фаоллик қилмоқда.

⁷ Менежер – manager – қўшиқчи ёки гуруҳнинг тарғиб ишларини бошқарувчиси.

Муסיқий эстрада индустриясида **продюсер**⁸ ва продюсер марказлари фаолияти муҳим тармоқлардан ҳисобланади. Маълумки, жаҳон муסיқий индустриясининг энг ёркин воқеликларидан бири-MIDEM Халқаро форуми ҳисобланади. Мазкур тадбир соҳа ижодкорлари учун жаҳоннинг нуфузли саҳналарини очиб беришдаги асосий босқичларидан бири бўлиб қолмай, балки ҳар бир хонанда ва созанда учун шоу-бизнесдаги ўзгача «эверестни забт» этишдек орзуига ҳам айланган. Ушбу форум шоу-бизнеснинг минглаб мутахассислари, жумладан, рекорд-компаниялар, продюсерлар, фестивал ва кўрик ташкилотчилари иштирокида янги «юлдуз»ларни кашф этади, замонавий муסיқанинг келажак тараққиётини бир қадар белгилаб беради.

Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган продюсерлик марказлари муסיқий эстрада ижодкорларини нафақат республикамиз, балки жаҳонга танитиш борасида маълум ишларни амалга ошироқда⁹. Шунингдек, хорижий эстрада юлдузларининг Ўзбекистонга гастролларини ҳам асосан продюсер ва продюсерлик марказлари уюштиради.

Дискотека¹⁰лар шоу-бизнеснинг яна бир муҳим тармоғидир. Айтиш керакки, оммавий коммуникацияларнинг тараққиётидан фойдаланган шоу-бизнес индустрия механизми эстрада намуналарини тарғиб қилишда ёш авлоднинг дискотека каби кўнгилочар

⁸ Продюсер – producer – муסיқий шоу-бизнес маҳсулоти, яъни янги концерт дастури, альбом, клип, CD лаптагига ёзилган альбом ёки муסיқий фестивал ва шу каби ишларни амалга оширувчи масъул шахс.

⁹ Хусусан, 2003-йилнинг январь ойида Канн (Франция) шаҳрида бўлиб ўтган MIDEM Халқаро форумида эстрадамизнинг умидли ёш ижрочиси, «Ниҳол» мукофоти совриндори Карен Ғофуржонов ва «Ғули-Бону» продюсерлик маркази илк бор иштирок этди. Жаҳон шоу-бизнесининг ётақчи компаниялари намоёндаларидан ташкил топган махус комиссия юртдошимиз чиқишини юқори баҳолади. Натижада Карен Ғофуржонов Германиянинг «Unlimited Classics» компанияси «Буюк ипак йўли» деб ном олган CD лаптагига иккита кўшигини, Калифорниянинг «IRL» фирмаси яққохон CD лаптагини ва ниҳоят 2004 йилнинг октябр ойида Лос-Анжелесда ўтказиладиган фестивал-танловининг «Этно-поп-ижрочи» номинацияси бўйича иштирок этишга тақлиф этилди.

¹⁰ Дискотека – discotheque – кафе ва клубларда механик ёзувдаги оммабоб муסיқа намуналари воситасида ёшлар тингловига хизмат қилиш шакли бўлиб, диск-жокей томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида рақсбоп муסיқа намуналаридан иборат бўлади. Одатда дискотекаларда турли ёритиш эффектлари, слайдларни намоён қилиш ва б. қўлланилади. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2002, III жилд, 316 б.

«макон»ларини яратишга эришди. Эндиликда махсус аппаратура, ёритиш манбалари ва бошқа техник воситалар ёрдамида ўтказиладиган ёшларнинг маиший хордиқ чиқариш дискотекалари ҳам шоу-бизнес индустриясига хизмат қиладиган бўлди.

Дастлаб Фарба шаклланган дискотека феномени ўтган асрнинг 70—80-йилларидаёқ собиқ иттифоқ худудига, шу жумладан, Ўзбекистон маданий муҳитига ҳам кириб келган эди. Аввалларига вокал-чолғу ансамбллари жўрлигида, сўнгра магнит тасма ҳамда грампластинкадаги ёзувлар асосида ташкил этилган дискотекалар асосан хориж ва иттифоқда таниқли гуруҳ ҳамда хонандаларнинг қўшиқ ижролари остида ўтказилган. Бундай шароитдаги дискотекалар айтарли даражада қониқарли даромад келтирмади. Диско йўналишининг амалий жорий қилиниши ҳамда махсус катта реклама компанияси асосида экранларга «Шанба тунидаги алахсираш» («Лихорадка субботней ночи») номли кинофильмининг чиқиши дискотекаларнинг ижтимоий мақомига таъсир кўрсатди ва катта даромад келтирувчи тармоққа айланишига хизмат қилди.

Ўзбекистоннинг янги давр мусиқа маданиятида дискотекалар фаолияти давом эттирилди ва ўзига хос таснифий сифатларга ҳам эга бўлди. Авваллари шўро мафкураси назоратида ўтказилаётган дискотекалар бугунги кун бозор иқтисодиёти шароитида шаклланган шоу-бизнеснинг бир тармоғи сифатида эстрада намуналарини омма, айниқса ёшлар онгига сингдиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек ҳозирда «Кўнгилочар муассасаларда бадиий хизмат кўрсатиш (концерт-томоша фаолияти)» каби фаолиятларни юритувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан Тошкент шаҳрида бир қатор дискотекалар очилди. Булар орасида «Оловуддин», «Папирон», «Das-klub», «Алигатор», «Империал», «Жулиана» каби дискотекаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Айтиш керакки, қайд этилган дискотекалар зарурий техник жиҳозлар, замонавий овоз кучайтиргич техникаси, мусиқий намуналарни хотирасида жамлаган компьютер ва турли ёритиш ускуналари билан жиҳозланган. Мазкур дискотекаларда ёшлар асосан Фарб ва Шарқ мусиқий эстрадасининг масъулияти чекланган хитлари асосида рақсга тушиб «хордиқ» чиқармоқда. Шу билан бирга, уларни ўзбек мусиқий шоу-бизнесига хизмат қилиш чора-тадбирлари ҳам қўлланилмоқда. Хусусан, сўнгги йиллар дискотека дастурларида мусиқий эстрадамининг таниқли

хонанда ва гуруҳлари, (жумладан, «Шаҳзод», «Байрам» гуруҳлари, хонанда Лариса Москалёва ва б.) иштирокида «академик концерт»лардан ҳоли, яъни қўшиқларни эркин тарзда ижро этиш услуби жорий этилмоқда. Бу йўналишда ҳам шоу-бизнеснинг ўзига хос «сиёсати» олиб борилаётгани равшан бўлади.

Демак, шоу-бизнеснинг асосий вазифаларидан бири-ёш истеъдодли қўшиқчиларни катта саҳналарга олиб чиқиш, уларнинг янги қўшиқларини тарғиб этиш, кенг омма онгига сингдиришдан иборат экан. Хўш, шоу-бизнес хонанда ва гуруҳлар ижодига қандай таъсир ўтказмоқда?— деган савол туғилади. Айтиш керакки, бу жараёнда биринчидан, хонанда ва гуруҳларнинг рейтингларини сақлаб қолиш масаласи қўндаланг турса, иккинчи томондан — иқтисодий даромад келтириш мақсадлари назарда тутилади. Чунки шоу-бизнеснинг барча тармоқлари бўйича мунгазам чиқишлар уюштириш ишлари кундалик заруратга айланади. Шунга кўра мусиқий эстрадачилар юқорида қайд этилган тармоқлардан ташқари яна ижтимоий маданий ҳаётда янги концерт дастурлари билан доимий қатнашишлари лозим бўлади.

Масалан, яқин ўтмишимизда пешқадам бўлган «Ялла» эстрада ансамбли 1980-йилларда (яъни ун йил ичида) бор-йўғи иккита театрлашган томоша дастурини («Яллама-ёрим» 1984 й., «Мусиқали чойхона» 1987 й.) тайёрлаган бўлса, янги давр мусиқий эстрадасининг юлдузи Ю. Усмонова 1990-йиллар мобайнида қарийб ҳар йили янги концерт дастурларини намойиш қилди. Бу ҳолат деярли барча етакчи эстрада хонандалари ва гуруҳлари фаолиятида кузатилади, чунки шафқатсиз шоу-бизнес шуни тақозо этади. Табиyki, «харидоргир» мусиқий маҳсулотларни оммага етказиб бериш йўлида ҳар бир хонанда ёки гуруҳ ўзига хос «муаммоларга» дуч келади. Бу муаммолар алоҳида тадқиқот мавзуйи сифатида атрофлича ўрганилиши керак.



САНЪАТ ТАРИХИ ВА МЕЪМОРАЛИК

Э. Ртвеладзе

О раннесредневековых монетах Чача

П. Захидов

Макомы Хаттои в архитектуре Самарканда

Э. Исмаилова

*Большая ханская охота в двух
темуридских диптихах*

М. Юсупова

Садово-парковые ансамбли Бухарского оазиса

В. Лунева

*Ювелирные изделия оседлого и кочевого
населения южных областей Средней Азии
(III—II тыс. до н. э.)*

Н. Шагалина, Г. Никитенко

*Терракотовая пластика, как явление
религиозно-идеологического воззрения
и искусства (на примере Средней Азии)*

О РАННЕСРЕДНЕВЕКОВЫХ МОНЕТАХ ЧАЧА

Для определения последовательности выпусков и датировки отдельных групп раннесредневековых монет Чача использованы стратиграфические данные, совместные находки в кладах с точно датированными монетами, палеографические особенности легенд, а также исторические данные. Основываясь на этом комплексе датирующихся признаков можно полагать, что все анализируемые группы монет чеканились в пределах середины VI — середины VIII вв. н. э., хотя нижняя граница их чеканки не совсем ещё ясна. Она определяется свержением эфталитского господства в Чаче, произошедшим в начале 50-х гг., VI в. н. э. Вероятно, после этого в Чаче и других владениях, к примеру в Кабарне, начинают чеканиться монеты второй, третьей и четвертой групп, имеющих на лицевой стороне погрудные изображения правителей, а на оборотной стороне — различного рода династийные знаки — тамги, в согдийских легендах которых указаны имена правителей восточноиранского происхождения — Йазатпир, Пирак, Шанибаг, Кавирадн, Вийартфарнук и другие.

Ўтган даврда турли объектив ва субъектив сабабларға кўра, тадқиқот объектиға муносабат турлича бўлди. Хусусан, собиқ шўро давридаги адабиётларда улар аксар танқид остиға олинган бўлса, сўнгги ўн йилликларға келиб улардан асосан ижобий сифатлар излаш билан кифояланилди. Давр тақазосиға кўра юзаға келган ҳолатларни қораламаган ҳолда галдаги вазифа жадидчилик ҳаракати томонидан амалға оширилган ишларға объектив баҳо беришға бориб тақалади. Зеро, жадид театрининг мақтовға лойиқ намунавий жиҳатлари билан бирға, муайян ожизликлари ҳам бор. Абдулла Қодирий таърифи билан айтганда, «Ҳар бир ишнинг ҳам янги – ибтидоий даврида талай камчиликлар билан майдонға чиқиши, аҳилларнинг етишмаклари ила аста-секин тузалиб, такомилға юз тутиши табиий бир ҳолдир».

Жадидчилик ҳаракатининг саҳна санъатидаги ўрнини белгилашда уларнинг асарлари асосида саҳналаштирилган спектакллар таҳлили билан чегараланилса, бу ҳаракат моҳиятини тўла тасаввур этиш мушкул бўлади. Ушбу ҳаракат намояндаларининг асарларини уларнинг ижтимоий фаолияти ҳамда етакчи мафкура талаблари билан бақамти тадқиқ этиш бу оқимнинг саҳна санъатидаги ўрнини яхлит тасаввур этишға имкон беради. Галдаги вазифа жадид театри фаолиятини кенг қамровда ўрганишдан иборат. Етакчи жамоалар ва уларнинг намояндлари билан чегараланмасдан, ноҳақ унутилган саҳна жонкуярларининг номларини тиклаш ва уларнинг тарихдаги ўрниға аниқлик киритиш ҳам театршунослик илмидаги вазифадир.

Шунингдек, жадид театрини ўрганишда қуйидаги муаммоларга эътибор қаратиш лозим кўринади:

- жадид драматургиясининг жанр ранг-баранглиги солиштира-қийёсий таҳлил асосида ўрганилиши;
- жадид театри поэтикаси, хусусан драматик асарлар ва уларнинг саҳнадаги инъикосида жанрлар табиати, спектаклларда қўлланилган рамзларнинг кўп қатламли табиати;
- саҳна асарларидаги макон ва замон муаммолари;
- саҳналаштириш услуби ва воситалари.

Бундай ёндошув саҳна санъати тарихини янгитдан баҳолаш, шу билан бирга унинг назариясини ва муайян театр жамоаси ва ижодкори бадиий олами тарҳини яратиш учун янги хулосалар ва қоидаларни келтириб чиқариши мумкин. Зеро, тарихнинг объектив баҳосини бериш келгусида яратиладиган янги илмий тадқиқотлар учун замин бўлади.

ЎЗБЕК ТЕАТРИДА ҒАРБ МУМТОЗ ДРАМАТУРГИЯСИ: ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИН МУАММОСИ

Ҳар қандай театр репертуари қанча бой ва ранг-баранг бўлса, дам-бадам мумтоз драматургияга мурожаат этиб турса, шунча маҳорати ошган, ривожланган ва томошабинлари орасида обрў-эътибори баланд бўлади. Бу қонуниятни умуман ўзбек театри, жумладан Миллий академик драма театри тарихий тараққиёти яққол исботлайди.

Айниқса, Миллий театр, унинг актёрлари ва режиссёрлари камолотида ғарб мумтоз драматургияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган: биринчидан, мумтоз асарларни саҳналаштириш ҳар бир даврнинг жамият олдига қўйган саволларига жавоб берган; иккинчидан, ҳар қачон янги бадиий ечимлар ишга солиниб, мавзу ва образлар янги талқин этилиб, режиссура, актёрлик маҳоратининг ошишига, рассомнинг расмана сценографга айланишига олиб келган, учинчидан, янги талқинда юксак маҳорат билан саҳналаштирилган мумтоз асар охир-оқибат томошабинларнинг маданий-эстетик савиясининг юксалишига, ақл-идрок ҳис-туйғуларининг бойишига хизмат қилган.

Миллий академик драма театри мустақиллик даврида ҳам ўзининг мумтоз драматургия борасидаги ижодий изланишларини давом эттириб келмоқда. Буни биз сўнгги йилларда саҳналаштирилган Уильям Шекспирнинг «Қирол Лир» (1999, режиссёр С. Каприелов), «Гамлет» (2003, режиссёр Т. Азизов), «Ёз туни ғаройиботлари» (2004, режиссёр А. Хўжақулиев), Готфольд Эфраим Лессингнинг «Донишманд Натан» (2003, режиссёр А. Хўжақулиев), Алехандро Кассонанинг «Етти фарёд» (1998, режиссёр Т. Азизов), «Дарахтлар тик туриб жон беради» (2005, режиссёр В. Умаров) асарларида яққол кўрамыз.

У. Шекспир асарлари Миллий театр саҳнасида ҳар бир даврда қайта баҳоланиб, томошабин ҳукмига ҳавола этилади. Зеро режиссёрлар чуқур эҳтирос, кучли драматизм билан йўғрилган Шекспир драматургиясидан, хусусан, трагедияларидан кўпроқ долзарб умуминсоний қадриятларни, кўпчиликни ташвишга солган ғояларни топишга ҳаракат қиладилар. Шундан келиб чиқиб,

Шекспир асарлари доимо замонавий, деган хулосага ҳам келиш мумкин. Аммо унинг замонавий талқини қай йўсинда таркиб топади? Замонавий талқин академик услуб сақланган ҳолда режиссёр ва актёрларнинг бадиий образ яратиш ва стилистик умум бўлган рассом ва бастакор иши борасида кўрсатилиши керакми ёки услублар ранг-баранглиги ва усуллар кўламининг кенглиги билан ўлчанадими?

Шекспирнинг «Қирол Лир» асарини олайлик. Ёлғиз қолган ота, бемехр қизлар, аёвсиз тақдир. Асар турмуш кечинмаларидан қочишга ҳаракат қилган, қариган чоғида меҳрибон жигарбандлари қабатида умр кечирмоқни истаган ота тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Режиссёр С. Каприелов ана шу ғояга таянган ҳолда асар марказига ўз ҳукмдорлигидан чарчаган, оддий инсоний меҳрга чанқоқ қария отани олиб чиқади. Қирол Лир — Т. Азизов ижросида инсоний муҳаббатга чанқоқлигидан қизларига ўз муҳаббатларини ўлчов билан баҳолаб беришлари, сўнгра шунга қараб уларга ота меросини бўлиб бериш ниятини айтади. Спектакл бошиданоқ асарнинг марказий ғояси — таҳликали вазиятдан дарак берувчи мусиқа, инсон ва тақдир ўртасидаги курашни кўрсатувчи тасвирий-иллюзорик декорация томошабинлар диққатини тортади. Рассом Б. Исмоилов сахна ўртасидаги чархпалақдан воқеалар ривожини давомида бу дунёнинг ўткинчи эҳтирослари, қайтар дунё, оҳират, Қирол Лир тақдири ифодаси сифатида фойдаланган. Бастакор Алишер Икромовнинг драматизм ва қалбан ҳис қилинадиган мусиқаси суронли воқеаларга ҳамоҳанг бўлиб, асар конфликтини янада чуқурроқ сезишга мажбур этади. Режиссёр С. Каприелов рассом ва бастакор топилмаларидан ўз ўрнида фойдаланган. Аммо шу билан бирга қизлар ва ота ўртасидаги муносабатни янада кескинлаштириш ўрнига сустлаштириб юборган ва бу асар конфликтини бўшаштириб қўйган. Лир атрофидаги кишилар унинг юрак дардига, изтиробларига бефарқ кўринишади, ижрочилар аксарият ҳолларда сўзларни қуруқ талаффуз қилиш билан чекланишади. Яъни режиссёр рассом ва бастакор даражасида ишламаган.

«Ҳамлет» асарининг талқинида эса режиссёр Т. Азизовнинг бутун тажрибаси, Шекспир асарларининг чуқур ўрганиш натижасида орттирилган аналитик мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Режиссёр Ҳамлетни кинояли, қочирим гапларга уста, эркин ва муросасиз ҳаракатли, телбанамо, аммо кузатувчанлик

хусусиятига эга инсон қилиб тасвирлаган. Ҳамлет – Т. Саидов ижросида адолатсизлик ва тубан ҳаётга қарши курашувчи, аввал кузатиб, сўнг курашга ташланувчи шаҳзода. Режиссёр Ҳамлетни нафақат отаси қасосини олиш, балки золим ҳаёт, аёвсиз тақдир билан якка олишувчи инсон сифатида гавдалантиришга ҳаракат қилган. Саҳна ўртасида қиролича тўшаги. Тўшак ҳам тахти равон, ҳам томоша кўрсатиладиган майдон, ҳам Офелиянинг отаси ўлдириладиган қонли жой. Рассом Б. Тўраев маҳобатли меъморлик обидасини эслатувчи қаср образини олиб, фалсафий-аллегорик унсурларга бой сценография яратган. Тўшак устидан босиб ўтиб кўрсатиладиган мизансаҳналар ҳар дақиқа она ва амакининг гуноҳидан дарак бериб туради. Ҳамлет отаси арвоҳининг пайдо бўлиши ҳам тўсатдан, таҳликали қилиб кўрсатилган. Арвоҳ бирдан театр саҳнасининг ён тарафида проектор нури орқали катталаштириб кўрсатилади. Томошабинни ваҳимага солиб турувчи оғир, тушкун кайфият уйғотувчи мусиқа мусиқий-безакчи Камолиддин Алимов хизматидир. Умуман олганда, «Ҳамлет» спектакли анъаналарнинг давомийлигини яна бир бор тасдиқлайди. Режиссёр-рассом-мусиқа-безакчиси учлигининг ҳамкорлиги спектаклда яхши натижа берган.

Шекспирнинг комедик асарлари ўзбек театрларида кам саҳналаштирилган. Бунга сабаб, биринчидан, комедик асарларнинг театр ичидаги театр услубида ёзилганлиги бўлса, иккинчидан, асарларнинг деярли барчаси аллегорик маъжозий унсурларга бойлигидан, деб ўйлайман. Замонавий талқинда уларни акс эттириш қийин кечади. Режиссёр А. Хўжақулиевнинг Шекспирнинг «Ёз туни фаройиботлари» спектаклини саҳналаштириши катта жасорат. У айнан маъжозий унсурлар билан ишлашни, рамзий маъно ташувчи вазиятларни, эртакона руҳ пайдо қилишни яхши кўради. Режиссёр воқеалар ривожини ўрмонга жойлаштиради. Бош қаҳрамонлар тўрт ёш – Лизандр, Гермия, Деметрий, Елена образларига таянган ҳолда Шекспирнинг метафорона кўрсатилган ўйинини очиб беришга ҳаракат қилади. Саҳна ўртасида ярим юрак шаклида осма ётоқ. Саҳна бўйлаб болалар аргимчоқлари, турли қуш уясига ўхшаш ускуналар, юраклар шаклидаги пар ёстиклар сочиб ташланган. Ёшларнинг ўзаро муҳаббат, эҳтирос, ҳис-туйғуларининг чегараси йўқ. Режиссёр А. Хўжақулиевга хос экспериментал, керак бўлса, авангард талқин – анъаналарга ўрганиб қолган ўзбек театри учун экстримал спорт сингари қўрқинчли туюлар. Аммо бу йўсиндаги талқин ҳам бошқа

йўналишлар каби яшашга ҳақли. Рассом М. Сошина ва бастакор Алишер Латифзода ҳамкорлиги яққол кўзга ташланади. Икки ҳамфикр асарнинг стилистик оқимини яхши англагани, унинг кўтаринки руҳдаги комедик вазиятларига турли баҳо бера олгани аниқ.

А. Хўжақулиев режиссураси маҳсули сифатида «Донишманд Натан» асарини ҳам кўрсатишимиз мумкин. Асар Г. Э. Лессинг томонидан 1779 йилда яратилган бўлиб, унда инсоний муносабатлар, умуминсоний қадриятлар, умумбашарий ғоялар яққол акс эттирилган. Режиссёр актёрлар олдига жуда мушкул вазифани кўйган, яъни сахнадаги сахна, спектаклдаги спектакл вазиятида ишлашга мажбур этган. Асар бошидан актёрлар ўз образлари қиёфаларига кириб, сахнанинг ўзида кийиниб, асар руҳи ва бадиий ечими ғоясига сингишлари лозим. А. Хўжақулиев режиссураси антиқа бўлиб, ўзбек анъанавий театри услубига ҳам, европа шаклидаги театр анъаналарига ҳам тўғри келмайди. Спектаклдаги рамзий етти рақами, турли диний мазҳабларнинг тимсоллари, сахна турига жойлаштирилган оқ девор ва ундаги дин белгилари – булар барчаси фалсафий-аллегорик рамзий умумлашма, шартли-метафорона усулларнинг нақадар бирлашиб кетганлигидан далолат беради. Рассом Марина Сошина ва бастакор Алишер Латифзода сценография ва мусиқани бир нуқтага – Натан тақдири орқали бутун инсоният тақдирини белгиланишига, инсоният қанчалар уринмасин, бир худо паноҳида юрганлиги ишорасига қаратган. Натан образида Ж. Зокировнинг нақадар кучли, вазмин драматик актёр эканлиги яна бир бор кўзга ташланди. Натан руҳи пок, қалби тоза, инсоний туйғуларни юракбағридан ҳис қила оладиган одам. Асар марказида инсон ва унинг қай динга сажда қилмасин, авваламбор, одам эканлигини англатиш ётади. Тўғри, спектакл таркиби мураккаб, бир кўришда қабул қилиш оғир. Унга тайёргарлик кўриб келиш лозим. Яъни томошабин салоҳиятли (интеллектуал) бўлиши керак. Ўшанда сахнавий талқинда замонанинг долзарб саволига жавоб топади.

Александро Кассона замондош адиблардан. Шунга қарамай, унинг асарларидаги ғоялар умуминсоний қадриятларга боғланиб, гўё бир неча асрлар олдин куйланган бадиий образларни ёдга солади. Режиссёр Т. Азизовнинг 1998 йилда сахналаштирган «Етти фарёд» спектакли воқеаси жуда оддий, бир кема палубасида бўлиб ўтади. Психологик драма услуби асарда кема ҳалокатга учраши аниқ бўлганидан сўнг, етти қаҳрамоннинг тавба-тазарруси билан

белгиланган. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўз ҳаёти давомида қилган яхши ва ёмон ишлари, гуноҳ ва савоблари гўё бир тарозига солиниб томошабин ҳукмига ҳавола қилинади. Рассом А. Зиновьев оддий ва бир қадар зерикарли саҳна декорациясини бажарган. Кема палубаси ва унга тегишли атрибутлар саҳнани тўлдирган. Мусиқа ҳам шунга монанд. Тасвирий-иллюзорик услуб рассомнинг режиссёрлик ечимидан келиб чиққан, деган хулосага келиш мумкин. Зеро, режиссёрнинг бир вақтнинг ўзида, бир жойда статик шаклда қаҳрамонларнинг мизансаҳналарини жойлаштириши шундан далолат беради.

Александро Кассонанинг асари асосида «Дарахтлар тик туриб жон беради» деб номланган спектакл режиссёр В. Умаров томонидан саҳналаштирилган. Асар марказида икки қария. Ягона набиралари учун жон куйдириб, бутун орзу-армонларини шу набиралари орқали амалга ошириш ниятида бўлган муштитар аёл образи асар моҳиятини белгилайди. Чуқур драматизм, меҳр-шафқат туйғуларини уйғотадиган спектакл режиссёр В. Умаров маҳоратидан далолат беради. Спектаклнинг яна бир таҳсинга сазовор жиҳати ундаги кекса ёшдаги актёрлар ансамблини ишлатилиши, уларнинг маҳорат мактабларини намоиш қилинишида кўринади. Рассом О. Белогужева гарчи спектакл декорацияларини ўзгарувчан, воқеалар ривожига кўра ҳаракатчан қилса-да, 50-йилларнинг театр-декорацияларига хос атрибутлар билан тўлдирган. Мусиқий фон сифатида машҳур бастакор Э. Мариконининг «Америкада бир кун» фильмидаги куй ишлатилганлиги томошабинга эриш туюлади. Режиссёр В. Умаров бу жиҳатларини ҳам эътиборга олиши лозим эди.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кун ўзбек саҳнасида саҳналаштирилаётган ғарб мумтоз асарларининг замонавий талқинида услубий ранг-баранглик танқислиги яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида ғарб мумтоз асари мутлоқ академик анъаналарнинг давомийлигини таъминловчи, ёинки унинг акси, авангард услубларида талқин қилинмоқда. Бир пайтлар конструктивизм, натурализм, формализм услублари қораланиб, таъқибга олинган воситалари эндиликда ўзбек саҳналарида бемалол иш кўриши мумкин. Афсуски, бу услублар ишлатилмай келинмоқда. Иккинчидан, Миллий театр репертуари фақат Шекспир, Лессинг, Кассона асарлари билан чекланмай, ғарб драматургиясининг бошқа қатор асарларини ўзлаштириш билан ҳам шуғулланиши лозим. Учунчидан, режиссёр-рассом-бастакор учлиги ғарб асарлари

талқинида мукаммал ансамблни ташкил қилган ҳолда ишлаши зарур. Зеро, режиссёр замонавий руҳга мос, замонавий муҳитга табдил қилинган, миллий анъаналарни киритган ҳолда талқинни таъминлаши, рассом ўз навбатида тасвирий-иллюзорик декорациялардан чекиниши, бошқа услуб ва усулларни қўллаган ҳолда иш кўриши, бастакор асарга машҳур мусиқий фонни кўйиш билан чекланмаслиги, асар руҳиятига хос бўлган, ўйга толдирадиган, керак бўлса, образлар руҳий кечинмаларини аниқ ифодалай оладиган янги мусиқий асар яратиши лозимдир. Юқорида таҳлил қилинган асарлар шуни кўрсатадики, мумтоз асарларни замонавий талқинларда тўлақонли кўрсатиш учун Миллий академик драма театри ҳали кўп иш қилиши керак. Аммо қандай бўлмасин, ғарб мумтоз драматургиясининг ўзбек саҳнасида ҳар янги талқини катта ижодий жасорат. Айниқса, бугунги ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда мумтоз асарларни мунтазам саҳналаштириб туришнинг аҳамияти катта.

КИНО И ВРЕМЯ

Узбекское художественное кино последних четырнадцати лет развивалось в новых исторических условиях, когда утвердились идеи демократии и независимости Узбекистана. Оно не могло как искусство не реагировать на происходящие в обществе важные перемены исторического характера. Время во всём своем своеобразии преломилось в художественных фильмах 1991–2004 гг.

Кинопроцесс этих лет довольно чётко делится на два периода: 1991–1996 гг. и 1997–2004 гг.

Число фильмов игрового кино первого периода значительно. Это свидетельствует о том, что несмотря на самые разные организационные, административные преобразования, начавшиеся в узбекском кинематографе после 1991 г., производство на студии «Узбекфильм» не остановилось. И главной драматургической концепцией фильмов указанных лет стало заметное углубление во внутренний мир героев.

Вокруг киноискусства жизнь в обществе в указанные годы, первые годы независимости, была насыщена важными событиями, присущими переходному периоду от одной социально-политической системы к другой. Радио, телевидение, пресса пестрели сообщениями о происходящих в республике событиях.

А в художественных кинофильмах, в их сюжетах главенствовал мир личных переживаний, отнюдь не связанных с современной действительностью. И это можно понять, поскольку искусство в переломные моменты истории, не успевая осваивать меняющуюся ситуацию в общественных отношениях, углубляется в темы, в героев, которые дают ему лишь возможность выжить. И узбекское художественное кино не было исключением. В 1991–1996 гг. в нём на первый план выдвигаются темы одиночества человека, который страдает, «во сне горько плачет», темы греха и вины, просто любви и связанных с ней переживаний. В этих фильмах ощутимо настроение меланхолии. Таковы, например, «Тайна папоротника», «Полночный блюз»

Р. Маликова, «Во сне я горько плачу» С. Назармухамедова, «Вокруг всё засыпано снегом» К. Камоловой, «Грех» Ф. Файзиева и др.

Широкое распространение в указанные годы получила, как и в театре, комедия, большей частью бытовая, которая основывалась либо на абсурдных событиях («Железный мужчина» И. Эргашева), либо на парадоксальных фактах («Бомба» З. Мусакова), либо на игре слов героев, говорящих на известном только им диалекте («Шариф и Мариф» И. Эргашева) и т. д. Эти и другие фильмы любимого зрителем жанра, став фактом творческой биографии их постановщиков, не оставили особого следа ни в развитии самой комедии, ни кинопроцесса в целом.

Производство на «Узбекфильме» не остановилось, но забуксовал кинопроцесс. И если вспоминать об этих годах, на память приходят два фильма: «Абдуллажон или посвящается Спилбергу» (1994 г.) режиссёра З. Мусакова и «До рассвета» (1995 г.) режиссёра Ю. Азимова. Оба фильма отличаются серьезностью замысла, идейным содержанием сюжета, чёткой композицией, выявляющей их главный замысел, ясно выраженной авторской позицией режиссёров, что очень важно было для этих непростых фильмов.

З. Мусаков в своём фильме по собственному сценарию поведал о мальчике-инопланетянине, оказавшемся в узбекском кишлаке. Глазами маленького героя была показана жизнь кишлака, традиции узбекского народа, а через доброе отношение людей к нему раскрывалась душа народа.

В фильме «До рассвета» суровыми реалистическими красками показана жизнь узбекского кишлака до 1991 г. На судьбе одной семьи раскрывалась атмосфера их бытия, где царил вседозволенность власти, держащая в страхе людей. А само название фильма говорило о главном замысле режиссёра — поведать правду жизни в период господства Системы.

Узбекское художественное кино 1991—1996 гг. в определенной мере было идиллическим, в целом далеким от современной реальности. Хотя производство игровых фильмов не остановилось, они фактически не дошли до широкого зрителя, ибо в эти годы тяжелые потери понес прокат из-за хозяйственной неразберихи в кинематографе. Ситуация складывалась в нем архисложная и Указ

Президента Узбекистана И. А. Каримова от 29 апреля 1996 г. о создании государственно-акционерной компании «Узбеккино» направил всю работу в кино в определенное русло. Пошел процесс реорганизаций, осмысления и определения путей претворения в жизнь Указа. Всё это заняло определенное время, и потому в 1997 г. был создан лишь один фильм — «Маргиана» режиссёра Х. Файзиева.

Борьба за свободу, благоденствие народа, за искусство, правдиво повествующее о жизни, — эти идеи, реализованные в сюжете и образах героев фильма, были созвучны событиям, протекавшим в республике. «Маргиана» положила начало созданию исторических фильмов с новых идеологических позиций. Этот фильм оказался в начале второго периода — периода независимости художественного кино 1997–2004 гг.

Новизна этих лет в игровом кино республики заключалась в том, что оно повернулось к современности. Темы, идеи, образы фильмов диктовались реалиями времени. Фильмы 1997–2004 гг. заложили прочные основы в концептуальном изменении художественного кино. Они определили приоритеты его дальнейшего развития.

Одним из таких приоритетов стало возвращение народу и кино искусственно преданных забвению имен великих предков. И фильмами, несущими в себе эту благородную функцию, стали «Великий Амир Темура» (1998 г.) режиссёров И. Эргашева и Б. Садыкова и «Алпомиш» (2000 г.) Х. Файзиева.

Сюжет фильма «Великий Амир Темура» проникнут идеей борьбы за свободу, независимость, идеей единства государства, т. е. был созвучен времени. В фильме показан начальный период государственной деятельности Темура — борьба с монголами, закончившаяся благодаря его военному таланту победой.

Новым тематическим направлением в игровом кино стало осмысление «недавнего прошлого». Закончилось его огульное отрицание. Пришло время по мере возможности его серьёзного анализа. Одним из первых фильмов этой тематики стало эпическое полотно-фильм «Долина моих отцов» (1998 г.) Ш. Аббасова. На примере одного рода в фильме рассказано о вековой истории узбекского народа, с присущим Ш. Аббасову мастерством.

О том времени поведали и два фильма режиссёра Ю. Разыкова «Оратор» (1998 г.) и «Товарищ Бойкенжаев» (2002 г.). В «Ораторе» события охватывают 1917–1937 г., во втором – время «застоя» (конец 1970-х и начало 1980-х гг.). «Оратор» по жанру – драма, второй фильм – социальная комедия. В обеих картинах в судьбах героев преломилось само время, в которое они жили. Они, по существу, стали «винтиками» машины-Системы, без которых она просто рухнула бы, сломалась. Попытаться понять, как же они появлялись, эти «винтики», поведать о них без всякого сарказма, но серьёзно и с пониманием – в этом состояла сверхзадача этих ярких работ Ю. Разыкова.

Советский период истории узбекского народа входит и в другие фильмы, как драматургическая линия в сюжете, объясняющая судьбы и жизнь героев сегодня. Таковы фильмы С. Назармухамедова «Память» (1998 г.), С. Акбарходжаева и А. Исмаилова «Судьба» (1999 г.). В них противопоставление прошлому современной жизни героя в новых исторических условиях открыто утверждало новую идеологию свободы и независимости, что характерно для немногих пока исторических фильмов: «Минувшие дни» (1998 г.) М. Абзалова и Х. Файзиева, «Ёдгор» (2003 г.) Х. Насимова, «Тюльпаны на снегу» (2003 г.) А. Шохобиддинова и Е. Туйчиева.

Основную продукцию «Узбекфильма» сегодня составляют фильмы о современности. Они представлены двумя разными ее решениями.

С изменением исторической ситуации, когда национальные приоритеты обрели реальную силу, создаются фильмы («Чимилдик» – 1999 г. М. Абзалова, «Чаёнгул» – 2000 г. С. Назармухамедова, «Дилхирож» – 2001 г. Ю. Разыкова), которые своими чисто национальными сюжетами поднимали важные во все времена для узбекского народа вопросы этики и морали.

Чтобы создавать фильмы о текущей за стенами студии жизни, кинематографистам необходима зоркость взгляда, умение отделить второстепенное от главного, перспективного. Этот сложный творческий процесс носит сугубо индивидуальный характер, и потому фильмы на современную тему отличаются жанрами, богатством стилистических решений.

В фильме «Феллини» Н. Аббасова современность — узбекское кино, трагедия Арала, жизнь простых работников кино — киномехаников показана не только через конкретный сюжет и образы, но и через определенные иносказания, абстракции, изобразительные метафоры.

В фильмах З. Мусакова «Маленький табиб» (1998 г.), «Мамочка» (2001 г.), Е. Туйчиева «Небесные мальчишки» (2002 и 2003 гг.), «Вслед за мечтой» (2004 г.) возникает галерея образов современной молодёжи разного возраста, но одного поколения, живущего в новых условиях независимости. Нравственная чистота героев служит в этих фильмах камертоном, определяющим мир взрослых.

Постепенно узбекское художественное кино подступает к созданию фильмов сложной проблематики и одновременно передающих реалии времени. Наличие этой тенденции подтверждают такие фильмы, как «Великан и коротышка» (2003 г.) Дж. Касьмова и «Эркак» («Девичий пастух») (2004 г.) Ю. Разыкова. В этих фильмах показана реальная жизнь как в образах героев, так и в мельчайших деталях, передающих атмосферу их бытия. Обе кинокартины насыщены социальными мотивами, правдиво рассказывающими о современной жизни. Они продемонстрировали освоение сложного жизненного материала кинематографическими средствами. Если в первом фильме возникает панорама современной городской жизни, то во втором — сельской.

Узбекское художественное кино последних лет в фильмах разной тематики, разных жанров, в разной кинематографической форме стремится передать реалии нашей современной жизни. И уже этот факт свидетельствует о стремлении кинематографистов участвовать в происходящих исторических переменах в жизни народа.

Многие фильмы участвовали в самых разных кинофорумах, фестивалях, достойно представляя нашу республику. Но это не значит, что в художественном кино нет проблем. Не получило своего развития детское кино. Слабо развиваются традиции анимационного кино. И, наконец, отсутствие проката, мизерное число копий фильмов не позволяли решить самую важную проблему — доведение до зрителя создаваемых фильмов.

Реальное положение в кино требовало перемен. И они начали осуществляться благодаря Указу Президента Республики Узбекистан

И. А. Каримова от 16 марта 2004 г. «О совершенствовании управления в сфере кинематографии» и Постановлению Кабинета Министров республики от 17 марта 2004 г. «Об организации деятельности национального агентства «Узбеккино».

В этих поистине исторических документах предусмотрены все стороны дальнейшего развития и функционирования узбекского кинематографа. В них определены конкретные задачи кино: «отражение происходящих перемен и реальных достижений на пути строительства в стране свободного демократического общества, сущности идеи национальной независимости».

Узбекскому кинематографу, в том числе и художественному кино, предоставлена уникальная возможность, сохраняя свои лучшие традиции, накопленный опыт, достойно выполнять возложенные временем задачи и радовать зрителей новыми интересными произведениями.

МУЛЬТФИЛЬМ ДРАМАТУРГИЯСИ (Ўзбек мультипликация фильмлари драматургияси мисолида)

Кўриш ва эшитиш қонун-қоидаларига мўлжалланган кино санъатининг адабий асоси — сценарий ҳозирда бутунлай янги, тугал ва мустақил бадиий жанр ҳисобланади. Тўлақонли сценарийга бўлган талаб, айниқса, кино — санъатнинг мустақил турига айланган пайтдан бошланади.

Сценарийнинг асосий қонунларидан бири — воқеа, ҳаракатнинг томошабин кўз олдида ривожлана бориши. Яъни, воқеа «ҳозирги замон»да тасвирланади. Бу жиҳатдан сценарий драмага яқин. Лекин саҳнада жонли актёр ўйнаса, фильмда — аниқ макон ва актёрларнинг тасвири, акси кўрсатилади.

Сценарийнинг яна бир ўзига хос хусусияти — бир вақтнинг ўзида параллел воқеаларни кўрсата олиш. Кинода драма ва саҳнадаги доимийлик иллюзиясини, макон бирлигини қўллаб бўлмайди. Унда кадрлар — йирик, ўрта ва умумий планлар доимо алмашиниб туради. Диққат баъзан оломон орасидан бир персонажга қаратилиб, аста-секин унинг ўй-фикри, психологиясига кириб борилади. Бу жиҳатдан сценарий романга яқин. Аммо романда ёзувчи бир китобхонни кўзда тутиб, унга мурожаат этса, кинодраматург кўплаб томошабинлар тушунчаси, психологиясидан келиб чиқиб, сценарий битади. Вақт бирлиги фильм учун мажбурий. Фақат қаҳрамон хотираси ёки тушини кўрсатишда вақтдан сакраш юз беради.

Фильм учун маълум стандарт узунлик белгиланган бўлиб, сценарий мавзуси, мазмуни ва стили ҳам шунга мослашиши керак. Агар бадиий фильм ўртача уч минг метр узунликда бўлса, бир қисмли ўн минут давом этадиган мультипликация лентага уч юз метр плёнка кетади. Демак, кинодраматурглар сценарий ёзаётганларида ана шу узунликларни ва кино турлари спецификасини ҳис этган ҳолда ижод эишлари лозим.

Мультфильм сценарийсига келсак, у бадиий кинонинг энг қисқа ва салмоқли тури эканидан келиб чиқиб ёзилади. Муаллифлар қисқа вақт ичида томошабинни аниқ бир эстетик дунёга бошлаб кириб,

экран воқеалари ва қаҳрамон хатти-ҳаракатига ишонтиришлари лозим. Шунинг учун ҳам бу санъат турида сценарий муаллифи, режиссёр ва рассомдан юксак ва «чархланган» маҳорат талаб этилади.

Мультфильм яратишда, аввало, сценарийнависнинг роли муҳим. Негаки, сценарий — катта кинодаги каби мультфильмнинг ҳам асоси, унинг «пойдевори». Фильм асосидаги гоя қанчалик чуқур бўлса, томошабин фикр-зикрини ром этса, бундай киноасарнинг умри боқий.

Мультфильм фильм сценарийсини тасвирий деталларда ва тасвирий динамикада кўра олгандагина уни ёзишга киришиши керак. Ёзувчи фикри қанчалик оригинал, тасавури бой, образлари ёрқин ва аниқ бўлса, режиссёр ва рассом фантазиясига қанот бағишлайди. Сценарий ёзиш услуби, жумлалар тузилиши, ҳатто ритмигача кадр, кўринишлар кайфиятини белгилайди. Демак, адабий сценарий режиссёр ва рассомга экран тасвирий воситалари устида изланишга, сюжет доирасини кенгайтиришга имкон беради.

Мультипликация фильмларига сценарий ёзишда, аввало, у қандай санъат эканидан, кўғирчоқ ва чизма кино турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилади. Кўғирчоқ фильмларида персонажлар умумий характерланиб, уларда энг асосий, ҳал қилувчи ҳислатлари бўрттирилади. Персонаж ва воқеалар бўрттирма, мажозий ва фантастик тасвирланади. Кўғирчоқлар статик, оғирроқ, камҳаракатли бўлиб, чизма персонажлардек чаққон ҳаракат, мураккаб трюкларларни бажара олмайди. Аммо бу унинг камчилиги эмас. Инсон психологиясининг у ёки бу ҳислатини бўрттириб, яққол кўрсатишда унга тенг келадиган санъат йўқ. Шунинг учун ҳам кўғирчоқларнинг макроҳаракатидан кўра микроҳаракатига эътибор қаратилади.

Чизма анимация эса ҳаракат санъати. Натурадан ҳеч нарса олмай, оқ қоғоз-у қаламдан, расмлардан бошланиб, аста-секин кадрларга айланувчи бу санъат Ю. Норштейн таъбири билан айтганда, «соф кино».

Агар бадиий кино асосида реал воқелик, ҳужжатлилик ётса, ҳатто павильонларда ҳам тарихий ва замонавий ҳаёт барча тафсилотлари, кўринишлари билан қайта тикланса, мультипликацияда умумийлик, макон ва замонда шартлилик ҳукм суради. Унда реал ҳаётий

шароитлардан, индивидуалликдан четланиб, метафора, киноя, символлар орқали типикликка эришилади.

Кўғирчоқ фильмларидаги шартлилик, образларнинг умумий ва лўндалиги, шунингдек, характернинг бир томонига диққатни жалб этиш каби хусусиятлар уни адабиётнинг баъзи жанрларига яқинлаштиради. Яъни образларни умумий ҳал этувчи эртак, фикрни қисқа, лекин аниқ баён этувчи масал, халқимизнинг қахрамонлик эпоси, турмушдаги баъзи салбий томонлар устидан кулувчи ҳажвий асарлар кўғирчоқ фильмлари яратилишига замин бўлиб хизмат қилади.

Мультипликация турларининг ўзига хос хусусиятлари адабий асос – сценарийга ҳам қатор талаблар қўяди. Аввало қисқа вақтга ўткир ғоя, салмоқли фикрни сиғдира олиш лозим. Яъни чуқур мазмунли фикр – лўнда, яхлит ва аниқ-теран шаклда томошабинларга етказилиши даркор. Мультипликациянинг катта кинодан асосий фарқи ҳам ана шунда.

Бадий кинода образ, характер жонли актёр томонидан яратилса, анимацияда бу вазифани мультипликатор расом бажаради. Персонажлар қиёфасини яратиш билан уларни «жонлантиради» ҳам. Яъни расом уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, қилиқлари, мимикасини ҳар фазада ўзгартира бориб, актёр сифатида образ яратади. Кўғирчоқ фильмларида эса персонажларни «жонлантирувчи» актёр – кўғирчоқ юритувчиларидир.

Сўз билан ифода этилган сценарийга расом-мультипликатор «жон» киргизар экан, персонажлар ташқи қиёфаси, воқеалар динамикаси, пейзаж-муҳитга расом кўзи билан қаралади. Агар расом яратган тасвирий дунё ишонарли, фикр ва ҳис-туйғуга тўла бўлмаса, у томошабинни бефарқ қолдиради. Машҳур режиссёр Ю. Норштейн айтганидек, мультипликацияда «энг муҳими – ўз ҳис-туйғуларининг ифода эта олишдир» («Огонёк», ж., 1988, №43).

«Мультипликация – бу фикрлаш усули» – дейди ўз интервьюсида машҳур режиссёр-мультипликатор Гарри Бардин («Искусство кино», 1992, №8, стр. 65). Ҳақиқатан ҳам сценарий ғоясига мос тасвирий ифода воситалари устида изланмасдан, ҳаяжонлантирувчи трюклар, ажаблантирувчи ҳолатлар ўйлаб топмасдан анимация фильми яратиб бўлмайди.

1970-йилларнинг охирларидан ўзбек анимациясида чизма экспериментал фильмлардан етук, профессионал киноасарлари яратишга ўтилади. Тасвир маданияти ўсиб, ифода услубида кескин бурилиш ясалгани, умуминсоний мавзуларга ўтиб, катталар учун ҳам мультипликация фильмлари ишлаб чиқарила бошланган — «Кўғирчоқ ва чизма фильмлар бирлашмаси»да яратилган «Лочин ва Юлдуз ҳақида баллада» (сценарий муаллифи О. Хмельницкая, режиссёр ва рассом М. Маҳмудов, 1978), «Саҳрода кўл» (сценарий муаллифи А. Файнберг, режиссёр Н. Тўлахўжаев, рассом В. Гриднев ва М. Маҳмудов, 1979), «Сехрли самовар» (сценарий муаллифи А. Қобулов, режиссёр М. Маҳмудов, рассом М. Маҳмудов ва Р. Камалитдинов, 1980), «Сехрли оҳу» (сценарий муаллифи А. Қобулов, режиссёр С. Муродхўжаева, рассом В. Гриднев, 1980), «Ёқимли ёмғир ёғади» (сценарий муаллифи ва режиссёр Н. Тўлахўжаев, рассом С. Алибеков, 1984) каби қатор анимация фильмлари шу жумласидандир.

«Саҳрода кўл» сценарийси — экология, инсон ва табиат, яъни умуминсоний мавзуда. Мавзу режиссёрнинг фалсафий, умумлашма хулоса чиқаришга мойил ижодий табиатига мос бўлса-да, сценарий ва унинг тасвирий воситалари устида жиддий изланишга тўғри келади. Режиссёр сценарийдаги воқеаларни, инсоннинг табиатга бўлган ваҳшиёна муносабатини янада кескинлаштиради. Фильмда ёрқин, кўзни қамаштирувчи бўёқлар бўлмаса-да, у ички таъсирчанлиги билан эътиборли. Персонажлар тасвирида умумлашма, фалсафий фикрга мос схематик, силует шакли танланган. Эркак ва Аёл — умуман эркак ва аёллар. Улар ташқи қиёфасининг шаржсимонлиги — ибтидоий, ёввойи одамларга ўхшаса-да, хатти-ҳаракатлари, бешафқатлиги шу кунги инсонларни эслатади.

«Саҳрода кўл» — сюрреалистик, ибратли поэма. Совуққон, баъзан шафқатсиз тасвир билан материалга чуқурроқ кириб бориб, унинг таъсирчанлигини ошириш услуби — режиссёрнинг ана шу дебют чизма фильмида ноқўзга ташланган эди.

Инсон ва табиат мавзуси режиссёр Н. Тўлахўжаевнинг яна қатор чизма фильмларда давом эттирилиб, «Ёқимли ёмғир ёғади» картинасида ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилади.

Фикр тасвир билан боғлиқ бўлган анимацияда сценарий муаллифининг режиссёр ва рассом билан ҳамфикрлиги бошқа санъат турларига нисбатан минг чандон ортиқ. Афсуски, бирдай фикрлай

оладиган уч ижодкор ҳамжиҳатлиги камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Шу сабабли режиссёр ва рассомлар ўз ғояларини, ўзлари тасаввур этган дунёни ўзлари сўз билан битишга мажбур бўладилар. Яъни ўз фильмларига ўзлари сценарий ёзадилар. Бу — кинодраматургни инкор этиш, деган сўз эмас. Мультипликация фильмларига профессионал кинодраматурглар жуда зарур. Лекин бир ижодкор — ҳам режиссёр, ҳам сценарий муаллифи сифатида фильм яратиши мумкин. Бу тажрибада кўп учрайдиган ҳодиса. Бундай ижодий жараён баъзан катта муваффақиятларга олиб келиши мумкин. Н. Тўлаҳўжаевнинг «Ёқимли ёмғир ёғади» анимация фильмида сценарий муаллифи ва режиссёр сифатида ижод этгани ва у Халқаро кинофестивалларда юқори баҳоланиб, қатор совринлар билан мукофотлангани фикримизнинг далилидир.

Америкалик фантаст ёзувчи Рэй Бредберининг «Ёқимли ёмғир ёғади» новелласи «Марс хроникалари» тўпламига киритилган бўлиб, унда техник янгилик ва ихтиролар орқасидан қувишнинг, турмушда ҳамма нарсани механикалаштиришнинг негатив оқибатларига диққат-эътибор қаратилади. Инсоннинг бугунги, айниқса, эртанги кунидан, келажагидан ташвишланиб ёзилган «Ёқимли ёмғир ёғади» новелласида ёзувчи илгарилаб бориб, диққатни 2026-йилнинг 4-август кунига, атом урушининг мудҳиш оқибатларига жалб этади. Атом урушидан сўнг сақланиб қолган ягона бетон уйда истиқомат қилувчи биронта ҳам жонли зот йўқ. Ҳамма нарса куйиб кулга айланган. Фақат механизмлар, роботлар одатдагидек ўз «ишини» давом эттиради.

Киноновелланинг характерли томонларидан бири — унда иштирок этувчиларнинг камлиги. Унда жанр талабига кўра воқеа бошидан эмас, ўртасидан, яъни атом урушидан сўнг шаҳар кулга айланиб, биронта ҳам жонли зот қолмаганидан сўнг бошланади. Ана шундай совуқ, даҳшатли, ҳис-туйғусиз муҳитни анимация экранда қандай тасвирлаш мумкин. Нозим Тўлаҳўжаев чизувчи режиссёр эмас. Унинг ҳамфикр, маслакдош, шунингдек ижтимоий фантастика жанрини тушунадиган рассом Сергей Алибеков билан ҳамкорлиги — ўзбек мультипликациясига катта муваффақият келтиради.

Новеллада воқеа кўпроқ реалликка яқин. Сценарий муаллифи Н. Тўлаҳўжаев эса муҳитни кескинлаштиради. Унга агрессивлик,

шафқатсизлик тусини беради. Ҳаммаёқни тотал муҳит қоплаган: темир роботлар, кумга айланган мурдалар... Кейинчалик сценарийга, сўнг фильмга илиқлик киритмоқчи бўлади. Шу мақсадда у баҳор фасли манзараси акс этган қалбаки ойна ва қуш мавзусини ўйлаб топади. Ягона жонли зот — қуш образини киритиш билан ҳаёт нафаси ҳали узилмаганини кўрсатмоқчи бўлади.

Рассом С. Алибеков анимацияга биринчи марта қўл урган бўлса-да, режиссёр ўй-фикрларига мос тасвир ярата олган. Ўта техникалашган, ҳис-туйғудан асар ҳам қолмаган ҳаддан ташқари бераҳм ва шафқатсиз дунё — рассом қаламида кулранг, қорамтир — совуқ рангларда тасвирланади. Жиддий, лўнда ва тугал тасвирда ҳиссиз, ваҳимали дунё акс этади.

Сценарист ва режиссёр ҳоҳиши билан макон фақат бир мартагина жонланиб, фильмга илиқлик киритилади. Бу ўзгариш асарнинг характерли мотивига бўйсундирилгани ҳақида италиялик кинотанқидчи Массимо Майсетти «Очиқ ойнадан ташқаридаги ям-яшил панорамани кўриш мумкин. Лекин панорама — иллюзия, сунъий экани қушнинг ташқарига интилиб, ўзини ойнага урганида маълум бўлади. Ташқарида эса, вайрона устига Бредберининг ёқимли ёмғири эмас, балки қор парчалари тушмоқда. Ҳаммаёқ совуқ ва сукунатда», — деб ёзади ўзининг Марказий Осиё анимация киносига бағишланган китобида («MILLE EUNAFIABA DALL' ASIA CENTRALE» MILANO, 1985, 10-бет).

Мультфильм сценарийсининг ўзига хос хусусияти, юқориди айтганимиздек, сўз, жумлаларнинг экран тасвирига, тасвирий динамикасига бўйсундирилиши, ғоя — тасвирий образларда амалга оширилишидир. Бу ижодий жараёнда салмоқли «юк» рассом зиммасига тушади. Анимация фильмининг оддий ва тушунарли, лўнда ва ҳис-туйғуга бой, ҳаракатлар пластикасининг ишонарли бўлиши кўп жиҳатдан мультипликатор рассомга боғлиқ. Ўзбек анимациясида чизма фильмлар яратиш ижодий жараёнини фаоллаштиришда ВГИК бадий факультетини тугатиб, мультипликатор рассом бўлиб келган Мавзур Маҳмудовнинг хизмати катта. У икки йил мультипликатор-рассом бўлиб ишлагандан сўнг мустақил ижодга ўтиб, режиссёр ва рассом сифатида «Лочин ва Юлдуз ҳақида баллада» дебют фильмини яратади. Сценарий анча саёз ва суст бўлса-да, унинг шарқона поэтикаси ижодкорни жалб этади. Сценарий асосидаги ғоя — энг

кўҳна, шу билан бирга доимо янги – мангу муҳаббат мавзуси эди. Сценарий ҳажми қисқа, асосий персонажлар иккита ва улар ўртасидаги диалоглар – 4-5 тагина. Режиссёр сценарий персонажларини қисқартиради, диалогларни олиб ташлайди ва асосий эътиборни экран бадиий тасвирига қаратади.

Лочиннинг олис-олисларда чарақлаган ёрқин Юлдузга бўлган муҳаббати, унга интилиши ва фожиаси – Шарқ классик шоирлари поэмаларида қуйланган юксак, улғувор севгини эслатади. Бу севги қаҳрамонни ҳалокатга олиб келса-да, ҳеч ким ишқ-муҳаббат йўлидан қайтмаган. У – сўнмас, абадий. Ана шу ғоянинг экран тасвирида режиссёр ва рассом М. Маҳмудов Шарқ классиклари асарларининг безатиш графикасига таянади. Нозик услубда чизилган Ҳирот миниатюра мактаби анъаналари биринчи бор ўзбек анимация экранида давом эттирилади.

Мавзур Маҳмудов – ўзбек анимациясида қоғоз марионеткаларни алмаштириш усулининг, яруслилик технологиясининг отахони. У бирлашмада яруслилик станогни яратиш ва шу усулда фильм суратга олишнинг ташаббускори бўлди. Бу усулнинг кам меҳнат талаб қиладиган жойи шунда эдики, ҳар бир кадр учун персонажлар бошдан оёқ қайта-қайта чизилмай, ҳаракат ёки мимикани ифодаловчи қисмлари чизилиб, ҳар фазада алмаштирилади. Мультбирлашмада яратилган энг яхши фильмлар, жумладан, совриндор «Ёқимли ёмғир ёғди» киноасари ҳам шу усулда суратга олинган.

Марионетка усулида яратилган биринчи анимация фильми – «Хўжа Насриддин» (сценарий муаллифи А. Бородин, режиссёр ва рассом М. Маҳмудов, 1982) дир.

1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошларида ўзбек анимациясида халқ ҳимоячиси, сўз устаси Хўжа Насриддин образини яратишга уриниб кўрилди. Аммо икки марта ҳам бу уриниш муваффақиятга олиб келмади. Бунинг сабаби – адабий асар материалида эди. Яъни адабиётнинг шундай турлари борки, улар тасвир «тили»га жуда қийинчилик билан кўчади ёки тасвирга умуман бўйсунмайди. Бунга сўз ўйинига асосланган асарларни, аскиябозлар санъатини киритиш мумкин. Улар китобхон ва томошабинда ассоциатив равишда ёрқин образларни кўз олдига келтирса-да, аниқ тасвирда ўз жозибасини йўқотади. Хўжа Насриддин ҳақидаги ҳикоя, латифалар ана шундай сўз ўйинига

асосланган асарлардан. Мультипликация экранида бош қахрамоннинг бўёқлар соясида қолиб кетганининг, образ аста-секин хиралашиб бориб, фильм охирида унга бўлган қизиқиш умуман йўқолганининг боиси ҳам шунда. Анимациянинг тасвирий-динамик тилига бўйсунмайдиган бундай «қалтис драматургия» асарларида адабий асосга мос динамик кинообраз топиш қийин. Халқ орасидан чиққан ҳазилкаш, қувниқ, шу билан бирга соддадил Хўжа Насриддинда сўз ўйини устун бўлиб, уни тасвирлаш эса, ниҳоятда мушкул.

Демак, мультфильм учун адабий асос танлай билиш ҳам катта масъулиятли ишдир.

Оригинал сценарийнинг экрангача босиб ўтадиган йўли — ижодий жараёнда режиссёрнинг роли муҳим. Буни «Кудуқ» (сценарий муаллифи С. Козлов, режиссёр С. Муродхўжаева, 1987) анимация фильми мисолида кузатиш мумкин. «Кудуқ» — персонажлар иштирок этувчи эртақ-фильм бўлиб, унда саҳрода қудуқ қазиб сув чиқариш, йўловчиларни ташналикдан халос этиш ҳақида ҳикоя қилинади. Сценарийда трюк, фантастикадан фойдаланилмаган. Ташқи кўринишдан бамайлихотир, осойишта ритмда давом этса-да, у ички динамикаси билан кучли. Саҳрода сувнинг кадр-қиммати, табиат ва борлиқ сув билан ҳаёт экани ҳикоя қилинар экан, муаллиф жониворлар тимсолида инсонларни кўзда тутди. Меҳнатсеварлик, яхшилик қилиш ғояси персонажларнинг инсонларга хос хатти-ҳаракатидан, позитив ва негатив характерларини юзага чиқаришдан келиб чиқади.

Сценарийнинг экран ифодаси куйидагича: режиссёр С. Муродхўжаева 7 бетдан иборат сценарийни яна ҳам қисқартиради, ортиқча персонаж ва эпизодларни олиб ташлайди, баҳор ва жазирама ёз фаслларига бўлинган саҳродаги ҳаётни умумлаштиради, янги эпизодлар киритади.

Типратикон — «Кудуқ» анимация фильмининг бош персонажи. У кеча-ю кундуз қудуқ қазиш билан банд. Ниҳоят қудуқда сув пайдо бўлади, аммо у ҳеч кимга керак эмас... Кейинги эпизодларда режиссёр конфликтни аста-секин кескинлаштира боради. Ногаҳон саҳрода бўрон кўтарилиб, ҳаммаёқни, жумладан қудуқни ҳам қумга тўлдиради. Бу бош персонаж олдидаги синов бўлиб, унинг кучли ирода эгаси эканлиги — қумга тўлган қудуқни эринмай тозалаб,

атрофини тартибга келтиришида кўрсатилади. Бўрон ҳаммаёқни қуришиб, ташналикка гирифтор қилади. Сахро жониворлари сув дея, халлослаб зўр-базўр қудуққа етиб келишади. Типратикон уларни оби-чашма билан мамнун этаркан, меҳнати зое кетмаганидан мамнун.

Сценарий бош қаҳрамоннинг мажорли қўшиғи билан тугаса, режиссёр фильм финалига ўзгартиш киритади. Бош персонаж қўлида фонар, елкасида кетмон билан янги қудуқ қазिशга кетар экан, бу билан хизмат, яхшилик қилиш ҳамиша давом этиши таъкидланади.

1980-йилларнинг охирларидан ўзбек мультипликациясида ижодий жараён миллийлик ва фалсафий умумлашма омухтаси йўналишида давом этди. Бу қонуний ҳол эди. Етук ижодкорларга айланган иккинчи авлод режиссёр ва рассомлари энди анча мураккаброқ мавзуларга қўл ура бошладилар. Бу даврдаги ижодий жараён олдингиларидан танланган мавзу ва унинг тасвирий ифодасида оригиналликка эришилгани билан фарқ қилади. Ўтмиш ҳаёлий хотиралари, инсон ички организмда рўй берадиган мураккаб жараён мультипликация экранида визуал ифодасини топа бошлади. «Ўзвийлик» (сценарий муаллифи И. Марголина, режиссёрлар С. Муродхўжаева ва С. Алибеков, 1989) – оригинал сценарий асосида яратилган ана шундай анимация фильмларидан бири.

Сўзсиз – визуал мультипликация ҳам чуқур ғояга асосланиши ва у аниқ ва тушунарли шаклда томошабинларга етказилиши лозим. Визуал фильмлар – сўз билан ёзилган сценарий ғоясини, режиссёр ҳис-туйғуси, мақсадини рассом мультипликатор фақат тасвирий қаторларда рўёбга чиқаради.

Сценарий инсоннинг орқасида қолган вақт ҳақидаги лирик притча эди. Икки изланувчан, профессионал етук ижодкор сценарий ғоясини фақат тасвирий қаторларда ифода этиш билан чекланмайди. Инсон умри охирлаб қолганида «орқасига», ўтган ҳаётига ҳаёлан қайтиши ҳақидаги сценарийга миллийлик тусини беради.

Қаҳрамон хотираси унинг тасавурида – аниқ образларда гавдаланаркан, кўз олдидан беташвиш болалиги, гўр ёшлиги, илк севги онлари ва муҳаббат фожиаси каби умр босқичлари бирма-бир ўтади. Муаллифлар ана шу ҳар бир умр босқичини унинг ўзига

хос миллий урф-одатлари, расм-русумлари, миллий маросим ва анъаналари билан узвий боғлайдилар. Миллий мавзуга бундай ёндошиш — мультипликация экранида янгилик эди.

«Узвийлик» — ўзбек мультипликациясини янги давр — мустақиллик арафасида миллий йўналишга бошлаб берган дастлабки фильм бўлиши билан аҳамиятли. Украинада бўлиб ўтган биринчи Халқаро кинофорум «Крок»да у ҳақли равишда «Энг яхши фильм» деб тан олинади.

Ўзбек мультипликациясида иккинчи авлод режиссёр ва рассомлари шаклланиб етгани, тасвир маданияти ўсгани оригинал сценарийга бўлган талабни ҳам оширади. Бу соҳада А. Файнберг, В. Гусев, Ж. Исҳоқов каби кинодраматурглар ижод этсалар-да, сценарий танқислиги сезиларли даражада эди. Сценарий муаммосини ҳал этиш — янги авлод кинодраматурглари етиштиришга ҳам боғлиқ ва у ҳали-ҳали долзарб.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004-йил март ойидаги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорида мультипликация фильмлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилгани ҳам бежиз эмас. Ахир, мультфильмлар минг-минглаб томошабинлар, ёш авлод эҳтиёжини қондириб қолмай, уларга маънавий, эстетик таъсир кўрсатади. Кўнгли пок, тасаввури фаол, асоциацияси эркин болалар учун ижод этиш ҳақиқатан ўта масъулиятли. Болалардаги бундай сифатлар ижодкорларни ҳам дунёга янги кўз, янги нигоҳ билан қарашга ундайди.

Мундарижа

Тахририятдан 5

ФАЙЗУЛЛА КАРОМАТЛИ ҲАҚИДА СЎЗ

Т. Мирзаев. Таниқли фольклоршунос олим 8

J. Elsner. Faszination «maq'Ёm» 11

Б. Ерзакович. Несколько слов о Ф. М. Кароматове 19

Р. Қосимов. Анъанавий ижрочилик
кафедраси фаолиятидан 23

Н. Янов-Яновская. В поисках научной истины 27

Б. Турғунов. Кароматов «сенсей» ҳақида икки оғиз сўз 30

МУСИҚА

З. Орипов. Форобий ва Шарқ мусиқашунослиги 38

Р. Юнусов. Мақом ва муқом жанрлари қиёсига доир 46

О. Иброҳимов. Шашмақом ҳикматларига бир назар 55

Ж. Расултоев. Ўзбек чолғушунослигида тизимли-этнофоник
услуб 65

Р. Абдуллаев. Обрядовая практика и фольклор шаманизма ... 71

Д. Муллажонов. Мусиқий эстрада шоу-бизнес тизимида 80

САНЪАТ ТАРИХИ ВА МЕЪМОРЛИК

Э. Ртвеладзе. О раннесредневековых монетах Чача 88

П. Захидов. Макомы Хаттои в архитектуре Самарканда 96

Э. Исмаилова. Большая ханская охота в двух темуридских
диптихах 106

М. Юсупова Садово-парковые ансамбли Бухарского оазиса 115

В. Лунева. Ювелирные изделия оседлого
и кочевого населения южных областей Средней Азии
(III—II тыс. до н. э.) 124

- Н. Шагалина, Г. Никитенко. Терракотовая пластика, как явление религиозно-идеологического воззрения и искусства (на примере Средней Азии) 128

ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ

- К. Акилова. Некоторые методологические аспекты изучения современного дизайна Узбекистана. 138
- Н. Ахмедова. В ожидании сдвигов (наблюдения о состоянии современной исследовательской и творческой практики) 143
- Э. Гюль. К проблеме профессиональных форм деятельности в традиционном искусстве Узбекистана. 151
- И. Заатов. Динамика развития крымскотатарского искусства XX в. 161

ТЕАТР, КИНО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ

- И. Мухтаров. Музыка в современном драматическом театре Узбекистана (приглашение к теме) 170
- М. Ҳамидова. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри: замонавий жараён 176
- Д. Раҳматуллаева. Миллий уйғониш даври театри ва уни илмий ўрганиш даражаси 183
- Д. Қодирова. Ўзбек театрида ғарб мумтоз драматургияси: замонавий талқин муаммоси 189
- Х. Абул-Касымова. Кино и время 195
- М. Мирзамухамедова. Мультфильм драматургияси (Ўзбек мультпликация фильмлари драматургияси мисолида) 201

Санъатшунослик масалалари II

Илмий мақолалар тўплами

Масъул муҳаррирлар:

м. ф. д. М. А. Юсупова, с. ф. д. О. А. Иброҳимов

Таҳрир ҳайъати:

т. ф. д. Э. В. Ргвеладзе, с. ф. д. М. Х. Қодиров,
с. ф. н. Д. М. Муллажонов

Тақризчилар:

с. ф. д. Т. Б. Фофурбеков, ф. ф. д. У. Х. Қорабоев

«SAN'AT» журнали таҳририяти - 2005
Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 2
Нашрга берилган вақти 11 декабр 2005 й.
Формат 60x90/16, 13,5 б. т.
Гарнитура TimesUZ. Адади 100 нусха.



САҢЪАТШУНОСЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ